АБДУЛЛА РАСУЛОВ
НУРИЛЛО РЕЖАББОЕВ

ТУРКИСТОНДА ОЧЛАРГА ЁРДАМ КЎРСАТИШ КОМИССИЯСИ ФАОЛИЯТИ



Р-24

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

АБДУЛЛА РАСУЛОВ
НУРИЛЛО РЕЖАББОЕВ

ТУРКИСТОНДА ОЧЛАРГА ЁРДАМ КЎРСАТИШ КОМИССИЯСИ ФАОЛИЯТИ

ФАРҒОНА – 2012

Масъул муҳаррир :


А.А. Исоқбоев, тарих фанлари номзоди, доцент

Тақризчилар:

А.А.Эрқўзиев, тарих фанлари номзоди, доцент

Д.М. Насретдинова, тарих фанлари номзоди

Мазкур китобда XX аср бошларидаги Туркистон ва Россиянинг Волгабўйи, Уралолди ҳудудларидаги ижтимоий-сиёсий, иқтисодий аҳвол, ўлкадаги очарчилик ҳолати, ўзаро муносабатлардаги зиддиятли жараёнлар кенг камровли архив манбаларга таянган ҳолда ёритилган. Шунингдек, Туркистонда Россия очларига ёрдам кўрсатиш марказий комиссиясининг фаолияти очиб берилади. Ушбу китоб олий ва ўрта махсус ўқув юрти талабалари, тадқиқотчилар ва умуман Ватанимиз тарихига қизиққан китобхонлар учун мўлжалланган.



Устоз, т. ф. д., профессор,
С.С.Солиевнинг ёркин хотирасига бағишланади.

Кириш

Ўн йиллар давомида ўзаро муносабатлар, хусусан Ўрта Осиё республикалари ва Россия ўртасидаги муносабатлар талқини бир томонлама, яъни Марказ манфаатларига йўналтирилган эди. Асосий эътиборни ижтимоий – сиёсий, иқтисодий жиҳатдан "қолоқ" бўлган Туркистонга, ҳар томондан " илғор" бўлган Россия томонидан кўрсатилган " беғараз байналминал ёрдам"ларга қаратиб келинди. Аммо ана шу "қолоқ" Туркистонни янада "қолоклашига" Россия империяси ва яна кейинроқ эса "қизил империя" ташаббускорлари–большевикар раҳбарияти ҳам ўз "ҳисса"ларини қўшганликлари тўғрисида ёзиш ҳам, гапириш ҳам қабул қилинмаган эди. Амалда ўзаро муносабатлар бир томон манфаатигагина хизмат қилмагани, хусусан Туркистон Россиянинг саноати ва саноат маҳсулотларидан қанчалик манфатдор бўлган бўлса, Россия ва унинг марказий губерниялари Туркистон хом-ашё бойликларидан, пахта, пилла, мева-сабзавотларидан кам манфаатдор бўлмаган эди. Аммо тарихий ҳақиқатни рўйи-рост ёзиш, ўзаро муносабатлардаги мураккабликлар, зиддиятли ҳолатлар ҳақида, тарихий манбаларга асосланиб, мақолалар, китоблар чоп этиш Истиқлолга эришганимиздан кейингина амалга ошадиган бўлди.

Маълумки, совет ҳокимияти ҳукмронлиги йилларида Туркистондаги озиқ-овқат сиёсати, муаммо ва ечимлар тўғрисида холисона фикр юритиш имконияти чекланган эди. Ўлкадаги ижтимоий, сиёсий, иқтисодий ҳолатни, мумкин қадар совет ҳокимияти ўрнатилгунча қадар бўлган даврни,

жуда ёмон аҳволда бўлганлигини тасвирлаш билан бирга, большевиклар ҳокимият тепасига келганидан кейин ҳолат яхши томонга ўзгарганини қайд этилган. Масалан, Туркистон аҳолиси озиқ-овқат тақчиллиги-очарчиликни (1917-1919) бошидан ўтказаётган бир пайтда, Россия ва унинг марказий губерняларидан, Шимолий Кавказ ҳудудидан озиқ-овқат, саноат маҳсулотларидан кўрсатилган ёрдамларни ҳар томонлама эътироф этилган ҳолда, мазкур очарчилик сабабларини, ёрдам бериш зарурияти нималардан келиб чиқаётганини холисона талқини мафкуравий тазйиқлар остида қолиб кетган. Боз устига берилаётган ёрдамлар замирида Россия учун Туркистон пахтаси муҳим аҳамиятга молик эканлиги тўғрисида ёзиш мумкин бўлмаган. Шунингдек, большевиклар раҳбариятини Туркистонда олиб борган озиқ-овқат сиёсати натижасида аҳоли таъминоти қийинлашгани, маҳаллий миллат раҳбариятини Марказ зуғумларига қарши боришда ожизлиги, ўлкада фаолият олиб бораётган рус-большевик эмиссарларининг ерли аҳоли манфаатларини четлаб ўтиши вазиятни янада мураккаблаштирган. Аммо шундай шарт-шароитларда ҳам Туркистон аҳолисининг сабр-тоқати, Россиянинг Волгабўйи, Уралолди ҳудудларидаги очарчилик (1921-1923) йилларида кўрсатган меҳр-мурувати, ўзига-бола-чақасига зарур бўлган рисқу рўзи, уй-жойи, кийим-кечагини билан оч-кочоқ, уюштирилган ҳолда келганлар билан баҳам кўргани тўғрисида ёзилмади. Шундай қийинчилик, алғов-далғовли, ўлкани минглаб-минглаб очлар оқими босиб кетган пайтда Туркистонда олиб борилган озиқ-овқат сиёсати, ерли аҳолини келтирилаётган очлар дарди, муаммоси ечимида кўрган кунлари тўғрисида қайд этилмади.

Эътироф этиш керакки, тарих ва тарихий воқеаларга холисона ёндашиш имкониятини Истиқлол берди. Мустақиллигимиз туфайли тарихга ҳар томонлама холисона

ёндашиш, тарихий талқинларни мафкуравий тазйиқларсиз бериш имконияти вужудга келди. Мазкур имкониятлар туфайли XX аср бошларидаги тарихий жараёнлар ҳам ўз холисона талқинларига эга бўла бошлади. Хусусан, ушбу китоб орқали Туркистон ва Россиядаги ижтимоий-сиёсий аҳвол, иқтисодий жараёнлар, ўлка аҳолисининг Волгабўйи,Уралолди ҳудудларидаги очарчиликни бартараф этишдаги иштироки очиб берилади.Асосий эътиборни, Туркистон Марказий Ижроия Қўмитаси қошида Россия очларига ёрдам кўрсатиш марказий комиссиясининг тузилиши, унинг вилоят, уезд-шаҳар, волостлардаги таркиби, кенг қамровли фаолиятига қаратилди. Мазкур китобни ёзишда асосий эътиборни тарихий далилларга,архив манбаларига, солиштирма материалларга қаратилди. Зеро, тарих ва тарихий асарлар бадиий эҳтиролардан холи, тарихий, архив, ашёвий манбаларга асосланган ҳолда ёзилгани билан аҳамиятга молик ҳисобланади.

Ушбу китобда кенг қамровли архив манбаларига таянган ҳолда XX аср биринчи чорагида Туркистон ва Россиядаги ижтимоий-иқтисодий, сиёсий аҳвол, ўлкада ва Волгабўйи, Уралолдида вужудга келган очарчилик, Россиянинг очарчилик ҳудудларидан Туркистонга эвакуация жараёни, келтирилган очларга ёрдам қамрови ҳамда шу саъйи-ҳаракатлар билан боғлик муаммолар, очларга ёрдам кўрсатиш марказий комиссиясининг фаолияти билан узвий боғланган ҳолда ёритилган. Китобда келтирилган далиллар орқали Туркистондаги озиқ-овқат сиёсати, Марказ томонидан ўлка манфаатларини ҳисобга олмаслик жараёнлари таҳлил қилинди. Россия тўқимачилик саноатини ривожланиши, аҳолини, армияни кийинтириш учун ўлкада пахта экишга бўлган муносабат архив манбалари асосида очиб берилди. Туркистонда ўлка ва Россия очларига ёрдам кўрсатиш

комиссияларининг кенг қамровли фаолияти, айниқса Туркистон МИҚ ҳузуридаги Волгабўйи, Уралолди очларига ёрдам кўрсатиш марказий комиссияси (ОЁ МК) фаолияти жойлардаги ОЁ комиссиялари фаолияти билан боғлиқ ҳолда ёритиб берилди.Чунки айнан ОЁ МКнинг фаолияти туфайли минглаб Россия очлари муқаррар ўлимдан қутқариб қолинган. Мазкур китобда келтирилган тарихий далиллар орқали ўзаро муносабатларда Марказ манфаатлари устун турганлиги, маҳаллий аҳоли яшаш шароити, имкониятлари ҳамма вақт ҳам ҳисобга олинмаганлиги, лекин шундай шароитларда ҳам халқимизнинг бағрикенглиги очиб берилади.

I БОБ. ТУРКИСТОН ВА РОССИЯДАГИ ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ, ИҚТИСОДИЙ ВАЗИЯТ

1.1. Туркистондаги ижтимоий-сиёсий, иқтисодий аҳвол

XIX асрнинг иккинчи ярмида Туркистонни Россия томонидан забт этилиши натижасида ўлкада генерал-губернаторлик жорий этилди. Россия империяси ўз мустамлакаси Туркистонни хом ашё базасига айлантириш, хусусан ўлкада арзон иш кучи орқали унинг пилласи, пахтаси, мева-чевалари, қоракўл териси ва бошқаларга эга бўлиш сиёсатини олиб борди. Натижада Туркистон иқтисодиёти тўла-тўкис Россия манфаатларига бўйсундирилди. Эндиликда Туркистон пахтаси Россия тўқимачилик саноати ривожига, армияси таъминотига хизмат қила бошлади. Бу эса, охир-оқибатда, ўн йиллар, юз йиллар давомида ўз аҳолисини боқиб келган Туркистонни ғалла экишни қисқартириши ҳисобига кўпроқ пахта экишга ихтисослаштирилди.Ўлкада ғалла маҳсулотларини экишни қисқартириш ҳисобига Россия тўқимачилиги саноати учун зарур бўлган пахта экишни кўпайтиришга олиб келди. Бошқачароқ ифодалаганда, Туркистон тўла-тўкис метрополия манфаатларига бўйсундирилди. Узоқни мўлжаллаб олиб борилган сиёсат натижасида ўлка аҳолиси зиммасида пахта экиш салмоғи йилдан-йилга ўсиб борди. Россия тўқимачилик саноатида ишлатиладиган пахта 1890 йилда 8 фоизни, 1900 йилда 33 фоизни, 1910 йилда 43 фоизни, 1914 йилда 58 фоизни ташкил қилган бўлса, 1916 йилга келганда бу 72 фоизга тўғри келди. Россияга юбориладиган маҳсулотлар орасида Туркистон пахтаси салмоғи бошқа маҳсулотларга нисбатан анчагина юқори бўлган. Масалан, 1912 йилда Туркистондан Россияга чиқарилган маҳсулотларнинг умумий қиймати 200 млн. рубль

ҳисобланган бўлса, шундан 138 млн. рублни, яъни 70 фоизи пахта бўлган[1]. Туркистон пахтасининг салмоқли ҳиссасини Фарғона вилояти ташкил қилган. Масалан, 1915 йили Фарғона вилоятида 336525 десятина ерга пахта экилган бўлса, буғдойни 317762, шолини 14117, тариқни 9626, маккажўхорини 46961, мошни 1951, боғдорчилик экинларини 13391, арпани 40810, жўхорини 41084, сулини 2410, бедани 63053, канопни ва кунжутни 2790 десятина ерга экилган. Умуман олганда, пахта экин майдонларини донли экинлар ҳисобига ўсиб бориши аҳолининг нон ва нон маҳсулотларига заруриятини ошириб юборди. Хусусан, озиқ-овқат маҳсулотлари нархи ошиб, 1890-1894 йиллари оралиғида бир пуд ғалланинг нархи 2-5 мартага ва айни пайтда пахтанинг нархи эса 1 сўм 60 тийиндан 3 сўм 50 тийингача ўсган. 1893-1896 йилларда Фарғона вилоятида озиқ-овқатнинг нархи 200-250 фоизга кўтарилди. Яна далилларга мурожаат қиладиган бўлсак, 1901 йилга келиб бир пуд буғдой нархи 16 сўм, арпа эса 11 сўм 20 тийин, маккажўхори 13 сўм 40 тийинга етди. Айни пайтда бир пуд пахтанинг нархи 7 сўм 20 тийинни ташкил этарди. Аҳволни бундай давом этиши, ўша пайтдаги маълумотларга таянган ҳолда қайд этиш мумкинки, озиқ-овқат маҳсулотларига муҳтожликни кучайтириб, яқин орада бўлиши мумкин бўлган қаҳатчилик, очарчиликдан далолат берарди. А.Миддендорф Фарғонадаги ҳолатни кўриб, бу "очлик, қашшоқлик, деҳқонларнинг аянчли аҳволига назар ташлаганда, Европадаги очликни-очлик қаторига қўшмаса ҳам бўлар экан ", - деган хулосага келган [2]. Туркистонда темир йўллар қурилгач, ўлкадан нафақат пахта, балки ипак, жун, пахта ёғи, ҳўл ва қуруқ меваларни олиб кетиш ҳам кўпайди.

---

[1] Мустабид тузумнинг Ўзбекистон миллий бойликларини талаш сиёсати: тарих шоҳидлиги ва сабоқлари. – Тошкент: Шарқ, 2000. – Б. 123.

[2] Шарафиддинов А., Алимова Н. Фарғона водийси чор Россияси мустамлакачилиги даврида // Фарғона водийси тарихи янги тадқиқотларда. Республика илмий анжумани материаллари. – Фарғона, 2011. – Б. 51-53.

Масалан, темир йўллар орқали 1904 йилда Фарғона вилоятидан қурук мева 309267 пуд, ипак ва пилла 84516, жун 14585, пахта ёғи 104107, гуруч 161591 пуд, Туркистондан 1907 йили Россия бозорларига 118099 пуд ёнғоқ ва писта, 1914-1916 йилларда ўлкадан 360000 пуд гўшт, 2925000 пуд жун, 70000 от, 12737 туя олиб кетилган. 1914 йили Ўрта Осиёдан Россияга 22654 пуд қоракўл териси олиб кетилган бўлса, айнан шу йили ўлкадан Россияга олиб кетилган ёғ-мой ҳажми 3000000 пудга етган. Агар Туркистондан олиб кетилган ипак ва унинг толасига эътибор қаратилса, 1903-1907 йилларда Туркистондан Россияга 511839 пуд ипак олиб кетилган[1].

1916 йилга келиб ғалла нархи 1915 йилга нисбатан 300 фоизга ўсган бўлса, гуруч-200, шакар-250, нон эса 400 фоизга ортди. Айни пайтда солиқ миқдори ҳам ортиб борди. Масалан, Туркистонда ер солиғи 1914 йил 6859021 рубль бўлган бўлса, 1916 йилда 14311775 рубль қилиб белгиланган. Саноат солиғи 1914 йилда 1149676 рублни ташкил қилган бўлса, бу 1916 йилда 2838240 рублга етказилган. Умуман олганда, 1914-1917 йиллари Туркистонда йиғилган солиқ миқдори 3,2 млн. рублни ташкил қилган бўлса, унинг 2,8 млн. рубли туб жой аҳолиси ҳисасига тўғри келган. Бундан ташқари, Туркистонда уруш йиллари деҳқонлардан турли баҳоналар билан маҳаллий маъмурлар, қози, оқсоқол ва волост бошлиқлари қўшимча солиқлар ундиришга ҳаракат қилар эдилар. Албатта, жойлардаги қўшимча солиқлар уруш манфаатлари учун расман "ҳоҳиший", аммо аслида "ҳоҳиший-мажбурий" тарзда хайриялар, эҳсонлар йиғиб олинарди. Ана шундай "ҳоҳиший-мажбурий" хайрия эҳсонлар миқдори уруш йиллари 2400 минг рублни ташкил этган[2].

---

[1] Мустабид тузумнинг Ўзбекистон миллий бойликларини... – Б. 137, 141, 145, 149.

[2] Қаранг: Чориев З. Туркистон мардикорлари: сафарбарлик ва унинг оқибатлари (1916-1917 йй.) - Тошкент: Шарк, 1999. – Б. 27-29.

Туркистонда иқтисодий аҳвол оғирлашиб, аҳолининг яшаш шароити кундан-кунга оғирлашиб бораётган бир пайтда ижтимоий-сиёсий аҳвол ҳам мушкуллашиб борарди. Хусусан, Биринчи жаҳон уруши (1914-1918) давом этаётган бир пайтда ўлка аҳолисини ҳам мазкур уруш ҳаракатларига билвосита тортилди. Николай II томонидан 1916 йил 25 июнда 19 ёшдан 43 ёшгача бўлган эркаклардан 250 минг нафарини ҳаракатдаги қўшин ҳудудида мудофаа иншоотлари ва ҳарбий иншоот-истеҳкомлар қуриш ҳамда давлат мудофааси учун зарур бўлган бошқа ишларга жалб этиш тўғрисидаги фармони ўлкада норозиликка олиб келди. 1916 йил 4 июлида Хўжанд шаҳрида бошланган қўзғолон аста-секин Наманган, Андижон, Тошкент ва бошқа шаҳарларда давом этиб, Жиззах уездида энг авжига чиқди[1].

1917 йил февраль инқилоби натижасида Россия ва унинг чекка ўлкаларида бир неча ой, яъни большевиклар ҳокимиятни эгаллагунга қадар эркинликлар ҳукм сурди. Хусусан, Туркистонда сиёсий партиялар, ҳаракатлар вужудга келди. "Шўрои Исломия", "Шўрои Уламо", "Турон" жамиятлари, Туркистон федералист- ларининг "Турк адами марказияти партияси" ва "Иттифоқи муслимин" сиёсий партияси фаолият кўрсата бошлади. Ҳокимиятни большевиклар томонидан эгалланиши натижасида, 1917 йил 1 ноябрдан Тошкентда ҳокимиятни советлар қўлига ўтиши таъминлади. Большевиклар томонидан совет ҳокимиятининг фаолиятига қарши норозилик ифодаси бўлиб, 1917 йил 26 ноябрида Қўқон шаҳрида ўлка мусулмонларининг IV фавқулодда қурултойи ўз ишини бошлаб, 28 ноябрида "Туркистон Мухторияти" ташкил топганини эълон қилди[2]. Аммо большевиклар учун Туркистонда миллий-демократик давлат қурилиши

[1] Ўзбекистоннинг янги тарихи. Туркистон чор Россияси мустамлакачилиги даврида. Биринчи китоб. -Тошкент: Шарқ, 2000. – Б. 416.

тажрибасини ўзига асос қилиб олган Туркистон Мухторияти керак эмас эди. Туркистон Мухториятини йўқ қилиш йўлида большевиклар қизил гвардиячилар, арман бирлашмалари (дашноқлар) ва австро-венгер ҳарбий асирларидан фойдаланиб, қурол-яроқсиз аҳолини ўққа тутдилар. Бу билан большевиклар, амалда, сўзи ва баёноти билан амалий саъйи-ҳаракати бир-бирига тўғри келмасликларини намоён қилдилар.

Халққа тинчлик, ер, тенглик, фаровон ҳаётни ваъда қилган большевиклар олдида Туркистонда ижтимоий-сиёсий барқарорлик учун иқтисодий муаммоларни ечишдек мураккаб вазифа турарди. Аммо большевиклар фаолияти ҳам Россия империяси маъмурлари мустамлака сиёсатидан тубдан фарқ қилган дейиш қийин... Агар илгари подшо Россияси манфаатлари йўлида ўлка талон-тарож қилинган бўлса, эндиликда "социалистик" ғояларни ҳаётга татбиқ этиш тажрибасини ишга солинди.

1917 йил февралига қадар очарчиликни олдини олишга қаратилган нон ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотларига жорий этилган карточка тизими ҳам кутилган натижа бермади. Аҳолига 1917 йил майида дастлаб 2 фунтдан, кейинроқ 1,5 ва ҳатто 1 фунтдан қилиб белгиланди. Фарғона вилоятининг айрим уездларида бора-бора мутлақо ун беришнинг иложи қолмади. 1917 йил ёзига келганда Туркистонда озиқ-овқат муаммоси янада кучайди. Большевиклар ўлка ерли аҳолисига нисбатан, яъни Эски шаҳарларда яшовчилардан кўра Янги шаҳарларда истиқомат қиладиганларни яъни рус ва русийзабонларни кўпроқ қўллаб-қувватлади. Ўлканинг Эски шаҳарларида яшовчи маҳфллий аҳоли Янги шаҳарларда яшовчилардан ортсагина карточка оладиган бўлдилар[1].

[1] Қаранг: Туркестан в начале ,XX века: к истории истоков национальной независимости. - Ташкент: Шарқ. – С. 48-49.

Туркистонда вужудга келган ижтимоий-сиёсий, иқтисодий аҳвол оқибатида ҳокимият учун кураш бошланиб кетди. Натижада, большевиклар амалда ўзларини ҳокимият бошқаришда тажрибасиз эканликларини кўрсатдилар. Бошқарувдаги бошбошдоқлик Туркистон аҳолисини озиқ-овқат билан таъминлашда яққол кўзга ташланди. Масалан, Туркистон МИҚ 1918 йил 20 ноябрида очларга ёрдам кўрсатиш жараёнини таҳлил қилиб, бу борада соғлиқни сақлаш комиссарлиги томонидан олиб борилаётган ишлар етарли эмас деб топди. Шу сабабдан Ўлка очларига ёрдам кўрсатиш марказий комиссияси (ЎОЁ МК) тузишни мақсадга муофиқ деб топилди. ЎОЁ МК Туркистон МИҚ аъзоси раислигида тузилиб, унинг таркибига соғлиқни сақлаш, озиқ-овқат, меҳнат ва ижтимоий ҳимоя, ер ишлари, молия, халқ маорифи, ички ишлар комиссарликлари ва халқ хўжалиги олий кенгаши, ёнилғи Директорияси ҳамда Давлат назорати вакиллари киритилиши таклиф қилинган. ЎОЁ МК мустақил фаолият олиб бориш, мусодара қилиш ва ўзи озиқ-овқат маҳсулотларини тайёрлаш ҳуқуқига эга бўлиши керак эди. Таклифда ушбу комиссиянинг пул маблағларини қуйидаги тарзда шакллантириш кўзда тутилган:

- комиссия тузилиши билан 25 млн. рублни ҳукумат томонидан ажратиш;
- аҳолининг ҳамма қатламини ҳоҳиший хайриясини жорий этиш ва бунинг учун комиссия томонидан халққа мурожаат қабул қилиш;
- ўзига тўқ. мулкдор синфларга нисбатан тазйиқ ўтказиш;
- жойлардаги ишлаб чиқарувчи ташкилотлардан маблағ ундириш.

Туркистондаги очарчилик кундан-кунга авж олиб аҳолининг кенг қатламини ўз домига тортаётганини ўлкада

[1] Ўзбекистон Республикаси Марказий Давлат архиви (ЎзР МДА), Р-17 фонд, рўйхат, 1100-иш, 160-варақ.

олиб борилаётган озиқ-овқат сиёсатидан далолат берарди. Мазкур муаммо ечимида ўлкада соғлиқни сақлаш халқ комиссари бўлиб фаолият олиб бораётган Т. Рисқуловнинг саъйи-ҳаракати эътиборга лойиқ.

Туркистон МИҚ ўзининг 1918 йил 26 ноябридаги мажлисида очарчилик муносабати билан ўлкада юқумли касалликлар тарқалишини олдини олиш ва очарчиликка қарши кураш масалаларини кўриб чиқди. Ушбу масала юзасидан Т. Рисқулов маъруза қилди ва унда ерли аҳолининг очликдан даҳшатли аҳволи тўғрисида атрофлича маълумот берди. Шунингдек, бундай аҳволни бартараф этиш ҳамда "очларга ғамхўрлик қилиш ва уларни ўз қарамоғига олишни айрим комиссарлар ёки маъсул [ходимлар] га юклаш бўйича буйруқ бериш зарурлиги, бу борада очарчиликка қарши ишларни бартараф этиш учун махсус комиссия тузиш керак"лигини уқтириб ўтди[1]. Туркистондаги очарчилик аҳволи ва бу борадаги қилиниши зарур бўлган вазифалар атрофлича муҳокама қилиниб, Т.Рисқуловнинг ўзини ўлка бўйича "Очарчиликка қарши кураш марқазий комиссияси"га раис этиб тайинлаш ҳамда унга ушбу комиссия низоми, унинг вазифалари ва тегишли комиссарлар билан ўзаро муносабатларни ишлаб чиқиш вазифаси юкланди[2]. Мазкур вазифани бажаришга киришган Т.Рисқулов ўлка бўйича очарчиликка қарши кураш комиссияси фаолияти юзасидан қуйидаси таклифларни киритди:

- комиссия ихтиёрига ҳукумат томонидан 25 млн. рубл ажратиш ;
- ўлка аҳолисига комиссия томонидан чақирик билан мурожаат қилиши ва аҳоли ўз хоҳишига кўра хайриялар уюштириш;

[1] ЎзР МДА, Р-25 фонд, 1-рўйхат, 44-иш, 61-варак.
[2] ЎзР МДА, Р-25 фонд, 1-рўйхат, 44-иш, 61-варак.

- очларга ёрдам уюштиришда мулкдор синфларга босим ўтказиш;
- ишлаб чиқариш корхоналаридан маблағ топишга ҳаракат қилиш;
- вилоят, уезд миқёсида очарчиликка қарши кураш комиссиялари тузиш;
- вилоят комиссиясига МИҚ томонидан, уезд комиссиясига эса Ўлка очларига ёрдам кўрсатиш марказий комиссияси томонидан раҳбар тайинлаш;
- Сирдарё вилоятидан ташқари (бу вилоят Тошкентда ЎОЁ МК томонидан бошқарилади) ҳамма вилоятларда тегишли комиссиялар тузиш;
- участка, волост, овул ва қишлоқ миқёсида комиссиялар зарурият бўлган жойларда, Марказий комиссия рухсати билан тузиш[1].

Туркистонда очарчилик кундан-кунга аҳолининг, айниқса кўчманчи аҳолининг кўп қисмини қамраб ола бошлади. Боз устига совуқ туша бошлаши оч-яланғоч аҳолининг аҳволи янада оғирлаштира бошлади. Воқеалар ривожидаги бундай аянчли ҳолат Туркистондаги очарчилик бартараф этиш комиссиясига раҳбарлик қилаётган, айни пайтда Туркистон соғлиқни сақлаш халқ комиссари лавозимида ишлаётган Т. Рисқуловга тинчлик бермас ва шу сабабдан ҳам у ўзи бошчилигидаги комиссия аъзоларини, жойлардаги вилоят, уезд-шаҳар очарчиликка қарши кураш комиссияси раҳбариятини очлик азобини тортаётган аҳолининг ҳолатини мумкин қадар енгиллаштириш чора-тадбирларини ишлаб чиқишга ундар ва бу борада ўзи ҳам тиниб-тинчимас эди. Масалан, вилоят, уезд-шаҳарлардаги очарчилик ҳолатининг янада мушкуллашиб бораётганлигидан келиб чиқиб Т.Рисқулов 1918 йил 5 декабрида Туркистон МИ

[1] ЎзР МДА, Р-17 фонд, 1-рўйхат, 1100-иш, 160-варақ ва орқаси.

раҳбариятига очарчиликка қарши кураш комиссияси ихтиёрига ажратилган 5 млн. сўм амалда талабга-эҳтиёжга нисбатан жуда камлик қилаётганини асослаб "мавжуд маблағлар талабларнинг маълум бир қисмини ҳам қондирмайди. [Шунинг учун] нақд пулни жуда зарур ҳоллардагина оз-оздан қисмларга бўлиб тарқатяпман" -дейди[1]. У яна қўшимча маблағ ажратиш зарурлигига асос қилиб, ўлка аҳолиси, айниқса, деярли ҳамма қозоқлар "очликдан ташқари ички кийим, иссиқ кийим, оёқ кийими йўқлигидан ҳам қийналяптилар... Совуқ тушиб қолди. Айрим уездларда қор ёғиб, изғирин бошланди. Очликдан мадори қуриганлар эндиликда музлаб қола бошладилар... касаллик ва ўлим даражаси даҳшатли даражада кўпайиб бормоқда. Кечиктирмасдан очларни кийинтириш ва тўйдириш учун чоралар кўриш керак ва бунинг учун катта миқдорда маблағни зудлик билан ажратиш зарур, акс ҳолда кеч бўлади. Очарчилик ва совуққа қарши ажратилган маблағларни бир кун бўлса ҳам кечиктирилиши, Туркистон республикасидаги юзлаб бахтсиз пролетариатларнинг ҳаётига зомин бўлишига олиб келади ", -деб таъкидлайди[2]. У мазкур мурожаат орқали яна ўлкадаги очарчилик аҳволи аянчли эканлигидан келиб чиқиб, Туркистон МИҚ дан 80 млн. 602406 сўм пул ажратиш зарурлигини асослашга уринган ва зудлик билан 25 млн. сўм ажратиб туришларини сўраган эди. Т. Рисқулов 1918 11 декабрда яна Туркистон МИҚ раҳбариятига мурожаат қилиб, 5 декабрда сўралган 25 млн. сўм миқдордаги пул аслида мавжуд ҳолатдаги очарчиликка қарши курашга мутлақо етарли эмас деб, шу миқдордаги суммани "сўрашимга ихтиёримда [очарчилик ҳолати, очлар сони тўла-тўкис] кўрсатилган ҳисоб-китоб йўқ эди..., қайд этилган [25 млн. сўм] маблағ очларга дастлабки ёрдам кўрсатишни кенг миқёсда ташкил қилиш...

[1] ЎзР МДА, Р-25 фонд, 1-рўйхат, 44-иш, 68- варак.
[2] ЎзР МДА, Р-25 фонд, 1-рўйхат, 44-иш, 68- варак.

очларни дастлабки озиқ-овқат билан бокишга"- етади деб ўйлаганини қайд этиб, олинган ҳисоб-китоблардан келиб чиқиб, " шунга имоним комил бўлдики, совуқдан ўлаётганларга 25 млн. сўм бериш етарли эмас экан... Шунинг учун қатъий тарзда 80 млн. сўм ажратилишини зарур деб ҳисоблайман"- дейди[1].

1918 йил 11 декабрдаги маълумотларга кўра, Туркистон республикасидаги очларни "Овқанлантириш пункт"ларида қуйидаги ҳолат кўзга ташланади[2]. (1-жадвал)

"Овқатлантириш пункти"ларидаги аҳвол ҳақида маълумот (1918 йил декабрига қадар)

1-жадвал

Т/р	**уездлар**	**очлар сони**	**"Овқатланиш пунктларида"гилар сони**	**битта оч учун ўртача кунига сарфланган маблағ**
1	Казалинск	5000	1300	1 сўм 85 тийин
2	Перовк	37500	1400	1 сўм 50 тийин
3	Туркистон	85000	2038	2 сўм 43 тийин
4	Авлиёота	19500	1682	4 сўм 33 тийин
5	Черняев	8300	2600	2 сўм 12 тийин
6	Тошкент	16335	4890	1 сўм 67 тийин
7	Голодностеп	17800	300	3 сўм 84 тийин
8	Жиззах	7200	450	2 сўм 12 тийин
9	Хўжанд	20000	5339	2 сўм
10	Андижон	85000	22	1 сўм 85 тийин
11	Наманган	60000	-	1 сўм 50 тийин
12	Ўш	23000	-	1 сўм 50 тийин
	жами	384635	20021	2 сўм 23 тийин

Расман рўйхатдан ўтган очлар сони 384635 нафар кишини ташкил қилиб, ўртача кунлик овқатлантириш 2 сўм 23 тийинни ташкил қилади ва бу бир кунга 857736 сўмга, бир ойга

[1] ЎзР МДА, Р-25 фонд, 1-рўйхат, 44-иш, 69- варак.
[2] ЎзР МДА, Р-25 фонд,1-рўйхат,44-иш, 69-варак оркаси.

25832080 сўмга тўғри келади. "Овқатлантириш пункт"ларида эса 20021 киши ҳар куни овқатлантирилиб, уларнинг овқатланиши кунига 44646 сўмга, бир ойга 1339380 сўмга тўғри келган. Юқоридаги ҳисоб-китоблардан келиб чиқиб, Самарқанд, Каттақўрғон, Скобелев, Қўқон уездлари ва Еттисув вилоятидаги уездларни ҳам қўшсак, ойига 25832080 сўм зарур бўлган. Бундан ташқари очларни кийим-бош билан таъминлашга 28847700 сўм керак эди. Марказий ва уездлардаги очарчиликка қарши кураш комиссияларида хизмат қилувчилвр штати ойига 278 минг сўмни ташкил қилар эди. Агар Туркистон республикасидаги ҳамма очларни қамраб оладиган "Овқатлантириш пункт"лари очилса, унда харажатлар миқдори ойига 51664160 сўмни ташкил қилади[1].

Туркистондаги очарчилик ўлка аҳолисини ғалла экишдан тийдириб, пахта экишга ундашини деярли аҳамияти қолмади. Туркистон республикаси ҳукумати 1918 йил Россия марказий ҳукуматига қилган мурожаатида "...Марказ мануфактура, мих ва бошқа саноат маҳсулотлари юбормаса, Туркистондан бир тутам ҳам пахта ва бошқа хом ашё ололмайди" дея огоҳлантирган эди[2]. Туркистон МИҚ раиси ва Туркистон озиқ-овқат халқ комиссари А.А. Казаков 1918 йил 5 декабрида Бутунроссия МИҚига, Россия озиқ-овқат халқ комиссарига радиограмма юбориб, "...ўлкада пахта етиштириш туғади ҳисоби... Бунга ўтган йилдан ҳозиргача давом этаётган очарчилик сабаб бўла олади. Совет ҳокимияти берк кўчага кириб қолди... Баҳорда пахта экилиши амри-маҳол. Бирдан-бир нажот йўли шуки, "Оренбург тикини" очилиши билан буғдой етиштирадиган губерния ва вилоятлардан дастлаб энг камида 1 млн. пуд, [1919 йил] апрель ойига эса 10 млн. пуддан кам бўлмаган буғдой Туркистонга юборилиши керак. Буғдой

[1] ЎзР МДА. Р-25 фонд, 1-рўйхат, 44- иш, 69- варақ оркаси.
[2] Наша газета (Ташкент),15 июня 1918 г.

NAMANGAN DAVLAT UNIVERSITETI
Axborot-resurs markazi
21130/1

заҳираси бўлмаса, [Туркистонда] пахта экиш бўлмайди. Чора кўришингизни сўраймиз ", - деган эди [1].

Совет ҳокимияти асосий эътиборини Марказ манфаатларига қаратди. Ғалла монополияси, товар алмаштириш, озиқ-овқат тақсимоти сиёсати натижасида Туркистон аҳолисидан 1918-1919 йилларда 4 млн. 500 минг пуд, 1919-1920 йилларда 5 млн. 250 минг пуд, 1920-1921 йилларда 9 млн. 700 минг руд, 1921-1922 йилларда 4 млн. пуд ғалла амалда тортиб олинди[2].

1920 йил ўрталаридан Россиянинг марказий губерняларида ҳам иқтисодий аҳвол оғирлаша бошлади. 1921 йилга келганда Россиянинг Волгабўйи, Уралолди ҳудудларидаги очарчилик даҳшати ва унинг кундан-кунга авж олаётгани тўғрисидаги хабарлар Туркистон, Бухоро, Хоразм республикаларига ҳам етиб келди. Жойлардаги очарчилик тўғрисидаги хабарлар нафақат матбуот, балки Россиядан очарчилик туфайли Ўрта Осиёга кўчиб келаётганлар, «сафарбар» қилинаётганлар орқали ҳам етиб келарди. Айни пайтда «узоқни кўра олган ишбилармон»лар, улар қаторида партия ва совет ходимлари ҳам ўзлари ёки оилалари билан жойларда очарчилик қамрови кенг ёйилишга улгурмасданоқ, озиқ-овқат маҳсулотлари кўпроқ бўлган Россия губерняларига, Сибир ва Туркистонга «кўчиб ўтиш»га улгурган эдилар. Россиянинг очарчилик губерняларидан қочиб Туркистондан паноҳ излаганларнинг маълум қисми ўлкадаги иқтисодий, ижтимоий-сиёсий аҳвол тўғрисида айрим маълумотларга эга бўлган. Яна шуни таъкидлаш жоизки, уларнинг кўплари 1918-1920 йиллари ўлкадаги партия ва совет органларида ишлаш ҳамда шарқда «инқилоб ғоялари»ни ёйиш

[1] ЎзР МДА, Р-17 фонд, 1-рўйхат,192-иш, 34-варақ ва орқаси.

[2] Ражабов К., Ҳайдаров М. Туркистон тарихи (1917-1924 йиллар). - Университет, 2002. – Б. 82.

учун Россиянинг марказий губернияларидан сафарбар қилинган эди. Туркистонга сафарбар қилинувчилар, айниқса, тили, дини бир-бирига муштарак бўлган Волгабўйи, Уралолди ҳудудларида истиқомат қилувчи татар ва бошқирдларнинг сони Туркомиссия[1] ўз фаолиятини ўлкада бошлаганидан кейин янада кўпайиб кетди. Албатта, сафарбарликдан Марказ ҳам четда турмади. Масалан, 1920 йил июнь ойида Москвадан Туркистонда совет ҳокимиятини «мустаҳкамлаш» учун «бир неча юз партия ходимлари» сафарбар қилинган [2]. Бундай аҳвол 1920 йил охири ва 1921 йилнинг биринчи ярмида янада кўпайиб кетди. Натижада ўлкага Марказдан «экспорт» қилинган партия ва совет ходимлари ўз оилалари, қариндош-уруғ ва ҳатто ўз пайтида жойларда бирга ишлаган ҳамкасбларини ҳам Туркистонга келишга ундадилар.

Туркистонга сафарбар этилганлар ўлкада совет ҳокимиятини «мустаҳкамлаш» билан бирга, Марказни пахта, қоракўл териси, мева-сабзавот ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашда ҳам катта жонбозлик кўрсатганлар. Чунки, улар ўлкада совет ҳокимиятини мустаҳкамлаш орқали Туркистоннинг иқтисодий ҳаётини Марказ манфаатларига бўйсундириш учун юборилган эдилар. Марказ эмиссарлари бўлмиш «инқилоб яловбардор»лари Туркистонда большевиклар ҳокимиятини мустаҳкамлашга қаратиб, қуролли қаршилик ("босмачилик") ҳаракати қатнашчиларига қарши курашганлар. Ўз навбатида эмиссарлар

---

[1] Туркомиссия, Туркистон комиссияси – РКП(б) МҚ, Бутунроссия МИҚ ва РСФСР ХКҚнинг Туркистон ишлари бўйича комиссияси бўлиб, 1919 йил 8 октябрда ташкил этилган ва бу комиссия аъзолари 1919 йил 4 ноябрда Тошкентга етиб келган. РКП(б) МҚ сиёсий бюросида комиссия аъзолигига Ш.Элиава (раис), В.Бокий, Ф.Голощекин, В.Куйбишев, Я.Рудзутак, М.Фрунзелар тасдиқланган. Туркистондаги барча ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маданий масалалар Туркомиссия назорати остида бўлган. Ушбу комиссия фаолияти РКП (б) МҚ нинг 1923 йилги қарори билан тўхтатилган – *муаллифлар.*

[2] Набат революции (Полторацк), 4 июня 1920 г.

зиммасида Туркистоннинг миллий бойликларини Россиянинг қизил шиорларга бурканган коммунистик тузум тарафдорларига етказилиш масъулияти ҳам бор эди.

Россиянинг Волгабўйи, Уралолди ҳудудларида бошланган очарчилик (1921) Туркистонга сафарбар қилинган «инқилоб яловбардорлари»нинг фаолиятига бир мунча ўзгартиришлар киритди. Натижада, улар томонидан Россиянинг марказий губерняларидаги иқтисодий таназзул туфайли, Туркистонга таклиф этиладиганлар сонини кўпайтиришларига тўғри келди. Оқибатда Туркистон аҳолиси тузини тотиб, содда ва меҳнаткаш, бағрикенг, бир бурда нонини ҳам ўзгалар билан баҳам кўришга тайёр халқимиздан ёмонлик кўрмаган руслар ва айниқса дини ва тили бир бўлган, ўлкада совет ҳокимиятини «мустаҳкамлаш»да Марказ томонидан «қурол» сифати фойдаланилган татар ва бошқирдларнинг ўлкага келиши янада кўпайиб кетди.

Волгабўйи, Уралолди ҳудудларидаги кундан-кунга ўз қамровини кенгайтириб, аҳолини борган сари кўп қисмини ўз домига тортаётган очарчилик даҳшати Марказни хавотирга солмасдан қўймасди. Воқеалар ривожидаги очарчилик оқимини кучайиши жойларда халқларнинг қирилиб кетиши ва қолаверса, «социалистик тузум қуриш»ни ўз олдига мақсад қилиб қўйган, совет ҳокимиятининг давлат тизимини бошқаришдаги большевикларни раҳбарлик ролида қолиш ва қолмаслигини ҳам хавф остига қолдирар эди.

Кун тартибида нима қилиб бўлса ҳам очарчилик гирдобига тортилаётганларни қутқариш деган масала турар эди. Бу вазифани бажаришда Россиядаги раҳбарият қурғокчиликни бошидан ўтказаётган Волгабўйи, Уралолди ҳудудларидаги аҳоли учун Сибир, Украина ва Туркистон ҳудудларидан фойданишни мақсадга мувофиқ деб топди. Шу муносабат билан Бутунроссия Марказий Ижроия Қўмитаси (БМИҚ) ҳайъати 1921 йил

июлида РСФСР фуқароларига қилган дастлабки мурожаатида «...Астрахан, Царицин (ҳозирги Волгоград), Саратов, Самара, Симбирск, Уфа губерниялари ҳамда Татаристон республикаси, Чуваш вилояти, Вятск губерниясининг тўртта жанубий уездларида қурғоқчилик оқибатида ҳеч қандай ҳосилга эга эмас. Юқоридаги ҳудудларда 10 миллиондан кам бўлмаган аҳоли кейинги ҳосилгача етиб боролмайди. Аҳоли очарчиликка учради. РСФСР аҳолисининг ҳар бир фуқароси аҳволни жуда жиддий эканлигини тушунсин ва шу ҳолатдан қутулиш ҳаракатида бўлсин»,-дейилади[1]. Албатта, мазкур мурожаат Туркистон халқига ҳам, ўлка аҳолисига жойлардаги партия-совет раҳбарияти, тарғиботчилар орқали етказилди.

Расман қилинган мурожаат аҳолининг қалб-қўрига етиб боргунича, Туркистоннинг чекка-чекка қишлоқларига етишига қадар совет ҳокимияти раҳбарияти қуруқ мурожаатнинг ўзи одамларни инсонпарварлик, хайрихоҳликка ундагунча, дастлабки пайтда «жанговор топшириқ» беришни максадга мувофиқ деб топган. Шунинг учун бўлса керак, айнан ўша БМИҚ мурожаати юборилган 1921 йил 12 июль куни В.И.Ленин Туркистон озиқ-овқат халқ комиссарига ва нусхалари Туркистон МИҚ ҳамда Туркбюрога телеграмма юбориб, унда «...озиқ-овқат танглигини тез фурсатда юмшатиш зарурлиги сабабли, сиёсий аҳамиятга эга бўлган жанговор жадаллик билан Москвага... икки юз эллик минг пуд ғалла юбориш»ни сўрайди. Шунингдек, телеграммада «Туркистон республикасида ҳосил яхши бўлганлиги юқорида кўрсатилган миқдордаги ғаллани тезрок юборишга имкон беради», дейилади[2]. Бундан чиқадики, «доҳий» ҳам Туркистондаги

[1] Ўзбекистон Республикаси Президенти Девони архиви (ЎзР ПДА), 60-фонд, 1-рўйхат, 1452-иш, 2-варак.

[2] Ленин В.И. Ўрта Осиё ва Қозоғистон тўғрисида. – Тошкент: Ўзбекистон, 1984. – Б. 604.

иқтисодий аҳволдан яхши хабардор бўлмаган ёки хабардор бўлганда ҳам Марказни таъминлаш чекка ўлкадагиларнинг «бурчи» деб қараган кўринади. Ҳолбуки Туркистон халқининг ўзи ҳали очарчиликдан (1917-1919) тўла-тўкис қутулиб, қаддини ростлаб олишга тўла улгурмаган эди. Бунинг устига большевиклар томонидан жорий этилган «ҳарбий коммунизм» сиёсати ҳам Туркистон халқ хўжалигини издан чиқаришга улгурган эди. Агар тарихий далилларга мурожаат қиладиган бўлсак, Туркистонда 1921 йили қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқариш 1914 йилга нисбатан 48,8 фоизга, чорва моллари эса 1920 йилга нисбатан уч баравардан зиёдроққа қисқариб кетган эди. Агар 1915 йил Туркистонда 24 млн. чорва моли бўлган бўлса, уларнинг сони 1920 йилда 8.112 минг бошга тушиб қолган ва 1921 йилда бу жараён яна ҳам аянчли холда эди [1]. Туркистон озиқ-овқат ва ер ишлари комиссарликларининг маълумотида ўлка аҳолиси 1915 йил ҳисобига кўра 6 млн. 252869 киши бўлганини ва 1917-1919 йиллардаги очарчилик, «инқилобий» ҳаракатлардан кейинги ҳисобларга қараганда, 1921 йил 23 июлда РСФСР ХККга берган маълумотига кўра 5 млн. 658416 киши борлигини қайд этади ҳамда 1915-1920 йиллардаги ғаллага бўлган эҳтиёжни қуйидаги тарзда келтиради [2]: (2 - жадвал).

Туркистон ер ишлари халқ комиссарлиги томонидан РСФСР ХКК раиси В.И.Ленинга 1921 йил 23 июлида «Зудлик» белгиси остида берилган маълумотда "[Россия] Федерацияси марказида, Туркистон республикасидаги бу йилги ҳосил мўлкўллиги ва унинг озиқ-овқат маҳсулотларидан имкони кенглиги тўғрисида бўрттириб кўрсатилган",- дейилади [3].Айни пайтда Туркистонда ғалла маҳсулотларини экилиши ҳамда тахминий

---

[1] Қаранг: Ўзбекистоннинг янги тарихи. Иккинчи китоб. Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида. – Тошкент: Шарк. 2000. – Б. 180.

[2] ЎзР МДА, Р-25 фонд, 1-рўйхат, 665-иш, 105-варак.

[3] ЎзР МДА, Р-29 фонд, 3-рўйхат, 1973-иш, 9- варак.

олинадиган ҳосил тўғрисида маълумотни қуйидаги тарзда берилади: (3 - жадвал) [1].

Берилган маълумотда Туркистон республикасининг ўзида ҳам ортиқча ғалла жуда кўп эмаслигини билдирилиб, ўлка деҳқонлари ғаллага қишлоқ хўжалик ускуналари, кундалик эҳтиёж моллари алмаштириши мумкинлигини, камида 500 мингта омоч, 200 мингта кетмон кераклиги ҳам қайд этилган[2].

Аммо юқоридаги маълумотлар В.И.Ленин учун аҳамият касб этмаган кўринади... Чунки 1921 йил 27 июль куни В.И. Ленин энди янги кўрсатмаларга асосланган телеграммани Туркистон ХККга юборади. Ушбу телеграммада аҳолининг очарчиликка мубтало бўлган қисмидаги аҳвол оғирлигини таъкидлаш билан бирга, ўзининг ўтган йилларда "анчагина ғалла захирасини Туркистон учун берган (1917-1919 йилларни назарда тутилган - *муаллифлар*) губерниялардаги деҳқонлар очлиги ҳам таъкидланади. Шунингдек, ўлкада озиқ-овқат ишини марказий ўринга қўйишни ҳамда «...бу ишга барча совет, касабасоюз ва бошқа ташкилотларнинг диққат-эътибори ва кучини қаратсинлар, озиқ-овқат ташкилотларига мумкин кадар ёрдам қилсинлар»[3] деб, қатъий топшириқ беради.

Албатта, Марказ раҳбарияти, Россия марказий губернияларидаги мавжуд иқтисодий аҳволдан келиб чиқиб, ўлка раҳбариятига «жанговар топшириқ» беришдан чарчамаган ҳолда, Туркистонда буни бажариш муаммоси ечимини ўйлаб, бу борада маълум саъй-ҳаракатлар қилдилар. Мавжуд архив маълумотлари таҳлили шуни кўрсатадики, Туркистондаги аниқ иқтисодий-сиёсий ҳолатдан Россия Федерацияси раҳбарияти мавҳум тасаввурга эга бўлганлар.

---

[1] ЎзР МДА, Р-29 фонд, 3-рўйхат, 1973-иш, 12-13- вараклар.
[2] ЎзР МДА, Р-29 фонд, 3-рўйхат, 1973-иш, 12-13- вараклар.
[3] Ленин В.И. Ўрта Осиё ва Қозоғистон тўғрисида... – Б. 605-606.

Туркистонда ғаллага бўлган эҳтиёж

2-жадвал

Т/р	вилоятлар	ғалланинг етишмаслиги (-) ва ортиқчалиги (+) минг пуд хисобида				
		1915 й.	1916 й.	1917 й.	1918 й.	1920 й.
1	Сирдарё	+649	-9882	-25245	-16585	+4098
2	Амударё бўйими	-1180	-2406	-2986	-1551	+2260
3	Самарқанд	+10524	+4760	-6010	-7261	+5794
4	Фарғона	-15657	-12045	-13443	-18946	+84
5	Каспийорти	-6465	-2967	-9750	-	+1389
6	Еттисув	-	-	-	-	-
7	жами	-12129	-22540	-57434	-44243	+9105

Туркистонда 1921 йили экилган ва кўзда тутилган ғалла ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари ҳосили

3-жадвал

Т/р.	вилоятлар	экиш майдони	экилган майдон	бажарилиши (фоизд)	ўрта ҳисобда(дес)	кўзда тутилган ҳосил
1	Сирдарё ва Амударё	741300	495390	69	55	27246450
2	Самарқанд	550000	456500	83	43	19629500
3	Фарғона	529000	340350	64,3	60	20421000
4	Каспийорти	72000	72070	100,1	45	3267133
5	Еттисув	599700	419865	76,4	60	25191900
6	жами	2.418500	1784175	73,8	52,6	95755983

Мавжуд архив маълумотлари таҳлили шуни кўрсатадики, Туркистондаги аниқ иқтисодий-сиёсий ҳолатдан Россия Федерацияси раҳбарияти мавҳум тасаввурга эга бўлганлар. Хусусан, 250 минг пуд ғаллани Россияга юбориш тўғрисидаги В.И.Ленинниинг кўрсатмаси Туркистон раҳбарияти томонидан, аслида, маълум даражада норозилик билан кутиб олинганига қарамасдан, бу топшириқни зудлик билан бажаришга киришилган. Масалан, В.И.Ленинниинг 1921 йил 27

июлида юборган кўрсатма - топшириқлардан иборат телеграммасига Туркистон ХКК раиси Қ.Отабоев томонидан юборилган жавобда, Туркистон халқ комиссарлари кенгаши томонидан ғаллани йўналиш поезди бўйича юборишга оид ҳамма чора-тадбирлар амалга оширилаётгани, яъни 31 июль ва 1 август кунлари Самарқанддан тегишли тарзда 24 ва 25 вагон ғалла, 2 августда Еттисувдан битта йўналиш поезди (бу 24-25 вагонни ташкил қилади- *муаллифлар*) Россияга юборилгани ва кейинчалик «йўналиш поездлари мумкин қадар кучайтирилган тарзда амалга оширилиши мумкин»[1], деб ишонтиради. Аммо шу билан бирга Қ. Отабоев «Турк[истон] халқ ком[иссарлар] кен[гаши] бир вақтнинг ўзида шуни маълум қилиш зарур деб биладики, Марказ бу ердан кўплаб ғаллани олиб чиқиб кетиш имконияти бор деб, Туркистоннинг [ғалла заҳираси] имкониятлари тўғрисида нотўғри тасаввурга эга»[2], дейди ва бу тўғрида шундай ўйлаш хато эканлигини ҳам таъкидлайди.

Туркистон ХКК раиси Қ. Отабоев В.И.Ленин номига юборган телеграммасида ўлкада озиқ-овқат заҳиралари, Марказ тасаввур қилганидек, мўл-кўл эмаслиги, аксинча аҳолининг ўзи жойларда тўлақонли овқат еб-емаслигини уқтириш билан бирга яна қуйидагиларни ҳам билдиради:

1. Туркистон доимо ташқаридан келтириладиган ғаллага зарурият сезади. Урушга қадар (1914-1918) ҳам Туркистонга Россиядан ҳар йили 20 млн. пудга яқин ғалла келтириб турилган.

2. Ўлкадан ҳозирда олиб чиқиб кетилаётган ғалла, аслида, пахта экиш майдонларини қисқариб кетганлигидан келиб чиққан.

3. 1920 йил қиши ва 1921 йил баҳорида киши бошига 5 пуддан ғаллани Туркистондан хеч қандай тўсиқсиз олиб чиқиб кетишга

---

[1] ЎзР МДА, Р-25 фонд, 1-рўйхат, 48-иш, 101-варак.
[2] ЎзР МДА, Р-25 фонд, 1-рўйхат, 48-иш, 101-варак.

рухсат берилиши оқибатида, шу пайтга қадар икки млн. пуддан кам бўлмаган ғалла Россияга олиб кетилган.

4. Фарғона вилоятида давом этаётган «босмачилик» - амалда бу вилоятни ғалла етиштириб бериш имкониятидан маҳрум қилади.

5. Туркистонни иштирокисиз Эрон билан тузилган сув бўйича шартнома фойда келтирмай, Каспийорти вилоятидаги кўплаб районларда қурғоқчилик ва очарчиликка олиб келди.

6. Еттисув вилоятида темир йўл алоқалари йўқ ва деҳқонларнинг от-улови жуда эскирганлиги сабабли мавжуд ғаллани ўз вақтида Марказга етказишга халақит беряпти.

7. Шу пайтга қадар Марказ томонидан етарли маблағ ажратилмаганлиги оқибатида Туркистон озиқ-овқат халқ комиссарлигини тўлақонли фаолият юритишига мутлақо имкон йўқ.

8. Марказ томонидан маҳсулотлар билан таъминот ишлари йўлга қўйилмаганлиги учун товар алмаштиришга боғлиқ компания издан чиқиб, ўтган йилги ҳосил қолдиқларини ва бу йилгисини йиғишга имкон бермаяпти.

9. Фарғона вилояти «босмачилик» туфайли, Каспийорти вилояти сувсизлик, Еттисув вилояти эса темир йўл алоқаларининг йўқлиги сабаб кўп миқдорда ғалла бера олмайди.

10. Сирдарё ва Самарқанд вилоятларига етарли маблағ ва алмаштиришга мос-зарур маҳсулотлар келтирилмагани оқибатида, Марказни ғалла билан таъминлаш имконияти кўзга кўринмай, аранг маҳаллий заруриятни қопланяпти[1].

Қ. Отабоев Туркистондаги иқтисодий аҳволнинг ачинарли сабабларини изоҳлаш билан бирга, Марказ томонидан 250 минг пуд ғалла юбориш бўйича кўрсатмасини тўлақонли бажариш учун қуйидагиларни амалга ошириш зарур деб ҳисоблайди:

---

[1] ЎзР МДА, Р-25 фонд, 1-рўйхат, 48-иш, 101-варақ ва оркаси.

1.Еттисув вилоятига зарур бўлган темир йўл анжомларини зудлик билан ажратиб, ғаллакор ҳудудлар билан Марказни боғлашга эришиш керак.

2.Туркистон республикасидаги маблағга зарурият муаммосини зудлик билан ҳал қилиш керак.

3.Туркистонни ғаллага товар алмаштириш учун керакли маҳсулотлар билан тезда таъминлаш зарур[1].

Қ. Отабоев ўз жавобида Туркистондаги аҳволни Марказ раҳбариятига кенгроқ тушунтиришга, асослашига қарамасдан, Россиядаги очарчиликка қарши курашда ўлка аҳолиси четда турмаслигини ҳам қайд этган. Хусусан, у «Туркистон бу фронтда ўзини алоҳида позициясига эга бўлмайди, [Аммо айни пайтда] озиқ-овқат компаниясида кўпроқ натижаларга эришиш учун Туркистон эҳтиёжини қондиришга жиддий эътибор каратиш зарурлиги... Марказ томонидан берилган топшириқ (250 минг пуд ғалла- *муаллифлар*)ни муваффақиятли бажаришга зудлик билан бир нечта автомашина, юк машинаси юборилиши кўплаб ёрдам берарди, [чунки] булар ғаллакор районларни темир йўлдан узоқда жойлашгани ва бутунлай транспорт воситаларини йўқлигидан жуда зарур»[2] – дейди.

Мавжуд архив манбалари шуни кўрсатадики, Туркистон раҳбарияти олдида жуда қийин вазифаларни бажариш турган... Россия ва унинг очарчилик ҳудудларидаги аҳволдан келиб чиқиб, ўлкадан марказий губерняларга ёрдам уюштириш керак эди. Аммо айни пайтда Туркистон аҳолисининг ўзи эндигина очарчилик азобидан қутулиб, «оёққа тура» бошлаган бўлсада, ҳамон пахта экиш ҳудудларининг кенгайгани ҳисобига ўзини-ўзи ғалла билан таъминлашда тўлақонли мўл-кўлчиликка эриша олмаганди. Боз устига Туркистондаги ҳарбий-сиёсий ҳолат ҳам ўлкадаги бошқарув ҳамон изга тушмаганидан

[1] ЎзР МДА, Р-25 фонд, 1-рўйхат, 48- иш, 101-варак ва оркаси .
[2] ЎзР МДА, Р-25 фонд, 1-рўйхат, 48- иш, 101-варак ва оркаси.

далолат берарди. Масалан, 1921 йил 23 июлда Туркистон озиқ-овқат халқ комиссарлиги ўлка ер ишлари халқ комиссарлигига берган маълумотида «... ғалла пишган бўлишига қарамасдан шу пайтга қадар Туркистонда 1921 йили қанча ерга экин экилгани тўғрисида аниқ маълумот йўқ...», дейилади[1]. Бу ҳолат Туркистонда ҳамон ҳокимият учун кураш, бошбошдоқлик давом этаётганлигидан гувоҳлик беради. Бундан кўриниб турибдики, Туркистон раҳбарияти учун ўлкада қанча ерга экин экилгани тўғрисида аниқ маълумот бўлмаган. Мавжуд маълумотлар ҳам бир-биридан фарқ қилган. Шу сабабдан, ўлка раҳбарияти экилган экинлар майдонини 1920 йилги «...ҳолат билан тубдан фарқ бўлмаганини ҳисобга олиб» асос учун қабул қилса бўлади деб ҳисоблаган[2]. Аслида Туркистонда экилган экинлар майдони камайган бўлиши мумкин эдику, аммо кўпаймаган эди.

Яна шуниси борки, етиштирган ҳосилидан ҳоҳиший-мажбурий тарзда маҳрум бўлишга улгурган Туркистон деҳқони, маҳаллий, «оилавий шароитидан» келиб чиқиб, қанча ерга экин экканлиги тўғрисидаги маълумотни жуда хоҳламасдан берган ва «ҳар доим, мумкин қадар экилган ерни, ҳосилдорликни камайтириб кўрсатишга ҳаракат қилган». Чунки яқиндагина очарчилик азобини тортган Туркистон деҳқони ғаллани бола-чақаси емиши учун «асқотиб» қолишига умид боғлаб яширишга мажбур эди. Нега деганда деҳқон ҳосилни қанча кўп олса ҳам, амалда ҳосилнинг аксарият қисмини тортиб олинар ва турли солиқларга деб ундириб (аслида тортиб – *муаллифлар*) олинарди. Бундан ташқари Туркистондаги "босмачилик" ҳаракати, ўлкани бошқаришдаги бошбошдоқлик 1921 йил июлида ҳам қанча ерга ғалла маҳсулотлари экилгани тўғрисида тўла-тўкис маълумот олиш имконини бермасди.

---

[1] ЎзР МДА, Р- 29 фонд, 3-рўйхат, 1973- иш, 5- варак.

[2] ЎзР МДА, Р- 29 фонд, 3-рўйхат, 1973- иш, 5- варак.

Шунинг учун берилган маълумотларда ҳам амалда экилган ернинг ҳажмини қисқартириб кўрсатишдан аҳоли манфаатдор эди. Юқорида қайд этилганидек, амалда 1921 йил учун экилган ер ва олинадиган ҳосиллар 1920 йил натижаларидан келиб чиқиб ҳисобланар эди[1]. (4 - жадвал)

1921 йили Туркистонда экилган ва олинадиган ҳосил бўйича тахминий ҳисоб-китоблар

4 - жадвал

Т/р	вилоятлар	амалда экилгани	ҳар десятинадан олинадиган ҳосил (пуд ҳисобида)	ҳосил миқдори
1	Сирдарё ва Амударё	495390	50	24769500
2	Самарқанд	456500	45	20542500
3	Фарғона	340350	50	17017500
4	Каспийорти	72070	45	3243150
5	Еттисув	419861	55	23092575
6	жами	1784175	49	88665225

Шуниси борки, айнан ер ва ер ишлари бўйича маълумотларда, амалда экилган ҳамда кўзда тутилган ҳосилга доир Туркистон раҳбарияти ҳам ягона маълумот йўқ эди. Масалан, қуйида келтирилаётган маълумотларга кўра, Туркистондаги мавжуд вазият янада бошқачароқ бўлганлигидан дарак беради. 1921 йил 26 июлида Туркистон ер ишлари халқ комиссарига қишлоқ хўжалиги бўлим мудири М.Никольский томонидан тақдим этилган маълумотномада кўзда тутилган ҳосил миқдори, бўлиши мумкин бўлган ортиқча маҳсулотлар ҳажми келтирилади (5[а,б] - жадваллар).

[1] ЎзР МДА, Р- 29 фонд, 3-рўйхат, 1973- иш, 5- варақ ва орқаси.

1921 йил Туркистонда йиғиб олиниши кўзда тутилган ҳосил

5[а] – жадвал

Т/р	вилоятлар	экилган майдон	хар десятинадан олинадиган ҳосил (пуд хисобида)	умумий йиғим миқдори
1	Сирдарё ва Амударё	495000	50	29700000
2	Самарқанд	456000	60	27360000
3	Фарғона	340000	60	20400000
4	Каспийорти	72000	45	3240000
5	Еттисув	419000	80	33520000
6	**жами**	1782000	59	114220000

1921 йил Туркистонда аҳолига зарур бўлган ҳосил миқдори ва бўлиши мумкин бўлган ортиқчаси

5[б] – жадвал

Т/р	аҳоли тури	аҳоли миқдори	жон бошига (пуд хисобида)	зарурият
1	шаҳарликлар	1000000	12	12000000
2	кўчманчилар	1000000	12	12000000
3	ўтрок-қишлоқ аҳолиси	3000000	18	64800000
4	**жами**	5000000		88800000

Албатта, мазкур жадвалларда келтирилган маълумотлар ҳам тўлақонли, хусусан Туркистондаги бошқарув органлари томонидан текширилган, тегишли – алоқадор халқ комиссарликлари ихтиёридаги мавжуд маълумотлар билан солиштирилмаган, ўз навбатида қиёсий таҳлил қилинмаган эди. Шунинг учун ҳам келтирилган жадваллардаги маълумотлар у ёки бу даражада бир-биридан фарқ қилиши мумкин.

Демак, А.Никольский тақдим этган маълумотга кўра, кўзда тутилган ҳосил миқдоридан келиб чиқиб, бўлиши мумкин

бўлган ортиқча маҳсулотлар ҳажми 25 420000 пудни ташкил этиш мумкин[1].

Туркистон аҳолисини боқиш учун қанча ғалла керак эди? Шуни таъкидлаш жоизки, ўлка аҳолиси сони Биринчи жаҳон уруши (1914-1918) йилларида кескин тарзда қисқариб кетган. Хусусан, 1915 йили Туркистонда 6 млн. 252869 киши истиқомат қилган бўлса, 1921 йилга келганда аҳолининг сони 5 млн. 658416 кишини ташкил қилган. Аҳолининг кескин қисқариб кетишига 1917-1919 йиллардаги очарчилик, «инқолобий» ҳаракатларни сабаб қилиб кўрсатиш мумкин. Туркистон аҳолисининг ҳар бирига озиқ-овқат, ҳайвонга емиш, экишга уруғлик билан умумлаштириб ҳисоблаганда ўртача ҳисобда 15 пуддан ғаллага зарурат бор эди. Агар умумлаштириб ҳисобланса, 1921 йилнинг ҳисоб-китобига кўра, Туркистоннинг 5 млн. 658416 нафар аҳолиси учун 84 млн. 876240 пуд ғалла керак бўлган. Ўз навбатида йиғиштириб олиниши керак бўлган ҳосилдан қанча миқдорда ғалла «ортиб» қолиши қайд этилган ҳисоботни Туркистон озиқ-овқат халқ комиссарлигига билдириб, уларни қуйидаги тарзда тақсимланган: (6 - жадвал)[2].

1921 йилга оид келтирилган жадваллар таҳлили шуни кўрсатадики, аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш муаммоси жуда долзарблигича қолаверган. Боз устига ҳисоб-китоблар ҳам бир-биридан фарқ қилиб, ягона-марказлашган ҳолда бўлмаган.

Яна шуни қайд этиш лозимки, ўлкадаги вилоятлар томонидан Туркистон озиқ-овқат халқ комиссарлиги ҳисобига мавжуд қизил армия аскарлари ва зобитларини, шунингдек, "социалистик тузум етакчилари" ҳисобланмиш ишчиларни таъминоти ҳамда боқиш учун зарур бўлган жами 12,5 млн. пуд

---

[1] ЎзР МДА, Р- 29 фонд, 3-рўйхат, 1973-иш, 45-варак.

[2] ЎзР МДА, Р- 29 фонд, 3-рўйхат, 1973-иш, 5-варак ва орқаси.

озиқ-овқат солиғини ҳам бериши зарур бўлиб, у ҳудудлар Туркистон бўйича қуйидагича тақсимланган:

1. Сирдарё вилояти - 3 млн. 200 минг пуд.
2. Самарқанд вилояти - 3 млн. 470 минг пуд.
3. Фарғона вилояти - 2 млн. 370 минг пуд.
4. Каспийорти вилояти 510 минг пуд.
5. Еттисув вилояти - 2 млн. 782 минг пуд.
6. Амударё бўлими - 168 минг пуд[1].

Туркистонда кўзда тутилган ҳосил тўғрисида маълумот (1921 йил)

6-жадвал

Т/р	вилоятлар	амалда экилган майдон	пуд ҳисобида ҳосил	аҳоли миқдори	озиқ-овқатга талаб(пуд ҳисобида)	ортиқчаси (пуд ҳисобида)	етишмовчилик (пуд ҳисобида)
1	Сирдарё	495390	24769500	1570107	23550605	1217895	-
2	Самарқанд	456500	20542500	849576	12743640	7798860	-
3	Фарғона	340350	17017500	1819584	27293760		10276260
4	Каспийорти	72070	3243150	362465	5436975		2193825
5	Еттисув	419865	23092575	1056684	15850260	7242315	-
6	жами	1784175	88665225	5658416	84876240	6259070	12470085

Аслида 1921 йилга қадар ҳам Туркистонда ғалла етиштириш жуда мўл-кўл бўлмаган. Хусусан, Биринчи жаҳон уруши (1914-1918) ва ундан кейинги йилларда Туркистонда ғалла етиштириш ҳолатини таҳлил қилганда ҳам, ўлкада ғалла етиштириш аҳволи оғир бўлган. Таққослаш учун 1915-1920 йилларда ғалла йиғими ҳолатини келтириш мумкин (7 - жадвал)[2].

---

[1] ЎзР МДА, Р- 29 фонд, 3-рўйхат, 1973-иш, 5-варақ ва оркаси.
[2] ЎзР МДА, Р- 25 фонд, 1-рўйхат, 665-иш, 105-варақ.

Жадвалдан кўриниб турибдики, Туркистон 1920 йилга қадар ҳам ўзини-ўзи боқа олмаган. Албатта, жадвал таҳлили шуни кўрсатадики, нисбатан 1915 йили ғалла ҳосили яхши бўлган. 1914 йили ҳам тахминан ғалла етишмаслиги 1915 йилдагидек бўлиб, шу йили Туркистонга 13 млн. пуд ғалла Россиядан ва чет элдан эса яна 333 минг пуд ғалла келтирилган. Ўз-ўзидан 1914 йили 1915 йилга нисбатан кўпроқ ғалла келтирилган, аниқроғи бу 1 млн. пудга кўп миқдорда бўлган. 1917 йилга келганда Туркистонга ғалла келтириш қисқариб кетиб, 1918 йили ғалла келтириш мутлақо тўхтаган ҳисоби...[1]. Юқорида келтирилган далиллар асосида Туркистондаги ғалла етиштириш билан боғлиқ иқтисодий таҳлилларга таяниб хулоса қилиш мумкинки, ўлка аҳолисини 1915-1920 йиллардаги ғалла билан таъминоти бир текисда бўлмаган. Шунинг учун ҳам Марказ томонидан Туркистон республикаси зиммасига юклатилаётган ғалладан ёрдам топшириқларига қарата Туркистон озиқ-овқат халқ комиссарлиги 1921 йилги экин майдони, кўзда тутилган ҳосилдорликни таҳлил қилиб, «Туркистонда ортиқча ғалла миқдори жуда кўп эмас, [аммо] Федерация (Марказни назарда тутилган – *муаллифлар*) Туркистон республикасида озиқ-овқат заҳиралари ортиқча миқдорда деган тушунчага эга. 3 788 985 пуд [ғалла]ни ортиқчалиги ҳақиқатга яқин ва буни товар алмаштиришни тўғри йўлга қўйган тақдирда аҳолидан ундириш мумкин»,- дейди. Аммо бундай «асоснома»лар Марказни қизиқтирмасди. Бошқачароқ айтганда, РСФСР ХКК раиси В.И.Ленин томонидан берилган топшириқни Туркистонда бажармасликнинг иложи йўқ эди.

Шу сабабдан ҳам Марказ раҳбарияти томонидан ўша 250 минг пуд ғаллани тайёрлаш жараёнига Туркистондаги ҳамма

[1] ЎзР МДА, Р- 25 фонд, 1-рўйхат, 665-иш, 106-варақ.

вилоятларни жалб қилишга киришилди. Ўз навбатида Марказ бу жараённи мумкин қадар тезлаштиришини талаб қиларди. Аммо жараённи тезлаштириш имконияти чекланганлигидан Туркистон ХКК раиси Қ. Отабоев Россия озиқ-овқат халқ комиссари ўринбосари Н.П.Брюхановга юборган телеграммасида «Москва Туркистондаги озиқ-овқат ресурслари мўл деган маълумотга эга...[Аслида] бу ерда ҳосил ўртадан юқори эмас бўлиб, олиб чиқиб кетиш [масаласи] қишга бориб аниқланади», - дейди[1]. Лекин Россия раҳбариятини бундай «баҳона»лар қизиқтирмасди.

Туркистонда ғалла йиғими ҳолати

7-жадвал

Т/р	вилоятлар	ортикча (+) етишмовчиги (-) минг пуд хисобида					
		1915й.	1916 й.	1917 й.	1918 й.	1919 й.	1920 й.
1	Сирдарё	+649	-9882	-25245	-16585	-	+4098
2	Каспийорти	-6465	-2967	-9750	?	-	+1398
3	Еттисув					-	+19576
4	Фарғона	-15657	-12045	-13443	-18846	-	+84
5	Амударё бўлими	-1180	-2406	-2986	-1551	-	+2260
6	Самарқанд	+10524	+4760	-6010	-7261	-	+5794
7	Еттисув вилоятидан ташкари жами	-12129	-22540	-57434	-44243	-	+9105
8	**жами**	-	-	-	-	-	+28681

Туркистондаги ижтимоий-иқтисодий аҳвол танглигини нафақат ерли аҳолидан чиққан раҳбарият, балки ўлкадаги Марказ эмиссарлари ҳам яхши биларди. Аммо Марказ эмиссарлари учун Туркистон аҳолиси манфаатидан кўра,

[1] ЎзР МДА, Р-25 фонд, 1-рўйхат, 665-иш, 91-варак.

Россия манфаати юқори турган... Масалан, шундай оғир аҳволдан бохабар Туркистон озиқ- овқат халқ комиссари Д. Малютин тутган позицияни қандай баҳолаш мумкин? У озиқ-овқат тайёрлаш ва тарқатиш бошқармасига Марказдан берилган тегишли топшириқни жойларда бажариш бўйича тақсимотни амалга ошириш зарурлиги туфайли «Фарғонага бугдой беришни тўхтатиш ва уларни ўз нонини ўзи топишга мажбур қилиб бўлмайдими»,-деб сўрайди. Бу сўровлар тагзамирида Марказ ва унинг жойлардаги эмиссарлари учун Туркистондаги иқтисодий аҳвол, аҳолининг озиқ-овқат таъминотига нисбатан Россия марказий губерниялари манфаати устун турганлигини кўриш мумкин. Тарихий манбаларга асосланиб қайд этиш лозимки, айрим маҳаллий раҳбарият вакилларидан бошқа ҳеч ким, Россиянинг Туркистондаги ваколатли вакилларидан бирортаси ҳам, Марказга ўлка аҳолисининг ўзи ночорлигини маълум қилишни мақсадга мувофиқ деб топмаган. Бу эса Марказ томонидан Туркистонда олиб борилган озиқ-овқат сиёсатининг ўта қўпол равишда амалга оширилганидан далолат берарди. Айни пайтда бу ўлкадаги ижтимоий-сиёсий, иқтисодий аҳволга ўзининг салбий таъсир кўрсатган.

1.2. Россиянинг марказий губернияларидаги ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ҳолат

Европа нуқтаи назаридан баҳолаганда қолоқ, Шарққа нисбатан "илғор" саналган Россия империясидаги ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ҳолатга баҳо бериш ҳам маълум бир мураккабликларига эга. Катта ҳудудни ўз ичига олган, турли миллатлар, кўп поғонали иқтисодий босқичдаги халқларни ўзига "бирлаштиришга эришган" Россия ривожланиш даражасига кўра ягона баҳоланишдан анча йироқ эди.

Бошқачароқ ифодалаганда, Россия империясидаги ижтимоий-сиёсий, иқтисодий аҳвол XIX аср охири - XX аср бошларида ўзининг ачинарли даражадалиги билан кўзга ташланарди. Бу аҳвол айниқса, қишлоқ хўжалигида ерни ишлаш ва қайта ишлашга, чорвачиликка бўлган муносабат орқали кўринар ҳамда бундай ҳолат аҳолининг ижтимоий-сиёсий аҳволига ҳам таъсир қиямай қолмасди. Шундай ҳолат Россиянинг марказий губерниялари, хусусан Волгабўйи, Уралолди ҳудудлари учун ҳам ёт эмасди.

Бошқирдистон аҳолиси XIX аср охири XX бошларига қадар ҳам асосан чорвачилик хўжалиги билан шуғулланиб келган. Бошқирд ерлари учун қурғоқчилик ва унинг натижасидаги озиқ-овқат маҳсулотлари тақчиллиги ҳолатлари 1864, 1874-1875, 1879-1880, 1889-1890, 1896-1897 йиллари қайтарилиб турган. XX аср бошларига келганда ҳам бошқирдлар истиқомат қиладиган ҳудудларда ҳосилсизлик, озиқ-овқат маҳсулотлари тақчиллиги учраб турарди[1].

1877 йилдан 1905 йилга қадар Уфа губерниясида бошқирдлар ихтиёридаги ерлар 853, 4 минг, Оренбург губерниясида эса 722,8 минг десятинага, яъни 1,5 млн. десятинадан кўпроққа қисқариб кетган эди. 1905-1915 йиллар орасида ерлар яна 522 минг десятинага камайиб кетган эди. Шундай қилиб, 1915 йилга қадар 2 млн. десятинадан кўпроқ бошқирдлар ери руслар томонидан эгаллаб олинган эди. Натижада бошқирдлар ҳосилдор ерларидан ажраб, унумсиз ерларга куни қолган эди[2].

Ҳақиқатан ҳам, қолоқ, аграр Россия ва унинг Волгабўйи, Уралолди ҳудудларида ер, ерга бўлган муносабат, чорвачилик, иқтисодий тараққиёт ёки таназзулликнинг муҳим бир бўғини эди. Шунинг учун ҳам тараққиёт омили деҳқончилик ва чорва-

---

[1] Янгузин Р. Хозяйство и социальная структура башкирского народа в XVIII-XIX вв. -Уфа: Китап, 1998. – С. 115.

[2] Қаранг: Касимов С.Ф. Автономия Башкортостана... - С. 40.

чиликдан деб билинарди. Масалан, Қозон губерниясининг деярли 90 фоиз аҳолиси деҳконларни ташкил этишига қарамасдан, умумий экин ерларининг 58,3 фоизигина уларнинг қўлида эди. Бунинг устига подшо Россияси Волгабўйи, Уралолди ҳудудларида унумдор ерларни тортиб олиб, татар, бошқирдларни ўз ерларидан маҳрум қилдилар. Натижада, татар ва бошқирдлар амалда русларга ёлланиб ишлайдиган бўлиб қолдилар[1]. Албатта, бундай аҳвол Волгабўйи, Уралолдидаги қишлоқ хўжалиги тараққиёти ва иқтисодий ривожланиш ҳамда аҳолининг ижтимоий турмушига салбий таъсир қилди.

Россиянинг Биринчи жаҳон урушига тортилиши, аҳолининг иқтисодий ва сиёсий ҳаётига таъсир ўтказиб, хўжаликни издан чиқишига ҳам олиб келган эди. Натижада қишлоқ ва шаҳар ўртасидаги товар алмаштириш имконияти ҳар томондан қисқариб кетди. Мамлакатда очарчилик ҳамда қаҳатчилик ҳукм сура бошлади.

Фақатгина 1917 йили Россия бўйича урушга қишлоқ аҳолисининг 47,4 фоизи жалб қилинган эди. Биргина Қозон губерниясидан армияга 277 минг 600 нафар деҳқон сафарбар қилинган бўлиб, бу меҳнатга яроқли аҳолининг 45 фоизини ташкил этарди. Бундан ташқари уруш жуда катта миқдордаги отларни ҳам талаб қиларди. Маълумотларга қараганда, уруш учун 1917 йил баҳорига қадар мамлакат аҳолисига қарашли 2,6 млнга яқин отлар тортиб олинган эди[2].

Волгабўйи, Уралолди ҳудудларида яшовчи халқлар Февраль инқилобидан (1917) катта умид қилганлар. Айниқса, татар, бошқирд, чуваш ва бошқа рус миллатига мансуб бўлмаган халқлар Муваққат ҳукумат тузилганини хурсандлик

---

[1]История Татарской АССР. – Казань: Татарское книжное изд-во, 1980. – С. 88-89; Касимов С.Ф. Автономия Башкортостана... – С. 39-40.

[2] Қаранг: Белокопытов В.И. Борьба с голодом и его последствиями в Татарии (1921-1923 г.г.): Дисс. ... канд. истор. наук. – Казань, 1978. – С. 33.

билан кутиб олганлар. Улар ушбу инқилоб натижасида уруш тўхташига ва борган сари қийинлашиб бораётган яшаш шароитлари, хусусан, озиқ-овқат масалалари ечимида ижобий ўзгаришлар бўлишини кутганлар. Чунки Волгабўйи губернияларидаги иқтисодий аҳвол анчагина оғир эди. Инқилобдан аввал, яъни 1917 йил 17 январида Қозон губернатори яшаш шароити борган сари қимматлашиб, аҳолининг асаби таранглашиб кетаётганлиги, боз устига ун етишмай очарчилик бўлиш эҳтимоли борлиги тўғрисида қайд этган эди[1].

Россия империяси ўз сиёсатида рус бўлмаган халқларнинг иқтисодий, сиёсий, маданий тараққиёти учун ҳеч қандай ишларни амалга оширмас эди. Билъакс, айрим рус бўлмаган халқларни ўз динидан қайтариб, чўқинтириш ишларини ҳам қўллаб-қувватлаган эди. Волгабўйи, Уралолди ҳудудларининг Қозон, Симбирск, Самара, Саратов, Пенза, Уфа, Нижегород, Вятск губернияларида рус бўлмаган халқларнинг аксарияти, яъни татар, бошқирд, чуваш, мордва ва бошқа миллатлар истиқомат қиларди[2].

1917 йил февралидан кейин берилган демократик эркинликлар таъсирида Волгабўйи ва Уралолди ҳудудларидаги сиёсий доиралар ҳаракати билан турли миллий жамиятлар тузила бошланди. Татарлар жамиятлар тузишда фаоллик кўрсатдилар. Россия мусулмонлари муваққат марказий бюроси ташаббуси билан 1917 йил май ойи бошларида Москвада Бутунроссия мусулмонларининг I қурултойи бўлиб ўтди ва унда Қурултой Марказий Миллий Кенгаши ташкил қилиниб, унинг таркибига Туркистондан 7, Кавказдан 6, Қозоғистондан 5, Қримдан 2,

---

[1] История Татарской АССР (с древнейших времен до наших дней). – Казань: Таткнигоиздат, 1968. – С. 316.

[2] Қаранг: Хайрутдинов Р. Г. Осуществление коммунистической партией ленинской программы по национальному вопросу в 1917-1920 гг. – Казань: КГУ, 1976. – С. 20, 23.

Литвадан 1, марказий Россиядан 10 кишига ҳамда Хива, Бухоро номзодларига ҳам жой ажратилди. Ушбу Марказий Миллий Кенгаш Бутунроссия Мусулмонлари совети, яъни Миллий Шўро деб юритилди. Айни пайтда Миллий Шўро Таъсис мажлисига қадар Россия мусулмонларига раҳбарлик қилиши керак эди. Миллий Шўрога Оренбургдан Ф.Каримов, Уфадан В.И.Ахтямов, Қозондан И.Алькин, Туркистондан А.З.Валидов ва бошқалар сайланган эди[1].

1917 йил февралидан кейин Волгабўйи, Уралолди ҳудудларида ташкил топган турли жамиятлар, амалга оширилган қурултойлар жамиятни демократлаштириш, сиёсий ва миллий онгни уйғотиш, иқтисодиётни ривожлантириш, давлат қурилиши, ижтимоий ҳимоя ва диний ишлар масалаларини кўриб чиқди. Аммо 1917 йил февраль инқилоби натижасида Муваққат ҳукумат турли қарама-қарши сиёсий партиялар курашига қарши ўзининг лаёқатсиз эканлигини кўрсатди. Ҳар ҳолда урушнинг давом этиши иқтисодий, ижтимоий-сиёсий аҳволнинг оғирлашиб боришига олиб келди. Муваққат ҳукуматнинг ҳокимиятни бошқаришдаги лаёқатсизлиги туфайли Россияда аграр масала ўз ечимини топмади. Билъакс большевикларнинг омма орасида олиб борган тарғибот-ташвиқот ишлари, советларнинг большевиклашувига олиб келди. Натижада большевиклар 1917 йил 25 октябрида ҳокимиятни эгаллаб, "Сулҳ тўғрисида" ва "Ер тўғрисида" дастлабки декретларни қабул қилдилар.

Большевикларнинг ҳокимият тепасига келиши Туркистон, Қозон, Уфа, Самара ва бошқа ҳудудларда бир хил кутиб олинмади. Ҳокимият советлар қўлига ўтганлиги тўғрисидаги хабар 1917 йил 26-27 октябрь кунлари Россиянинг кўплаб ҳудудларига ва шунингдек, Туркистонга етказилди. Шу

[1] Хайрутдинов Р. Г.. Трудное возрождение (февраль 1917-1920 гг.). – Казань: Таткнигоиздат, 1992. – С. 11.

муносабат билан Уфа, Қозондаги эсерлар, меньшевиклар амалга оширилган инқилобга ўз муносабатларини билдириб, Таъсис мажлисигача қурол билан амалга оширилган ҳокимиятни эгаллашни қораладилар. Уфа меньшевиклари номидан Ахтямов амалга оширилган «тўнтариш инқилоб учун бахтсизлик» деб ҳисоблаган бўлса, эсерлардан Штейнберг эса «биз ягона пролетариат диктатурасини талаб қиламиз» деб ўз муносабатини билдирган[1].

Большевиклар дастлабки пайтларда миллатларни ўз тақдирини ўзи белгилаши масаласида Россиянинг Волгабўйи, Уралолди ҳудудларига нисбатан сал юмшоқроқ ёндашганлар. Бунга сабаб шу эдики, **биринчидан**, большевиклар 1917-1918 йилларда ҳали миллий сиёсатда аниқ бир тўхтамга кела олмаган бўлсалар, **иккинчидан**, юқорида қайд этилган ҳудудларда истиқомат қилаётган татар, бошқирд, чуваш ва рус бўлмаган бошқа миллатларнинг октябрь «инқилоби» (1917)га хайрихоҳлигини сўндирмаслик мақсади бўлган, **учинчидан**, инқилобий ғояларни ҳаётга тадбиқ этишда ана шу рус бўлмаган миллатлар, айниқса улар ичида ўзининг «фаоллиги» билан ажралиб турадиган татар ва бошқирдлардан Шарқда «фойдаланиш» кўзда тутилган эди. Совет ҳокимияти ўзининг дастлабки фаолияти даврида қатъий марказлашган давлат тузишга мойил бўлса-да, маданий, маърифий жараёнларда маълум бир мустақил фаолият кўрсатишга ўз қаршиликларини билдирмадилар. Хусусан, миллий «кийим кийган» аммо коммунистик ғоя билан суғорилган ташкилотлар, секцияларнинг тузилиши, миллий матбуот, миллий нашриёт, диний ташкилотларни фаолиятига тўсқинлик қилмасликни мақсадга мувофиқ деб топдилар. Ҳатто бу борада миллий ҳарбий қисмлар ташкил қилинишини ҳам қўллаб-қувватладилар. Аммо ҳамма «миллий,

[1] Хрестоматия по истории Башкордостана 1917-1920 гг. Часть II, Уфа, 2001. – С. 29-30.

мусулмон» ташкилотлари «инқилоб» манфаатларига хизмат қилиши керак эди.

Маълумки, 1917 йил октябридан кейин дастлаб Татаристон ва Бошқирдистон мухтор республикалари ташкил топмасдан аввал татар ва бошқирдларни бирлаштирган Волга-Урал штати тузиш ғояси илгари сурилган бўлса[1], кейин Татар-Бошқирд совет республикаси тузиш мақсадга мувофиқ деб топилди. Бу ғоялар миллатларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаши лозимлигидан келиб чиққан эди. Ҳатто бу борада С.Мақсудий татарлар Миллий Мажлис тузиши керак ва унинг ижро органи ҳам бўлиши лозим деди. Марказ томонидан Миллий Мажлис ва унинг ижро органига диний, маданий-миллий, солиқ, жамоат большевиклар тартибини назорат қилиш ваколати берилиши керак эди[2]. Аммо большевиклар сиёсий жараёнларда реал ҳокимиятни миллатларнинг ўз тақдирини ўзи белгилашига йўл қўйишни хоҳламасдилар. Бунинг устига янги ҳукумат олдида иқтисод масаласи ўзининг долзарблиги билан кўндаланг бўлиб турарди[3].

Большевиклар ҳокимият тепасига келгунга қадар халққа катта ваъдаларни беришганига қарамасдан, аслида ҳокимиятни қўлга киритганларидан кейин реал қийинчиликлар билан тўқнашишди. Улар дастлабки фаолиятлариданоқ мусодарага асосланган сиёсатни амалга оширишни энг маъқул йўл деб топишди. Масалан, 1917 йил ноябриданоқ қизил гвардиячилардан ташкил топган дастлабки мол-мулкни давлат ҳисобига мусодара қилувчи ва тўсувчи отрядлар қишлоқларга йўл олишган эди. Улар қуролланган ҳолатда қишлоқларда уйма-уй юришиб, озиқ-овқат маҳсулотларининг ортиқчасини

[1] Қаранг: Советская Татария (Казань), 4,11 января 1992 г.

[2] Хаит И.Г. Национальная политика в послеоктябрский период /Система ценностей Российской национальной политики. - Казань, 1998. – С .61.

[3] Тагиров И. Почему большевики не удержали государственную власть // Советская Татария, 19, 27 июня 1992 г.

аёвсиз тортиб олиш, мол-мулкидан фавқулодда солиқлар ундириш ишлари билан шуғуллана бошладилар. Натижада мусодара отрядлари томонидан 1918 йилга қадар қишлоқларда олиб борилган бу ҳарбий-коммунистик сиёсат қизил гвардиячиларни тарқатиб юбориш билан тугади. Аммо юқорида қайд этилган отрядлар озгина вақт ичида ҳам жойлардаги қишлоқ деҳқонлари ичида шаҳарликларга ва янги совет ҳокимиятига норозилик туйғуларини уйғотишга улгурган эди[1].

Совет ҳокимияти дастлабки ойлардаги фаолиятиданоқ нафақат ерни, балки саноат корхоналарини ҳам «социалистик иқтисод» манфаатлари йўлида давлат ҳисобига тортиб олиш билан шуғулланди. Масалан, Самарадаги ҳамма хусусий банклар ҳам давлат ихтиёрига ўтказилди. Самара губерниясида яна савдогарлардан озиқ-овқат маҳсулотларини тортиб олиш сиёсати ҳам олиб борилди ва бу масалалар ечими билан губерния озиқ-овқат комиссияси шуғулланди. Ҳатто губерниядаги оч аҳолини боқиш учун «халқ ошхоналар»и очилди. Губерниядаги озиқ-овқат муаммоси долзарблигига қарамасдан, 1917 йил ноябрида Петроградга дастлабки озиқ-овқат маҳсулотлари юборилди. Бундан ташқари помешчиклардан тотиб олинган битта чорва молини камбағал оилага, битта отни оти йўқ оилага тарқатиш ишлари олиб борилди. 1918 йилнинг ўзида Самара губерниясида 73 та коммуна тузилган эди. Губернияда совет ҳокимияти томонидан ерни тарқатиш, ғаллага қатъий нарх қўйишлар ўрта деҳқон ва қулоқлар томонидан норозилик билан кутиб олинди ҳамда айрим жойларда исёнлар ҳам бўлиб ўтди[2].

---

[1] «Военный коммунизм» как это было. - М.: Знание, №6, 1991. - С. 55.

[2] Очерки истории Куйбышевской организации КПСС.– Куйбышев: Книгоизд-во, 1983. - С. 133.

Большевиклар томонидан ғаллага қатъий нарх белгиланиши Қозон, Симбирск, Уфа ва бошқа губерниялар да ҳам норозиликларга сабаб бўлди. Масалан, 1918 йили Симбирск уезди Тереньче қишлоғидаги деҳқонлар ғаллага қатъий нарх жорий этиш ва эркин савдони тақиқлашга ўз муносабатларини билдириб, оғизларида кўпик билан совет ҳокимияти томонидан белгиланган нархда бирор фунт ҳам ғалла бермаймиз, деб қасам ичдилар[1].

Россиянинг кўплаб губерниялари да давом этаётган озиқ-овқат муаммоси Марказни хавотирга солмай қўймади. Агар фавқулодда чоралар кўрилмаса, совет ҳокимияти тўла назоратни ўрната олмай қолиши мумкин эди. Шунинг учун ҳам большевиклар олдида ички имкониятларни ишга солиш, хусусан, мусодара ва зўрлик сиёсатини олиб боришдан ўзга чора қолмаган эди.

Россиядаги иқтисодий аҳволдан келиб чиқиб, БМИҚ 1918 йил 9 майида Озиқ-овқат халқ комиссарлигига фавқулодда ваколатлар бериш бўйича декрет қабул қилди. Ушбу декретга мувофиқ, бирор пуд ҳам ғалла помешчиклар қўлида қолмаслиги керак эди. Шунингдек, декретда ғалла заҳираларини қатъий назорат остига олиб тарқатиш билан шуғулланилсагина Россия ушбу озиқ-овқат тақчиллигидан қутулиши мумкинлиги қайд этилади[2].

Аммо совет ҳокимияти томонидан қабул қилинаётган қарорлар асосида мамлакатдаги иқтисодий ночорликка барҳам бериб бўлмасди. Бунинг устига мамлакатда большевиклар томонидан янада кескинроқ чораларни қўллашга асосланган «ҳарбий коммунизм» сиёсати жорий этилди. «Ҳарбий коммунизм» - бу совет ҳокимиятининг фуқаролар уруши (1918-

---

[1] Қаранг: Очерки истории Ульяновской организации КПСС. – Саратов: Приволжское книгоизд-во Ульяновское отделение, 1977. - С. 137.

[2] Қаранг: Хрестоматия по истории Башкортостана... - С. 83.

1920) йилларидаги иқтисодий сиёсати эди. Ҳарбий коммунизм шароитида 1918 йил май ойидан қишлоқ жойларига бориб қишлоқ буржуазиясидан ғаллани, озиқ-овқат маҳсулотларини тортиб олиш учун махсус ишчилардан иборат озиқ-овқат отрядлари ташкил қилинди. Бундан ташқари яна БМИҚнинг 1918 йил 11 июнидаги декретига мувофиқ, қишлоқ камбағаллари қўмитаси ташкил қилинди. Ушбу қўмита озиқ-овқат халқ комиссарлиги раҳбарлигида иш олиб бориб, маҳаллий органларга озиқ-овқат маҳсулотларини мусодара қилишда ва уларни тарқатишда ёрдам беришдан иборат эди. Қишлоқ камбағаллари қўмитаси 1919 йил бошларидан ўз фаолиятини тугатди. Совет ҳукумати томонидан 1918 йил ёзида кўрилган қатъий тадбирлар ҳам маълум даражада озиқ-овқат тайёрлашни кучайтирди, аммо озиқ-овқат таъминотини ҳал қила олмади. Ҳатто ушбу муаммо ечими учун 1918 йил 30 октябридан жорий этилган озиқ-овқат солиғидан ҳам кутилган натижа бўлмади[1].

1919 йил 11 январидан БМИҚ декретига биноан озиқ-овқат тақсимоти (разверстка) жорий этилди. Айрим ҳолларда озиқ-овқат тақсимотини жойларда бажарувчилар ўзларига юклатилган ваколатдан ҳам четга чиқиб, суистеъмол қилишдан ҳам тоймас эдилар. Масалан, Аргаяш кантонидан[2] 1920 йил 15 мартида Бошқирдистон республикаси МИҚга берилган телеграммада озиқ-овқат комиссари Лебедевнинг кантон ҳудудидаги ўзбошимчалигининг чегараси қолмаганлигини қайд этилади. Телеграммада Лебедев ўз ихтиёридаги 200 кишилик озиқ-овқат отряди аъзолари билан аҳолининг ҳамма истеъмолбоп озуқасини тортиб олишга ва ҳатто одамларни уришгача борганлиги тўғрисида хабар берилади. Бошқирдистон республикаси Белебеевск уездини Кишкимявск

[1] Хрестоматия по истории Башкортостана... - С. 86-87.
[2] Россиядаги маъмурий ҳудуд шундай деб номланган.

волостида 1921 йил учун экқани уруғ ва егани буғдой қолмаган эди. Аммо волост аҳолисидан ўша йили озиқ-овқат тақсимоти учун ғалла йиғиб олинган эди. 1920 йили Аргаяшск кантони Буринск волости озиқ-овқат тақсимотини 100 фоизга бажарган ва натижада 92 минг кишилик волост аҳолиси очарчиликка мубтало бўлган эди[1].

1920 йили Бошқирдистондаги сиёсий ва иқтисодий аҳвол издан чиқиб, хўжаликларда бошбошдоқлик давом этишига сабаблардан яна бири Марказ томонидан юборилганларнинг жойларда, хусусан, бошқирд халқига нисбатан олиб борган сиёсатини ҳам натижаси деса бўлади. Масалан, 1920 йил 29 октябрда М.Д.Халиков ўзининг Марказдаги раҳбариятига «...Бошқирдистонда сиёсий ва маъмурий ҳокимият бошқирд бўлмаганлар... ҳисобига алмаштирилди. Бошқирдистон МИҚ ҳайъатида бирорта бошқирд йўқ. ...оч ва ялонғоч бошқирд пролетариати йўқ қилиняпти... Поленов, Руденков ва бошқалар томонидан 300 мингга яқин бошқирд йўқ қилинди»[2],-деб ёзади. Совет ҳокимиятининг жойлардаги бундай сиёсати Марказга бўлган ишончни пучга чиқарган эди. Бу эса Бошқирдистонда хўжаликнинг издан чиқишига хизмат қилган омиллардан бири ҳисобланади.

1921 йил апрель ойидаёқ Ўрта ва Қуйи Волга ҳамда унга яқин ҳудудларда ёз иссиғи, яъни, июнь ойида бўладиган иссиқ бошланди. Натижада буғдой, экинлар сарғайиб, қуриб қолиш ҳолатига келди. 1921 йил июнь ойига келганда эса, Волгабўйи, Уралолди ҳудудлари учун очарчилик фалокати келганлиги яққол сезилиб қолди. Қурғоқчилик кўлами шимолий Каспий бў-

---

1 Зарипова Р.К. Политическая обстановка в деревне Башкирии перед нэпом // Актуальные вопросы отечественной и всеобщей истории. – Казань: КГУ, 1991. - С. 56.

2 Хрестоматия по истории Башкортостана... - С. 153-154.

йидан бошланиб, Волгабўйи, Уралолдининг бир қисми ҳамда Украинанинг айрим ҳудудларини қамраб олган эди.

Очарчилик ҳудудларидан Марказга ёрдам сўраб қилинган мурожаатлар 1921 йил феврал-март ойлариданоқ бошланган эди. Бошқирдистондаги озиқ-овқат тақчиллиги муаммоси билан республика Ҳарбий ишлар бўйича халқ комиссари М.Муртазин 1921 йил 19 апрелида РСФСР Миллатлар иши бўйича халқ комиссари И.В.Сталинга ёрдам сўраб мурожаат қилган. Аммо ҳеч қандай ёрдам кўрсатилмаган. 1921 йил 22 майида Бошқирдистон МИҚ раиси Ш.Худайбердин РСФСР Миллатлар иши халқ комиссарлиги, РКП(б) МҚга юборган телеграммаларида «Бошқирдистондаги очарчилик қамрови борган сари кенгроқ ҳудудларни эгалламоқда ва одамларнинг очликдан қирилиб кетиши давом этмоқда... Очарчиликка йўлиққанлар 200 мингдан ортиқ кишини ташкил қилиб, уч ойга камида 200 минг пуд ғалла керак...» дейилади. Бошқирдистон озиқ-овқат ишлари бўйича халқ комиссарлиги ҳам Марказдан «ўзининг омборидаги 50 минг пуд ғалла ва газламани (қанчалиги кўрсатилмаган-*муаллифлар.*) очялонғочларга тарқатишга» рухсат сўраган. Аммо ҳар қанча ўтинч ва илтимосномалар Марказ эътиборидан четда қолган[1].

Совет ҳукумати томонидан очларга ёрдам эътиборсизлиги давом этаётган бир паллада, 1921 йил 22 июнда Москвада қишлоқ хўжалиги жамияти таркибида Е.Ф.Кускова бошчилигида «Очарчиликка қарши кураш бўйича жамоа қўмитаси» ташкил топди. Бу қўмита расмий мақомга эга эмас

[1] Центральный государственный архив общественных объединений Республики Башкортостана (ЦГАОО РБ), ф. П-22, оп. 4, д . 29, л. 15; Қаранг: Бейеш Экрэм. Башкорт халкынын тарыхы һэм азатлык корэше. (бошқирд тилида) – Офо: Китап, 1993. - Б. 274-275.

эди. Қўмитага катта обрўга эга бўлган қишлоқ хўжалиги кооперативлари, профессор, ёзувчи ҳамда артистлар кирганди[1].

Очарчилик борган сари кенгроқ ҳудуддаги аҳолини ўз қамровига олиши муносабати билан 1921 йил апрель-май ойларидан бошлаб Қозон, Уфа, Саратов, Самара, Оренбург ва бошқа губерниялардаги турли мажлислар ҳамда анжуманларда озиқ-овқат тақчиллиги, очарчиликка қарши кураш масалалари кўриб чиқиларди. Албатта, Волгабўйи, Уралолди ҳудудларидаги очарчилик масаласи Марказ эътиборидан ҳам четда қолмаган[2].

Мамлакатдаги очарчилик кўламидан хавотирга тушган совет ҳукумати очарчиликка қарши уюшган ҳолда тадбирлар кўришга кириша бошлаган. Хусусан, Бутунроссия МИҚ раиси М.И.Калинин Россия фуқароларига мурожаат қилиб, «...ғалла етишмайди, ҳайвонларни боқишга ем йўқ... БМИҚ ҳамма республикалар миллий комиссарлигига, маҳаллий кенгашларга зудлик билан очларга ёрдам тадбирини кўрсинлар» деб қайд этган эди[3].

1921 йил 18 июлда М.И.Калинин бошчилигида БМИҚ қошида «Очларга ёрдам марказий комиссияси» (ОЁ МК) тузилди. БМИҚ қарори асосида ҳосилдор ҳудудларда, хусусан Туркистон МИҚ қошида ҳам ОЁ МК тузилди. Жойларда ташкил топган ОЁ комиссиялари зиммасига очарчилик азобини тортаётганлар сонини аниқлаш, уларни уюшган ҳолда овқатланиши ёки озиқ-овқат билан таъминланишига ёрдам бериш, эвакуация ишлари билан шуғулланиш ва бошқалар кирарди.

---

[1] Ушбу қўмита БМИҚнинг 1921 йил 27 августидаги қарори билан тарқатиб юборилди. Қаранг: Ватандаш (Уфа), журнал, 1997, №3.

[2] Центр документации новейшей истории Ульяновской области (ЦДНИ УО), ф. Р-1, оп.1, д. 394, л. 63.

[3] Известия (ТуркЦИК), 15 июля 1921 г.

Очарчилик ичак, вабо, бошқозон, сил, безгак ва бошқа касалликларнинг борган сари кўпайишига олиб келди. Ўз навбатида ўша касалларни даволаш учун дори-дармонлар, даволаш муассасалари, даволовчи мутахассис-шифокорлар мутлақо етишмас эди. Кўча-кўйларда эгасиз қолиб кетган ўликлар бир неча кунлаб йиғиштириб олинмас эди. Оренбург губернияси соғлиқни сақлаш бўлимининг берган маълумотига кўра, фақатгина 1921 йил 1 октябрдан 20 октябрга қадар очликдан ўлганлардан 368 таси шаҳар кўчаларидан йиғиштириб олинган ва дафн этилган. 1921 йил 21-23 октябрь кунлари Оренбург соғлиқни сақлаш бўлими яна шаҳар кўчаларида ўлиб қолганлардан 311 тасини йиғиб олгани ҳамда дафн этгани тўғрисида «Очларга ёрдам губерния комиссияси»га берган ҳисоботида қайд этади[1]. Яна шуни қайд этиш лозимки, Оренбург бошқа очарчилик ҳукм сурган шаҳарларга нисбатан ўзининг «эгасиз» ўликлари кўплиги билан ажралиб турарди. Чунки Оренбургда очлар миқдори нафақат губерния аҳолиси орасида ўлаётганлар ҳисобига, шу билан бирга Самара, Қозон, Уфа, Симбирск ва бошқа губерниялардан келаётган очлар оқими орасидаги қурбонлар ҳисобига ҳам тўлиб борар эди.

Очарчилик балоси Оренбург аҳолисини кундан-кунга ўз сиртмоғига тортарди. 1921 йили Оренбургда 1 млн. пудга етмаган буғдой ҳосили олинди. Бу ҳар йилги ҳосилнинг атиги $^1/_7$ қисмига тўғри келарди. Натижада 1922 йил февралига келганда очарчилик Оренбург губерниясининг 570 минг кишисини қамраб олган эди. Очарчиликнинг дастлабки йилидаёқ Оренбург губерниясида 80 минг деҳқон очликдан ўлди. Очарчилик йилларида Туркистон ўз бағрига Оренбург губерниясидан 30 мингдан ортиқ кишини қабул қилган эди[2].

---

[1] Государственный архив Оренбургской области (ГАОО), ф. Р- 501, оп. 2, д. 196, л. л. 3,45.

[2] Любовь и Восток. - М.: Московский писатель, 1994. - С. 271.

Оренбург губерниясига келаётган озиқ-овқат ёрдам салмоғи бўйича ҳам Туркистон республикаси етакчи ўрин тутганини қайд этиш лозим. Масалан, 1921 йил декабрь ойида Оренбургга Витебскдан 15 вагон қора жавдар уни, Брянскдан 4 минг пуд ва Семипалатинскдан 30 вагон ғалла, Москвадан 4 вагон (2310 пуд) озиқ-овқат маҳсулотлари келтирилгани ҳолда, айни шу даврда Тошкентдан 54 вагон буғдой келтирилган эди[1].

Волгабўйи, Уралолди ҳудудларидаги очарчилик давом этаётганда ҳам Марказ ўз манфаатларини эсдан чиқармасди. Масалан, Бузлук уезди маъмурияти 1921 йил октябрида чиқарган кўрсатмасига мувофиқ, озиқ-овқат отрядлари томонидан йиғиб олинган маҳсулотларини аҳоли томонидан ўғирланишидан қўриқлаш учун зудлик билан чора-тадбирлар кўрилиши керак бўлган. Чунки аҳолидан йиғиб олинган озиқ-овқат маҳсулотларини Москва ва Петроград аҳолисини боқиш учун жўнатилиши керак эди. Бузлук уезди аҳолисининг ўзи оч бўлишига ва ёрдамга муҳтожлигига қарамасдан, 1921 йил уезддан Петроград, Москвага 147009 пуд буғдой ва буғдой ем-хашаги, 33279 бош йирик шохли ҳайвон, 3903 пуд эритилган ёғ, 285718 пуд картошка, 238 пуд балиқ, 30 пуд асал юборган. Ҳолбуки, айнан 1921 йил 1 октябригача бўлган маълумотга кўра, Бузлук уездида истиқомат қилаётган 618976 кишидан 553014 киши очарчилик азобини тортар эди. 1921 йил охирига келганда Бузлук уездида 600 мингдан ортиқ кишидан 463141 кишигина тирик қолган эди холос[2].

Татаристондаги очарчилик қамровида 1919-1920 йилларда ўтказилган озиқ-овқат тақсимоти катта роль ўйнаган. Озиқ-овқат тақсимотига кўра Татаристон республикаси 22 млн. пуд

---

[1] Фёдорова Г. «Всё на борьбу с голодом!» // Южный Урал (газета, Оренбург), 16 июня 1989 г.

[2] Кожевникова Н.Люди ели людей //Под знаменем Ленина (Оренбург), 20 сентября 1991 г.

буғдойни ҳарбийларни боқишга етказиб берган эди. Ўша 1921 йилги очарчилик даврида ҳам Татаристон озиқ-овқат солиғини 85 фоизга бажаришга мажбур бўлган эди[1]. Татаристондаги очарчилик дахшати бўйича Г.Ахмедшин эслаб, 1921 йили қуёш нуридан ўт-ўланлар сарғайиб кетганини ва ёзга келганда ем-хашак йўқлигидан от, чорва ҳайвонларини сақлашдан маҳрум бўлинганини ҳамда уларни сўйиб ейишга тўғри келганини айтади. У очарчилик бошланганига қарамасдан, Тойгельди қишлоғига қуролланган озиқ-овқат отряди келгани, хўжаликларда мавжуд донларни охиригача йиғиштириб олингани ва ҳатто экишга олиб қўйилган уруғликларнинг ҳам бор-бутини тортиб олингани тўғрисида гувоҳлик беради[2].

Озиқ-овқат отрядлари жойларда аҳолининг очлигига ҳам қарамасдан хўжаликдаги бор озиқ-овқатларни тортиб олардилар. Ҳатто халқ орасида «озиқ-овқат отрядлари бўлган жойда товуқ ҳам ютишга дон топа олмайди» деган гап юрарди. Татаристонда аҳоли учун озиқ-овқат маҳсулотлари етишмасди. Натижада одамлар илдиз, барг ва ҳатто мушук ҳамда итларни ҳам истеъмол қилишга мажбур бўлган[3]. Энг дахшатлиси Волгабўйи, Уралолди ҳудудларида, хусусан Татаристонда одамхўрлик ҳолатлари ҳам бўлиб турган. Масалан, очарчилик азоб уқубатларига чидай олмаган Мензелинск кантонида яшовчи Хадича исмли аёл ўзининг 10 ёшли қизини сўйиб еган. Айни шу кантондан Богаутдинов ва Фатхутдиновлар очарчиликдан ўз ҳамқишлоқларини еб қўйганлар[4]. Ҳатто очарчиликдан одамлар томонидан бир-бирини «овлаш» ҳолатлари ҳам бўлган. Одамхўрлик нафақат катта ёшдагилар

---

[1] Мирсаид Султан - Галиев. Татарская автономная республика /Статьи, Выступления. Документы. - Казань: Таткнигоиздат, 1992. - С. 162.

[2] Идиятуллин Д. «Мама не пускала нас на улицу- боялась, что съедят» //Гасырлар авазы- Эхо веков, (татар ва рус тилларида), - Казань, №5, 1995. - С. 228-229.

[3] Известия (ТатЦИК), 1 февраля 1922 г.

[4] Известия (ТатЦИК), 12 мая 1922 г.

ўртасида ва ҳатто айрим ота-оналар томонидан ўз фарзандларига нисбатан ҳам амалга оширилган. Масалан, чет элдан ёрдам уюштириш бўйича Татаристон республикасидаги вакил В.А.Мустак 1922 йил 7 февралида очлик азобидан, касалликдан ўлган болалар ўз ота-оналари томонидан ейилиши кундан-кунга кўпайиб бораётганини қайд этган[1]. Одамхўрлик авж олганидан кўчаларда хотиржам юришнинг иложи қолмади. Қишлоқларда оч-наҳор одамлар уйма-уй юриб ейишга бир бурда нон, овқат ва ҳатто ейиш учун ит, мушук ҳам сўраб келардилар. Ш.Г.Гайнуллин ўша 1921-1922 йиллари 6-7 ёшдаги бола бўлганини эслаб, «оиам кўчага қўйиб юборишдан қўрқарди, чунки бизни еб қўйишлари мумкин эди»,-дейди[2].

Очарчилик йиллари болалар ўлими, касаллиги, эвакуацияси муносабати билан Татаристонда мактаблар сони ҳам қисқариб кетганди. Масалан, 1921-1922 ўқув йилида мавжуд 1095 та 1-даражали мактабдан 744 тага тушиб қолган бўлса, айнан шу даврда 3000 та рус мактабидан 845 тасигина фаолият кўрсатарди[3].

Татаристон МИҚ қошидаги ОЁ МКнинг 1922 йил февралидаги маълумотига кўра, республикада рўйхатга олинган очлар 2 млн. 797 минг 527 киши бўлиб, улардан 14 ёшгача бўлган болалар 996 минг 908 нафарни ташкил қиларди. Рўйхатга олинган аҳолининг 254 минг 150 нафаринигина Татаристон республикаси ички имкониятлари орқали боқа олиш мумкин бўлган. Қолган аҳолини Туркистон, Сибир ва бошқа ҳудудлардан ҳамда чет эллардан келаётган ёрдам ҳисобига боқиш мумкин эди. Айтиш лозимки, Татаристон республикасининг бутун аҳолисидан, агар ташқаридан ёрдам

---

[1] Национальный архив Республики Татарстана (НА РТ), ф. Р- 128, оп. 1, д. 174, л.л.1-2.

[2] Идиятуллин Д. Мама не пускала... - С. 229.

[3] Тайны национальной политики ЦК РКП стенографической отчёт секретного IV совещания ЦК РКП, 1923 г. – М .: Инсан, 1992. - С.137.

кўрсатилмаса, келгуси ҳосилгача атиги 3 фоизи тирик қолиш мумкин эди[1].

Бошқирдистон республикасидаги очарчилик ҳам аянчли даражада эди. Очлар касаллиги, ўлими 1921 йил кузидан янада ошиб кетди. 1920 йилги маълумотга кўра Бошқирдистонда 1 млн. 249 минг 539 киши истиқомат қилган ва Бошқирдистон МИҚ ОЁ МК маълумотига кўра, 92 фоиз аҳоли очликка мубтало эди. 1922 йил 1 апрелига қадар Бошқирдистон аҳолисидан энг камида 100 минг киши очликдан ўлган эди[2]. 1921 йил октябрида Сизран, Уфа, Абдулино, Стерлитамак ҳудудларидаги очарчилик аҳволини ўрганган М.Х.Султан-Галиев[3] очарчиликдан одамлар шишиб кетаётганлиги, болаларни ота-оналари ухлаб ётганда ташлаб кетишгани, темир йўл вокзаллари бир бурда нон сўраб тиламчилик қилаётганлар билан тўлалиги, қишлоқ ва овулларда одам овози эшитилмай қолганлиги, турли юқумли касалликлар тарқалганлиги, йўлларда қароқчилик, ўғрилик авжига чиқаётганлигини тасвирлаш билан бирга айни ўша даврда Москва магазинларида оппоқ нонлар мавжудлиги, мева-чевалар сотилаётгани ҳамда ресторанлар ишлаётганлигини ҳам қайд этади. Боз устига ўша магазин ва ресторан деворларидаги «Очларга ёрдам беринг» чақириғи москваликларни бефарқ қолдираётганлиги қайд этган эди.

Шундай қилиб, Туркистон ва Россиянинг марказий губерняларидаги ижтимоий-сиёсий, иқтисодий вазият моҳиятига кўра бир-бирига яқин ва айни пайтда ўзига хос хусусиятига эга бўлиб, улар қуйидагилардан иборат:

---

[1] НА РТ, ф. Р- 128, оп. 1, д.174, л. л.1-2.

[2] Центральный государственный исторический архив Республики Башкортостана (ЦГИА РБ), ф. Р- 629, оп.1, д. 472, л. 49.

[3] Мирсаид Султан-Галиев. В царстве голода / Избранные труды. – Казань: Издательство «Гасыр», Приложение к журналу «Гасырлар авазы - Эхо веков», 1998. - С. 340-347.

-Туркистондаги ижтимоий-сиёсий вазият билан боғлиқ муаммоларга ҳокимият учун кураш, ерли аҳоли вакилларини бошқарув органларига жалб қилмаслик, большевиклар сиёсатида Марказ манфаатларини юқори қўйилиши;

-Туркистондаги иқтисодий аҳволнинг ночорлигига, аввалambор, ўлкага хом ашё базаси тариқасида ёндашилганлиги;


-ўлкадаги ижтимоий-сиёсий танглик замирида демократик жараёнларни кенг қулоч ёймаганлиги, иқтисодий ислоҳотларни амалга оширилмаганлиги;

-Волгабўйи, Уралолди ҳудудларидаги ижтимоий-сиёсий вазият ҳам Россия подшолиги ва большевиклар томонидан олиб борилган лаёқатсиз бошқарув натижаси эканлиги;

-Волгабўйи, Уралолди ҳудудларидаги иқтисодий аҳвол Туркистондан тубдан фарқ қилмаганлиги оқибатида даҳшатли очарчиликни вужудга келиши;

-Туркистон ва Волгабўйи, Уралолди ҳудудларидаги ижтимоий-сиёсий, иқтисодий вазиятни Марказ манфаатларига бўйсундирилиши, ўзаро муносабатларни йўлга қўйиш зарурияти-тини тақозо қилган.

1917 йил октябрь тўнтаришидан кейин вужудга келган ижтимоий-сиёсий, иқтисодий вазият натижасида ўзаро муносабатлар ҳам сиёсий тус олиб, маҳаллий аҳоли манфаатлари асосида олиб борилмаган. Бошқачароқ ифодалаганда, ўзаро муносабатлар ўз моҳиятига кўра, чор Россияси сиёсатидан тубдан фарқ қилмаган дейиш қийин... чунки чор Россияси учун ҳам, совет Россияси учун ҳам энг муҳим вазифалар қаторида Туркистон бойликларини ўзлаштириш,унинг хом-ашёсига эгалик қилиш, Россия армияси ҳамда тўқимачилик саноати учун пахта экишни кўпайтириб бориш катта аҳамият касб этган



«Болалар уйи»даги аҳвол



Очарчилик болалари

II БОБ. РОССИЯ ОЧЛАРИГА ЁРДАМ КЎРСАТИШ: МУАММО ВА ЕЧИМЛАР

2.1. Очларга ёрдам кўрсатиш комиссиясини ташкил топиши ва фаолияти

Туркистон ва Россиянинг марказий губернияларидаги ижтимоий-сиёсий, иқтисодий аҳвол таҳлили шундан далолат беради, кўриб чиқилаётган ҳудудлар бир-биридан йироқ бўлса-да, ишлаб чиқариш, қишлоқ хўжалиги, саноат бўйича қолоқ ҳолатда эканлиги, аҳолининг яшаш шароити оғирлиги, ижтимоий-сиёсий жараёнларнинг мураккаблиги билан умумий таърифга яқин эди. Аммо шуниси борки, бир-бирига яқин бўлмаган бу ҳудудларни "бошини қовуштириш" большевиклар чекига тушган бўлиб, аҳолини боқиш, кийинтириш, ишлаб чиқаришга жалб қилиш каби муҳим вазифалар турарди. Яна шуни қайд этиш керакки, ҳокимият тепасига келган большевиклар янги тузум афзалликларига аҳолини ишонтиришнинг энг асосий вазифалари қаторига иқтисодий аҳволга эътиборни қаратдилар. Чунки аҳоли учун иқтисодий аҳвол яхшиланмаса, ўлкадаги ижтимоий-сиёсий вазият издан чиқиб кетиши мумкин эди. Боз устига Россиядаги очарчилик билан боғлиқ муаммолар ечимига Туркистонни ҳам тортилиши кун тартибига қўйилган эди.

Шуни қайд этиш керакки, Туркистонга БМИҚ ва В.И.Лениннинг жанговар кўрсатмаси берилмасидан аввалроқ ҳам Россиянинг очарчилик губернияларидаги иқтисодий аҳвол тўғрисида маълум бир хабарларга эга эдилар. Ҳатто расмий жиҳатдан Москвада ва Тошкентда тегишли тарздаги очларга ёрдам кўрсатиш комиссия (ОЁ МК)лари ташкил топишидан аввалроқ ҳам ўлка вилоятларида Россиянинг очарчилик губернияларидаги аҳолига ёрдам бериш масаласи Тошкент,

Полторацк ва бошқа шаҳарлардаги ишчилар, аравакашлар, ҳунармандлар томонидан кўтарилган эди. Масалан, 1921 йил июль бошлариданоқ жойларда Россиянинг очарчилик губерниялари аҳолисига озиқ-овқат, кийим-кечак, пул йиғиш компанияси ва мануфактура, иш ҳақларини хайрия қилиш бошланиб кетган эди[1]. Масалан, 1921 йил июлида ўлканинг аравакашлари 5 кунлик иш ҳақларини, яъни 25 млн. рублни, полиграфия ишчи-хизматчилари эса 1,5 млн. рублни, Тошкент темирйўлчилари уч кунлик нон паёкларини очларга ёрдам тариқисида ажратиш тўғрисида қарор қабул қилдилар[2]. Бундан ташқари 1921 йил июль ойи охирларида Тошкентдан Оренбургга 10 вагон ғалла ва 6 вагон балиқ жўнатилган [3].

Марказда БМИҚ раиси М.И.Калинин раҳбарлигида[4] бўлганидек, Россия очларига ёрдам кўрсатиш масаласи илк бор 1921 йил 17 июлида РКП (б) МҚ Туркбюросининг мажлисида кўриб чиқилиб, унинг таркиби бўйича тегишли қарор қабул қилинган[5]. Ушбу қарордан келиб чиқиб, Туркистон МИҚ қошида ҳам 1921 йил 21 июлдаги қарорга мувофиқ, «Очларга ёрдам бериш марказий комиссияси» (Туркистон МИҚ қошидаги ОЁ МҚ) ташкил топди . Комиссия аъзолари таркиби қуйидагича тарзда тузилди:

1. Познер-раис, Туркистон МИҚ вакили[6].
2. Нагаев-раис ўринбосари, Туркистон касаба уюшмаси вакили.
3. Султон Хўжаев- аъзо, Туркистон КП вакили

---

[1] ААП Рес. Туркм., ф. 4, оп.4, д. 98, л.л. 1-2; Известия (Ташкент) 11 июля 1921 г.

[2] Известия (Ташкент) 20, 21, 22 июля 1921 г.

[3] Қаранг: Тарих шоҳидлиги ва сабоқлари... - Б. 252.

[4] Айрим адабиётларда Россияда БМИҚ қошидаги очларга ёрдам бериш комиссиясига С.С.Каменев бошчилик қилган деб ноаникликка йўл қўйилади. Қаранг: Leggett G. The CHEKA: Lenin's political police. M .: Clarendon press-Oxford, 1986. - P. 290-292.

[5] ЎзР МДА, Р-22 фонд,1- рўйхат, 1-иш, 2-4- варақлар.

[6] Туркистон МИҚ 1921 йил 1 сентябридан Туркистон МИҚ қошидаги ОЁ МКга Шарановни раис қилиб тайинлайди. Познер эса коммунистик университетга ишга ўтади.

4. Исеев-аъзо, Туркистон фронти сиёсий бошқармаси вакили.
5. Иноятов-аъзо, Туркистон озиқ-овқат халқ комиссарлиги вакили.
6. Кирш-аъзо, Туркистон халқ маорифи комиссарлиги вакили.
7.Слоним-аъзо,Туркистон соғлиқни сақлаш халқ комиссарлиги вакили
8.Туркистон болалар ҳаётини яхшилаш комиссияси вакили ҳужжатда (унинг исми-шарифи кўрсатилмаган)[1].

Туркистон МИҚ 1921 йил 21 июлидаги қарорида республика ОЁ МКнинг вилоят, уезд-шаҳар, қишлоқ ва овулларда ҳам тегишли тарзда очларга ёрдам (ОЁ) комиссиялари тузишга қарор қилади. Вилоят очларга ёрдам комиссиясига Туркистон МИҚ аъзоси тайинланиб, уни сафарбар қилиниши керак бўлган. Уезд очларига ёрдам комиссияси раисини Туркистон ОЁ МК ёки маҳаллий кенгаш тавсиясига биноан тайинлаш мумкин бўлган. Туркистон ОЁ МК айни пайтда Сирдарё вилоятидаги очларга ёрдам комиссиясига ҳам раҳбарлик қилиши мумкин бўлган[2]. Шунингдек, ушбу қарорда ОЁ комиссияларига озиқ-овқат тайёрлаш йўлларини ўрганиш, бу борада Туркистон матлубот жамиятлари иттифоқи (Турксоюз), Туркистон озиқ-овқат халқ комиссарлиги билан ҳамкорликда фаолият юритиш, хайриялар, иш ҳақидан тушумлар уюштириш, ошхона, врач-овқатлантириш пунктлари очиш вазифалари ҳам юклатилган эди[3]. Туркистон МИҚ қошидаги ОЁ МК таркиби ўзгариб турган. Бунга сабаблардан бири Россиядан очлар оқимининг келиши борган сари кўпайиб бораётганлиги ҳамда ёрдам қамрови ва унинг йўналишлари кўпайиб кетганлиги эди. 192 йил 13 ноябридан Туркистон МИҚ қошидаги ОЁ МКга раис

[1] ЎзР ПДА, 60 -фонд, 1-рўйхат, 1437-иш, 29, 32, 41-вараклар.
[2] ЎзР МДА, Р-17 фонд, 1-рўйхат, 1100-иш, 160-варак.
[3] ЎзР ПДА, 60 фонд, 1-рўйхат, 1437-иш, 29-варак.

этиб М.Бретт, унга ўринбосар этиб Волков. масъул котибликка эса Малышев тайинланган[1].

Туркистон МИҚ қошидаги ОЁ МК раисини Туркистон МИҚ томонидан тасдиқланган. Ушбу комиссия ўз таркибига умумий тезкор молия ва таъминот бўлимларини олган. Зарур ҳолларда комиссия техника воситалари , шахсий таркиб ва республиканинг марказий ҳамда маҳаллий ташкилотларига қарашли транспорт воситаларидан фойдаланиш ҳуқуқига эга эди. ОЁ МК томонидан вилоят, уезд, волостларда ташкил қилинган ОЁ комиссиялари нафақат ўз ижроия қўмиталарига, балки Марказий комиссияга ҳам тўла-тўкис бўйсунган. Марказий ва маҳаллий ОЁ комиссиялари кўрсатмаси Туркистондаги ҳамма совет ташкилотлари, фуқаролари томонидан навбатсиз бажарилиши керак бўлган. Очларга ёрдам кўрсатиш комиссияларининг олдида жуда мураккаб вазифалар борлигидан келиб чиқиб, унинг таркибида қуйидаги йўналишлар бўйича комиссиялар ташкил этилган:

- оч болаларга ёрдам;
- очларни қабул қилиш ва рўйхатга олиш;
- очларни жойлаштириш ва уларнинг меҳнатидан фойдаланиш;
- очларни таъминлаш[2].

Шуни таъкидлаш лозимки, жойлардаги ОЁ комиссиялари ўз амалий фаолиятини ОЁ комиссияси, халқ комиссарлиги ва ижроия қўмиталар фаолияти билан узвий боғланган ҳолда олиб бориши кўзда тутилган. Шунингдек, жойларда ташкил қилинадиган ОЁ комиссияси, мавжуд шарт-шароитдан келиб чиқиб, қабул қилиш, овқатланиш, саралаш пунктларини жорий этиш, очларни санитар ҳолатлари ҳамда озиқ-овқат, кийим-кечаклар билан таъминлаш жараёнларини ўрганиб бориш

---

[1] ЎзР ПДА. 60 фонд. 1-рўйхат. 1452-иш. 37-варак.
[2] ЎзР МДА. Р-39 фонд. 2-рўйхат. 58-иш. 21- варак ва орқаси. 22-варак.

топшириғини ҳам олган эди. Айни пайтда келтирилган очларни жойлаштириш ва улар ўртасида маданий-маърифий тарбия ишларини олиб бориш ҳамда бу вазифаларни бажаришда ОЁ комиссияси ва ижроия қўмиталар билан биргаликда фаолият олиб бориш керак бўлган. Келаётган очлар жойларда аниқ рўйхатга олиниши, хусусан уларни меҳнатга яроқли ёки яроқли эмаслиги, ишга яроқлиларнинг малакаси алоҳида қайд этилиши керак эди. Шунингдек, жойлардаги ОЁ комиссияси ўз ихтиёридаги маблағни фақат очларни боқишга сарфлаши мумкин эди. ОЁ комиссияси томонидан бериладиган ёрдамни якка тартибда, фақат истисно тариқасидагина, амалга оширишга рухсат берилган. Бундан ташқари, агар у ёки бу ташкилот очларга ёрдам учун спектакл, лотерея уюштирса, тушган маблағ тўла-тўкис очлар ҳисобига ўтиши керак деб қайд этилган. Лотерея учун у ёки бу буюмларни фақат тўла ишончли шахсларгагина ажратиш зарур деб белгиланган[1].

Волгабўйи, Уралолди ҳудудларидан эвакуация қилинаётган очларни Туркистонда қабул қилиш тартиби ҳам маълум бир аҳамиятга молик бўлган. Хусусан, Туркистонга келтирилаётган очлар аввалдан, яъни қаердан жўнатилаётган бўлса, ўша ерда рўйхатга олиниши керак бўлиб, бундан мақсад очлар билан тўла поезд эшолонларни жойларда тўхтаб қолишига йўл қўймаслик эди. Туркистонга келган очлар ОЁ комиссиялари томонидан рўйхатга олинмаган бўлса ҳамда уларнинг топшириғига бўйсунмаса, унда очларни бошпана, озиқ-овқат, кийим-кечак билан таъминлашни амалга ошириш мумкин бўлмаслиги қайд этилган (аммо бу қоғоздагина бўлиб, амалда ўз ижросини топмаган- *муаллифлар*). Туркистон МИҚ қошидаги ОЁ МК ва унинг жойлардаги ОЁ комиссиялари томонидан рўйхатга олинганлар озиқ-овқат, кийим-кечак билангина таъминланиб қолмасдан, тегишли уезд-шаҳар,

---

[1] ЎзР МДА, Р-17 фонд, 1-рўйхат, 927-иш, 36- варак оркаси.

қишлоқ, овулларда бошпанага ҳам эга бўлишлари қайд этилган. Ўз навбатида очарчилик губернияларидан келтирилаётган очларни жойлаштириш жараёни маълум бир ташкилий ишларни амалга оширишни тақазо этган. Хусусан, очларни жойлаштириш кўзда тутилган уезд-шаҳар, қишлоқ-овулдаги жойлар, мумкин қадар, аввалдан текширилган бўлиши, маҳаллий аҳоли ва ташкилотлар Россиядаги очарчилик қамрови натижасида ўлим, касалликлар авж олгани тўғрисида маълум бир тушунчага эга бўлишлари керак эди. Россиянинг очарчилик губернияларидан келтирилган ҳар бир очлар гуруҳини тегишли ОЁ комиссияси вақтинча яшаш учун ажратилган жойга кузатиб қўйиши ва жойлашиши билан боглиқ ташкилий масалалар ечимида ёрдам бериши керак эди[1].

Қуйидан юқоригача ОЁ бўлган комиссиялари зиммасига озиқ-овқат маҳсулотларини тўплаш, харид қилиш ва очарчилик ҳудудларидагилар учун турли тадбирлар, хусусан, хайрия ҳафталиклари уюштириш ҳамда тўпланган нарсаларни ташкилий жиҳатдан Россиянинг очарчилик губерниялариға жўнатиш ишлари билан шуғулланиш вазифаси юклатилган[2]. Туркистон МИҚ қошидаги ОЁ МК кўрсатмасига мувофиқ, Россиянинг очарчилик ҳукм сураётган ҳудудларидан келаётганларни нафақат давлат ташкилотлари ва интернатларга, балки посёлка, қишлоқ, овулларга жойлаштириш ва ҳатто бу борада аҳоли хонадонларидан ҳам фойдаланилган. Туркистондаги ҳар бир аҳоли, кимнинг узрли сабаби бўлмаса, очларни ўз хонадонига жойлаштиришдан бош тортишга ҳаққи йўқ эди. Келтирилган очларни озиқ-овқат, кийим-кечак билан таъминлаш ОЁ маҳаллий комиссияси ва улар жойлаштирилган хўжалик ҳисобидан бўлиши керак эди. Туркистон МИҚ қошидаги ОЁ МК ва унинг жойлардаги

[1] ЎзР МДА. Р-39 фонд. 2-рўйхат, 58-иш. 21-варақ оркаси. 22-варақ.
[2] ЎзР ПДА. 60 фонд. 1-рўйхат. 1437-иш. 29-варақ.

комиссияларини маблаг билан таъминлаш давлат ҳисобидан, фуқаролар ва ташкилотлар хайриясидан, жамғармалардан ташкил қилинган[1].

1921 йил 3 сентябрда Туркистонда очларга ёрдам бериш комиссияси зиммасига қуйидаги вазифалар юклатилган:

- Туркистонга эвакуация қилинаётган очларни қабул қилиш

Туркистон МИҚ қошидаги ОЁ МК зиммасига юклатиш;

- ОЁ комиссияси фаолиятини оператив-жанговор аҳамиятга молик деб топиб, ундан чиқадиган ҳар қандай топшириқ –кўрсатмаларни навбатсиз бажарилишини таъминлаш;

- очлар аҳволи тўғрисида нафақат ҳокимият органлари, балки аҳоли ўртасида ҳам кенг қамровли, узлуксиз, оммага тушунарли тарзда тарғибот ишларини олиб бориш;

- очарчилик губерняларидан келаётганлар темир йўл станциясида рўйхатга олиниши ва шунингдек, рўйхатда миллати, жинси, ёши, мутахассислиги ҳамда ишга яроқлилик даражаси кўрсатилиши керак;

- келаётган очларни жойлаштириш миллатига қараб, яъни руслар ўз миллатдошлари зич ёки уюшган ҳолда яшайдиган посёлкалар ва уларнинг оилаларига, мусулмонлар (татар, бошқирд ва в.б. - *муаллифлар*) ерли аҳоли яшайдиган қишлоқларга ҳамда уларнинг хонадонларига жойлаштириш;

- меҳнатга яроқсизларга ғамхўрлик қилиш Туркистон МИҚ қошидаги ОЁ МКга юклатиш;

- темир йўл станциялари яқинида аҳоли пунктлари очлар билан тўлиб кетганлиги сабабли, келаётганларни биринчи навбатда темир йўлдан узоқроқдаги ҳудудларга юбориш;

- келаётган очларни жойларга пиёда ва имкон даражасида араваларда олиб бориш;

---

[1] ЎзР МДА, Р-17 фонд, 1-рўйхат, 415-иш, 3-варак.

- келаётган очларни жойларга етиб боргунча ва кейин боқиш Туркистон МИҚ қошидаги ОЁ МК ва республика озиқ-овқат халқ комиссарлиги томонидан таъминлансин;

- очларни жойларда асосан маҳаллий аҳоли хонадонларига киритиш мажбурияти юклатилсин;

- маҳаллий ҳокимият ва тегишли жамоага келаётган очларни иш билан таъминлаш юклатилсин;

- келаётганлардан давлат ишига жалб қилинганларни республика ҳисобидан таъминлансин[1].

Кўриниб турибдики, Туркистон МИҚ қошидаги ОЁ МК зиммасида турган вазифалар кенг қамровли бўлиб, уларни бажариш учун вилоятлардаги ОЁ комиссиялари ҳам тинимсиз ишлашига тўғри келган. Самарқанд, Сирдарё, Фарғона, Туркман вилоятларида очларга ёрдам масаласи билан боғлиқ ташкилий масалалар мумкин қадар уюшқоқлик билан амалга оширилган. Туркистон МИҚ ва ХККнинг ўлка халқига мурожаати вилоят ва уездлардаги аҳолини ҳам очларга ёрдам масаласида бефарқ қолдирмади. Жойларда очларга ёрдам масаласида тушунтириш, тарғибот ва ташвиқот ишлари ҳамда хайрия йиғишлар, ёрдам ҳафталиклари бошланиб кетди.

Эвакуация жараёни ҳамда Туркистондан Волгабўйи, Уралолди ҳудудларига озиқ-овқат маҳсулотларини ёрдам тариқасида йиғиш муаммолари ушбу комиссиянинг фаолияти билан чамбарчас боғлиқ бўлиб борди. Бу масала ечимида Туркистон МИҚ қошидаги ОЁ МКни маълум миқдорда узлуксиз маблағ билан таъминлаш керак эди. Натижада ушбу масала Туркистон ХККнинг 1921 йил 28 сентябридаги мажлиси кун тартибидан жой олди. Қарорга мувофиқ, Туркистон МИҚ қошидаги ОЁ МК томонидан ўз ҳисобига ҳар бир спектакл, концерт, боғ сайри, хурсандчилик томошаларидан тушадиган

[1] ЎзР МДА, Р-17 фонд, 1-рўйхат, 287-иш, 54-55 варақлар; 733-иш, 30-варак.

маблағнинг 10 фоизини очларга ёрдам солиғи сифатида махсус тегишли ҳисобга ўтказиш шарт деб белгилаб қўйилди[1].

Туркистон МИҚ қошидаги ОЁ МК ўз фаолиятида нафақат келаётганларни, балки Россиянинг очарчилик губерняларига жўнатиладиган озиқ-овқат маҳсулотлари билан боғлиқ масалалар ечими билан ҳам шуғулланарди. Масалан, 1921 йил 8 октябрда Бошқирдистондаги оч болалар аҳволи масаласини Туркистон МИҚ қошидаги ОЁ МК кўриб чиқиб, уларга 10 млн. рубль ва 2 минг пуд ғаллани ажратиш тўғрисида қарор қабул қилган. Шунингдек, яна 1000 пуд ғаллани Каттақўрғон аҳолисидан хайрия сифатида Уфа губернияси аҳолисига жўнатишга ҳам қарор қилинган[2].

Демак, бундан кўриниб турибдики, Туркистон МИҚ қошидаги ОЁ МК ўз фаолияти билан боғлиқ вазифаларни нафақат ўлкага келтирилаётганларига, балки Россиядаги очлар мушкулини енгиллатишга ҳам қаратган.

2.2. Очларга ёрдам масаласида Марказ ва Туркистон муносабатлари

Очарчилик ҳукм сурган йиллар матбуотини нафақат Туркистон, Бухоро, Хоразм республикаларида чоп этилганини, балки Москва, Қозон, Уфа, Самара, Симбирск, Оренбург ва бошқа губерняларида матбуот нашрларини ҳам таҳлил қилганимизда, ҳақиқатан ҳам очарчилик аҳволи газета ва бюллетенларда мунтазам ёритиб борилганини кўриш мумкин. Дарҳақиқат, матбуотда Туркистон МИҚ қошидаги ОЁ МК ва унинг жойлардаги ОЁ комиссияларининг фаолияти кенг ёритиб борилган. Аммо архив ва матбуот таҳлили шуни кўрсатадики, ҳамма вақт ҳам воқеалар тафсилоти холислик билан ёритилмаган. Хусусан, Россиядан келаётган товарларни Марказ

[1] ЎзР МДА, Р-17 фонд, 1-рўйхат, 733-иш, 49-варак.
[2] ЎзР МДА, Р-17 фонд, 1-рўйхат, 725-иш, 29-варак.

томонидан «Туркистон халқларига ёрдам» деб кўрсатиш мақсадга мувофиқ деб топилган бўлса, Туркистондан Россияга юборилаётган товарлар, озиқ-овқат маҳсулотлари одатдаги ҳолдек қабул қилинарди. Ва ҳаттоки, айрим марказий архив манбаларида Туркистон аҳолиси Волгабўйи, Уралолди ҳудудлари халқларига зудлик билан ёрдамга киришганини қайд этиш билан бирга «... ҳар бир кишига маълумки, Совет Туркистонининг тақдири буткул совет [Россия] федерациясининг фаровонлиги билан боғлиқ...»[1] дейилади. Кўриниб турибдики, Марказ нуқтаи назаридан Россияга ёрдам бериш - бу Туркистон учун ўзига хос мажбурий бир ҳолат ёки бурч деб қаралган.

Туркистон МИҚ қошидаги ОЁ МК ўзининг мажлисларини мунтазам ўтказиб турган. Мажлисларда фаолият кўрсатаётган ОЁ комиссиялари ва уларнинг фаолияти кўриб чиқилган ва муҳокамалардан кейин тегишли қарорлар қабул қилинган. Масалан, 1921 йил 7 сентябрда Туркистон МИҚ қошидаги ОЁ МК ўзиниг навбатдаги мажлисини ўтказиб, очарчилик ҳудудларидан келаётганларни рўйхатдан ўтказиш, жойлаштириш, ота-онаси йўқ, қаровсиз ҳолатда келаётган болаларни интернатларга тарқатиш ҳамда уларни кийим-кечак ва оёқ кийимлар билан таъминлаш масалаларини кўриб чиқди. Шунингдек, ушбу мажлисда Самара губерниясига Туркистон вакилини сафарбар қилиш масаласи ҳам муҳокама қилинди. Бундан мақсад Туркистонга эвакуация қилинаётганлар ва оч-қочоқлар оқимини тартибга солиш масалаларини чуқурроқ ўрганиш ҳамда ёрдам чораларини кўриб чиқиш эди.

Туркистон МИҚ қошидаги ОЁ МК томонидан очарчиликка дучор бўлганларга ёрдам тадбирлари турли йўналишларда олиб борилган. Ёрдамлар уюштиришда очарчилик даҳшати акс этган

[1] ГАРФ, ф. 1318, оп. 1, д. 185, л. 44.

варақа ва плакатлар ҳамда чақириқлар ҳам катта роль ўйнайди. Татаристон, Бошқирдистон, Оренбург, Симбирск, Пенза ва бошқа губерниялардан Туркистонга «Волгабўйи ёрдамга муҳтож», «Очарчилик даҳшатлари», «Волгабўйи аҳолиси очликдан ўляпти» каби плакатлар юбориларди. Ушбу плакатлар Туркистондаги аҳоли гавжум яшайдиган ҳудудларда ва шунингдек, бозорларда, гузар, чойхона ҳамда ташкилотларда раҳм-шафқатга, ҳушёрликка чақирарди[1]. Албатта, юборилаётган плакатлар ҳам аҳолини очларга ёрдам бериш иштиёқини кучайтирарди. Ўз навбатида плакатлар учун Туркистон МИҚ қошидаги ОЁ МК томонидан талаб қилган тегишли маблағни очарчилик губерниялари ҳисобига йиғиб бериларди. Масалан, Самара губерниясидан Туркистонга юборилган плакатлар учун энг камида 300 минг рубль хайрия тариқасида йиғиб берилиши керак эди. Плакат ва варақалар тарқатишдан йиғилган пул Туркистон МИҚ қошидаги ОЁ МК ҳисобига ўтказиларди. Йиғилган пулларга республика ОЁ МК озиқ-овқат маҳсулотлари харид қилиб, Волгабўйи очларига жўнатарди[2]. Бундан ташқари, Татаристон, Бошқирдистон, Самара, Оренбург, Пенза, Саратов каби очлик азобини тортаётган ҳудудлардан Туркистонга тарғибот-ташвиқот адабиётлари, плакатлари, варақалари билан биргаликда махсус очарчиликка қарши тарғиботчилар ҳам сафарбар қилинар эди. Масалан, 1921 йил 24 октябрида берилган гувоҳномага кўра, Х.Каримов Татаристон МИҚ қошидаги ОЁ МКнинг махсус вакили сифатида Тошкентга очарчиликка мубтало аҳоли учун ёрдам беришга чақирилган плакат, варақа ва махсус адабиётлар билан келади. Бу варақа, плакат ва адабиётлардан Туркистон МИҚ қошидаги ОЁ МК жойларда истиқомат қилаётган аҳоли ўртасида кўргазмали курол тариқасида фойдаланарди. Чунки

---

[1] ЎзР МДА, Р-17 фонд, 1- руйхат, 733-иш, 109-варак.

[2] ААП Рес.Туркм .: ф. Р- 94. оп. 1. д. 29. л.10.

Россиядаги очлар аҳволи, очарчилик қамрови тўғрисида маҳаллий аҳоли орасида ўтказилаётган хайрихоҳлик митингларида, концерт ва спектаклларда, хайрия тадбирларида тегишли кўргазмали маълумотлар бериш катта аҳамиятга эга эди. Бундай тадбир натижасида жойларда очларга меҳр-мурувват янада ошиб кетарди[1].

Очларга ёрдам уюштиришда Туркистон МИҚ ва ХКК, ТКП ҳамда уларнинг тегишли тарздаги вилоят ва уездларда жойлашган ҳокимият вакиллик органлари томонидан қабул қилинган чақириқ ва мурожаатномалар ҳам катта роль ўйнаган. Чунки халққа очарчилик қамрови ва даҳшатини тушунтириш ҳам муҳим аҳамиятга эга эди. Бу борада Туркистон халқига дастлабки мурожаатномани 1921 йил 25 сентябрда Туркистон МИҚ раиси А.Рахимбоев ва Туркистон ХККнинг раиси Қ.Отабоевлар имзоси билан етказилган эди. Ушбу мурожаатда Волгабўйи, Уралолди ҳудудларидаги қатор губерния ва мухтор республикаларда қурғоқчилик туфайли ғалла ва ўт-ўланлар деярли куйиб кетгани ва натижада очарчиликка гирифтор минглаб қоқ суяк одамлар ўлаётгани таъкидланади. Мурожаатда «Очарчилик кулфати шунчалик чуқур илдиз отганки, давлат томонидан кўрсатилаётган очларга ёрдам чоралари фақат қисмангина муаммо ечимини юмшатиши мумкин. Шунинг учун ҳам давлат... очарчилик ҳудуди аҳолисини вақтинча ... озиқ-овқат масаласи бўйича анча-мунча яхшироқ имкониятга эга бўлган Украина, Сибир ва Туркистонга кўчириш лозим деб ҳисоблайди. ...Туркистонга келаётганларни қардошларча очиқ чеҳра билан кутиб олиш бурчимиз... уларга ўз уйимиз, жамоат ва давлат хўжаликлари ҳамда ташкилотлари томонидан озиқ-овқат, кийим-кечак, яшашга жой ажратиш керак. Туркистон МИҚ ва ХКК келаётган

[1] НА РТ, ф. Р- 4470, оп1. д. 30, л.л. 200. 326.

очларга ёрдам масаласида ...ҳамма имконият ва маблағларни ишга солишни талаб қилади. Туркистон халқлари бу буюк фалокатни бартараф этишда ҳамдардлик билдирибгина қолмасдан, балки... ёрдам учун моддий ва пул маблағларини ҳам аямайдилар...»[1], - дейилади. Мурожаатдан уч кун ўтиб, яъни 1921 йил 28 сентябрда Туркистон МИҚ ва ХКК нинг 108-сонли қўшма мажлиси қарори чиқди[2]. Ушбу қарорда Туркистон Россиянинг очарчилик ҳудудларига ёрдам бериш билангина чекланмасдан, ўз қарамоғига расман 200 минг[3] атрофида Волгабўйи, Уралолди ҳудудларидан эвакуация қилинаётган очларни ҳам қабул қилиши кўрсатилди. Шунингдек, ушбу қарорга кўра қуйидагилар белгиланди:

1.Туркистонга келаётганларни қабул қилиш ва жойлаштириш ишлари Туркистон МИҚ қошидаги ОЁ МК ихтиёрида мувофиқлаш-тирилсин.

2.Ушбу йўналишдаги ишларни оператив-жанговор аҳамиятига молик деб топилсин ва ҳамма ҳокимият органларига улардан (ОЁ МК - *муаллифлар*) чиқадиган кўрсатмаларни зудлик билан бажариш мажбурияти юклатилсин.

3.Аҳоли орасида фаол ҳамда обрўли кишиларни, маҳаллий ижроия қўмиталарини очларни жойлаштиришга жалб қилинсин.

4.Очларни жойлаштириш масъулияти тўла-тўкис ОЁ МК раисига юклатилсин.

---

[1] ЎзР МДА. Р-17 фонд. 1- рўйхат. 287- иш. 63-65 варақлар; Қаранг: 926- иш. 57-58 варақлар; 1074- иш. 250-251 варақлар; Р-25 фонд. 1- рўйхат. 418- иш. 15-варақ ва оркаси.

[2] ЎзР МДА. Р-17 фонд. 1- рўйхат. 287- иш. 50-52 варақлар.

[3] Кейинчалик бу 320 минг деб белгиланди – *муаллифлар*.

5.Туркистон МИҚ қошидаги ОЁ МК қарори ва топшириғини ҳамма совет ташкилотлари ҳамда фуқоролари бажаришлари шарт[1].

Мазкур қарор мазмуни шундан далолат беради, Туркистон МИҚ қошидаги ОЁ МК катта ваколат ва масъулиятга эга эди.

Россиянинг очарчилик ҳудудларидаги аҳвол кундан-кунга оғирлашиб борарди. Очларни боқиш, кийинтириш ҳокимиятни қўлга олган большевиклар учун қийинлашиб борди. Бу муаммонинг ечимида очларни эвакувация қилиш масаласи кун тартибига қўйилади. Чунки ички имкониятлар билан очларни боқиш шарт-шароити йўқ эди. Бирдан-бир йўл қурғоқчилик ҳудудларидан ҳосилдор ҳудудларга одамларни кўчириш эди. Агар шундай йўл давлат томонидан уюшган ҳолда амалга оширилмаса, аҳолининг ўзи ҳосилдор ҳудудларга кўчиб ва ёки аниқроғи қочиб кетиши муқаррар эди. Аслида бу ҳолат бошланган эди. Очлар ҳосилдор ҳудудларга кетар экан, ўз уйлари, хўжаликлари ва ҳатто кучдан қолган кексаларни, кучга тўлишга улгурмаган болаларни ҳам тақдир-тақозосига ташлаб, стихияли тарзда кўчиб кетаверганлар... Очлар оқимининг стихияли Туркистонга кўчиши жараёнини кимдир темир йўл орқали, кимдир пиёда ва кимдир от-аравда амалга ошира бошлаган[2]. Айни пайтда очарчилик ўз гирдобига борган сари кўпроқ одамларни тортарди. Масалан, фақатгина Татаристон республикасида 1921 йили 3 млн. 366 минг 719 киши истиқомат қилган бўлса, бир йил ичида улардан турли сабабларга кўра (ўлим, эвакуавция в.б.) 428 минг 803 кишига яъни 13 фоизга қисқарди. Шундай қилиб, 1922 йил 1 январида Татаристонда аҳоли 2 млн. 797 минг 527 киши қолди. Шундан атиги 93 минг 945 киши (3 фоиз) ўзгалар ёрдамисиз яшай олган ва 442678

[1] ЎзР МДА, Р-17 фонд, 1-рўйхат, 287 - иш, 50-52 вараклар.

[2] Спутник агитатора (Татарстан), 2-3 октября 1921 г., С- 43 - 44 .

кишинигина ОЁ комиссиялари, чет эл ёрдам фонди, давлат ва маҳаллий маблағлар ҳисобига боқилган. Умуман олганда эса, юқорида кўрсатилган даврда Татаристоннинг 2 млн. 260 минг 904 киши си (81 фоиз аҳоли) очарчилик азобини тортарди. Айнан юқорида кўрсатилган даврда очлик азобидан 326 минг 166 нафар болалар (25 фоиз) вафот этган эди[1].

Туркистон МИҚ ва ХКК халққа мурожаатидан кўп ўтмай, 1921 йил 3 октябрида Туркистон МИҚ ва ТКПнинг ҳамма вилоят ижроия ва партия қўмиталарига кўрсатмаси юборилди ва ушбу кўрсатма 10 октябр куни 1921 йили матбуотда эълон килинди. Ушбу кўрсатмада Россия ва Қозоғистоннинг очарчилик ҳудудларида одамлар очлик азобидан ҳар куни юз минглаб ўлиб кетаётгани, тирик қолганлари ҳам ўз юртларини ташлаб, бир бурда нон илинжида боши оққан томон йўл олаётгани қайд этилади. Бу ҳолат муносабати билан муҳим вазифалар бажарилиши зарур эди.

Куз келиб, совуқ туша борган сари очларга ёрдам бериш билан боглиқ ташкилий ишлар янада кўпайиб кетди. Чунки очлик ёнига яланғочлик ҳам қўшилиб, оёқ ва бош кийимсиз, юпун кийимга эга бўлганлар касалликка мубтало бўлиб, келаётганлар сони кўпайиб борарди. Шу муносабат билан 1921 йил 6 ноябрида Туркистон МИҚ қошидаги ОЁ МК яна ўлка аҳолисига мурожаат килиб, очлар оқими ҳали-ҳамон Туркистонга амалда ёпирилиб келаётгани, чунки очарчилик губерняларидаги фалокат борган сари кенгайиб бораётгани, оналар чақалоғига кўкрак сути беришга имконияти йўқлиги, совуқ тушиши муносабати билан аҳвол янада огирлашиб, «оч ва яланғоч одамларни очиқ осмон остида қолдирмаслик чораларини кўриш» кераклиги ҳамда келаётган очлар оқимидаги болаларнинг 75 фоизи касаллиги, аммо улар учун қошиқдан тортиб кроватгача муҳтожлик сезилаётганлиги

[1] Жизнь национальностей (Москва), 25 февраля 1922 г.

туфайли «...ёрдам миқёсини кенгайтириш зарурлиги... Ким нимани хайрия қилишга қурби етса, ўшани бериши» мумкинлиги уқтирилади[1].

Россиянинг очарчилик ҳудудларидан келаётганлар нафақат оч, балки оёқ кийими, бош кийими, ички кийимлари бор-йўқ ҳисоби. кийими борлар ҳам жуда юпун эди. Айни пайтда Туркистон аҳолисининг ўзи жуда тўқ ва кийим-боши бут эмасди. Аммо шунга қарамасдан, келаётган очларга озиқ-овқат, кийим-кечак етказиб беришда ўлка аҳолисининг багрикенглиги ҳар доим сезилиб турган. Бу борада ўлка халқи келтирилаётган болаларнинг аянчли аҳволига бефарқ қараб турмаган. Масалан, 1921 йил ноябрь-декабрь ойларида Россиянинг очарчилик губерняларидан Туркистонга келтирилган болаларга кийим-кечак, бош ва оёқ кийим, иссиқ кийим бериш керак бўлди. Шу муносабат билан Самарқанд халқ маорифи бўлими вилоят ижроия қўмитаси ва ОЁ комиссиясига мурожаат қилиб, келтирилаётган болалар учун «пул, газмол, оёқ кийим... ва бошқалар» ажратилишини сўраган[2].

Юқорида қайд этганимиздек, келаётган очларнинг касаллиги, кийим-кечаги юпунлиги совуқ туша бошлаши билан янада ўзининг долзарблигини намоён қила бошлади. Шу сабабдан ҳам Туркистон МИҚ қошидаги ОЁ МК 1921 йил декабрида келаётган очларни аксарияти нимжон, касалманд эканлигидан келиб чиқиб, очларни боқишгина эмас, уларни даволаш ҳам зарур деган хулосага келади. Шунинг учун касалхоналарга тоза чойшаб, касаллар учун тоза кийим зарур эди, аммо бу нарсаларни ҳаммага етказиб бўлмасди. Шу муносабат билан комиссия 1921 йил 5 декабрида бутун республика аҳолисига мурожаат қилиб, «Касалхонадаги очларга чойшаб хайрия қилинг» деган шиорни ўртага ташлаб,

---

[1] ЎзР МДА, Р-17 фонд, 1 -рўйхат, 733-иш, 38- варак.

[2] ЎзР ПДА қошидаги СВБ, 31- фонд, 1 [А]- рўйхат, 233- иш, 97- варак.

хайрия ишларини бошлаб юборди ва бундай тадбир тезда ўзининг ижобий натижаларини бера бошлади[1].

Очларга ёрдам уюштириш масаласида Марказ кундан-кунга ўз талабини бўшаштирмай, мунтазам тарзда хайрияларни, ёрдам ҳафталикларини ўтказиш ва Волгабўйига юбориладиган озик-овқат маҳсулотларини кўпайтиришни талаб қилиб борган. Аҳвол шу даражага борганки, аҳоли ўртасида ёрдам ҳафталиклари, очлик солиғи ва бошқа тадбирлар ўтказишда Туркистондаги иқтисодий аҳволни ҳисобга олмай, меъёридан ортиқ гўшт, ғалла ва бошқа маҳсулотларни талаб қилинган. Бу эса шундоқ ҳам тузук-курук яшамаётган аҳолини амалда талаш даражасига етган. Айниқса, бу борада Туркомиссия раиси М.П. Томский Марказни таъминлаш бўйича «иштаҳаси карнайлиги» билан ажралиб турарди. Агар аҳвол шундай давом этаверса, оқибатда Туркистон аҳолисининг норозилигига олиб келиши мумкинлигидан хавфсираган Москвадаги раҳбарият, РКП(б) МҚ сиёсий бюросининг 1921 йил октябрида очларга ёрдам масаласини кўриб чиқиб, Туркомиссия раиси М.П.Томскийни Туркистонда эгаллаб турган вазифасидан чақириб олишни мақсадга мувофиқ деб топди[2].

Кўрилган чора-тадбирларга қарамасдан Волгабўйи, Уралолди ҳудудларидаги иқтисодий аҳвол барқарор эмасди. Очарчилик бор бўйи билан даҳшатли ҳолда давом этарди. Очарчиликдан одамлар турли-туман ўт-ўланларнигина эмас, балки одамхўрликкача борардилар. Самара губернияси Пугачев уездида истиқомат қилувчи Алмазова ва унинг синглиси уйларига ҳолдан тойиб келган иккита аёлни сўйиб еганлари тўғрисида ва ўша юқорида қайд этилган уезднинг Ломовка қишлоғидаги бир аёл ўзининг касалманд ўғилчасини еганлиги

---

[1] ЎзР ПДА, 60- фонд, 1- рўйхат, 1646- иш, 10,12 - варақлар.

[2] Орошок Б., Темирходжаев. П. Центр - Тукестану. Т. 1989, - С. 84-85.

тўғрисида маълумотлар бор[1]. Афсуски, Волгабўйида одамхўрлик ҳолати аҳён-аҳёнда бўлаётган ҳодиса бўлмай қолган эди. Бундай ҳолат тўғрисида Самара, Уфа, Қозон, Оренбург, Ульяновск шаҳарларидаги архивларда сақланаётган манбаларда, ўша очарчилик йиллари чоп этилган газета ва журналлар ҳамда адабиётларда кенг қамровли маълумотлар мавжуд. Масалан, "Туркестанская кооперация" газетасида ўлка халқига Волгабўйидаги одамлар тортаётган очлик азоби тўғрисида мурожаат қилиб, шундай дейилади: "Волгабўйидагилар очликдан ақлдан озяптилар... кўплари одамхўр бўлиб қоляптилар. ... уларни даҳшатли, азоб-уқубатли ўлимдан, ўзларини ўзлари еб тугатишдан қутқаринглар... Одамлар очликдан мурдаларни емоқдалар. Қабристондан мурдалар ўғирланяпти... Ота-оналар ўз фарзандларини ва айрим ҳолларда болалар ўз ота-оналарини еяптилар. ...Ўз яқинлари, дўстларига қарши пистирма уюштириб, қўлга туширганларидан кейин, ухлаганларида сўйиб, "қайнатиб еяптилар"[2].

Таърифлаш жоизки, даҳшатларга бой бундай маълумотлар нафақат оммавий ахборот воситаси бўлмиш газета ва журналларда, балки Туркистон МИҚ қошидаги ОЁ МК ва уларнинг жойлардаги тарғиботчи-ташвиқотчилари орқали ёрдам ҳафталиклари муносабати билан уюштирилаётган митинг ва сайилларда, концерт-спектакларда, спорт ўйинларида, гузар ва қизил чойхоналарда, бозорларда, қўйингки, одамлар гавжум бўлиб яшайдиган ва ишлайдиган жойларда ҳам халққа етказиларди. Бу эса диёнатли маҳаллий халқни бефарқ қолдирмасди. Бундан ташқари очарчилик даҳшати тўғрисидаги маълумотлар Туркистонга эвакуация қилиниши натижасида келаётганларнинг маҳаллий аҳолига сўзлаб бериши орқали ҳам халқ орасида тарқарди.

---

[1] Коммуна (Самара). 24 февраля 1922 г.

[2] Туркестанская кооперация. № 1 (6). 1 апреля 1922 г.

Келаётганларни нафақат интернатга, балки ўзбек, тожик, туркман, қирғиз оилаларига ҳам жойлаштирилиши ҳам очларга бўлган ҳамдардликнинг бир кўриниши бўлиб хизмат қилди.

Айни пайтда очларга ёрдам тадбирлари бошқа йўналишларда ҳам давом этган. Масалан, Қозон, Уфа, Самара, Симбирск, Пенза ва бошқа ҳудудларда чиқарилаётган газета ва журналлар, махсус варақаларда Волгабўйидаги очарчилик аҳволи, жойлардаги кўрилаётган чоралар, эвакуация жараёни, ёрдам – хайрия тадбирлари, болалар, аёллар, кексалар аҳволи, одамхўрлик билан шуғулланганлар тўғрисидаги маълумотлар бериб бориларди. Газета-журналлар, варақаларда очликдан одамлар истеъмолбоп бўлмаган нарсаларни ея бошлагани, кабристонлардан «ўлик овлаш» ҳолатлари содир бўлаётгани, очликдан одамлар кўча – кўйларда ўлиб қолаётгани, тиланчи сони кўпайиб кетганлиги тўғрисида аянчли хабарларга тўлиб кетган эди. Ўз навбатида шундай хабарларга тўла газета ва журналлар, варақалар Туркистонга ҳам юборилар эди. Бундан мақсад, биринчидан, ўлка аҳолисини Волгабўйидаги очарчилик дахшатларидан хабардор қилиш, иккинчидан, Туркистон аҳолисида очарчилик ҳудудларидан эвакуация қилинаётганларга, жойлардаги очлик азобини тортаётганларга нисбатан меҳр – мурувват уйғотиш, хайриялар уюштириш, саховатли бўлишга ундаш эди. Юқоридаги сабаблардан ташқари яна учинчи сабаб ҳам бор эди. Келтирилган газета-журналлар, варақалар Туркистон ОЁ МК вилоят, уезд – шаҳар, волостлардаги очларга ёрдам комиссияларига тарқатилиб, аниқроғи сотиларди. Масалан, 1922 йил 8 апрелида Фарғона вилоят ОЁ комиссиясига Самарада чоп этиладиган "Известия губсоюза" газетасининг 3– иловасидан "Волгабўйи ҳалок бўляпти" сарлавҳасидаги 30 нусхасини юбориб, ҳар бирига "5000 рублдан Сам[ара] губернияси матлубот жамияти

ҳисобига тўлашни сўралган" ва тушган маблағ очларга ёрдам кўрсатиш жамғармасига юборилиши қайд этилган[1].

Волгабўйи, Уралолди ҳудудларидан Туркистонга расман эвакуация қилинган, оч-қочоқ тариқасида келтирилганларни озиқ–овқат, кийим–кечак, бошпана билан таъминлаш 1922 йил бошларидан янада мушкуллаша бошлади. Россиянинг очарчилик ҳудудларидан Туркистонга узлуксиз давом этаётган эвакуация жараёни ўлкадаги иқтисодий аҳволни амалда издан чиқариб юборди. Боз устига Фарғона вилоятида қайтадан бошланган очарчилик оқибатида келтирилаётганлар қатори маҳаллий аҳоли ҳам очарчилик азобини тортишга мубтало бўлди. Туркистон МИҚ ҳузуридаги ОЁ МК ва унинг вилоят, уезд-шаҳарлардаги ОЁ комиссиялари эндиликда нафақат Россия очларига, балки Фарғона вилояти очларига ҳам ёрдам беришларига тўғри келди. Лекин ўлка томонидан Россия очларига кўрсатилаётган ёрдам кўлами кенгайган сари, маҳаллий аҳолининг аҳволи ҳам мушкуллашиб бораверади. Масалан, Фарғона вилоят ОЁ комиссияси раисининг ўринбосари Хўжаев 1922 йил 9 августида Туркистон МИҚ раиси Хидиралиевга қилган мурожаатида "очларга ёрдам ташкилоти (комиссияни назарда тутиляпти *–муаллифлар*)ни ушлаб туришга маблағ йўқ. Туркман, Самарқанд, Фарғона [вилоятларидан] ажратилаётган маблаглар харажатларни қоплашга етарли эмас. Ўйлаймизки, зудлик билан **Фар[ғона] вилоятини волгабўйиликлардан бўшатиш керак"** (таъкид бизники *–муаллифлар*), - деб, интернатлардаги оч болаларни халқ маорифи комиссарлиги тасарруфига ўтказиш маълум даражада қишлоқларда очарчилик азобини тортаётганлар билан шуғулланиш имкониятини кенгайтиришини уқтиради[2].

---

[1] ЎзР МДА, Р-17 фонд, 1-рўйхат, 739- иш, 109-варак.

[2] ЎзР МДА, Р-17 фонд, 1-рўйхат, 345-иш, 168-варак.

Туркистон МИҚ қошидаги ОЁ МК ва унинг вилоятлар ҳамда уезд-шаҳарлардаги ОЁ комиссиялари Россиядан келтирилган очларга ёрдам беришда катта жонбозлик намуналарини кўрсатганлар. ОЁ комиссияси аъзолари қуйидан юқоригача кунни-тунга улаб фаолият кўрсатганлар. Туркистон МИҚ қошидаги ОЁ МК зиммасида нафақат Туркистонга эвакуация қилинганларни, балки Волгабўйи, Уралолди ҳудудларида қолиб очарчилик даҳшатларини бошидан кечираётганларни ҳам озиқ-овқат, қолаверса, маълум миқдорда иссиқ кийим-кечак билан таъминлаш вазифаси турган. Агар расмий маълумотларга мурожаат қиладиган бўлсак, Марказ кўрсатмасига мувофиқ, 1921 йил 15 ноябридан бошлаб Туркистон МИҚ қошидаги ОЁ МК зиммасида ўлкага эвакуация тариқасида ва оч-қочоқ бўлиб келганлардан ташқари яна Волгабўйи, Уралолди ҳудудларидаги 100 минг кишини озиқ-овқат билан таъминлаб туриш вазифаси юклатилган эди[1].

Очлар эвакуацияси ва боз устига Волгабўйи, Уралолди ҳудудларига кўрсатилаётган ёрдамлар ҳам Туркистондаги озиқ-овқат таъминотига тааллуқли мувозанатни издан чиқариб юборди. Бу ҳолат айниқса Фарғона вилоятида яққол сезила бошланди. Фарғонадаги озиқ-овқат муаммоси амалда 1922 йил бошларидан давом этиб келаётганига қарамасдан, Марказ бу муаммога жиддий эътибор қаратишни хоҳламас ёки аниқроғи эътибор бера олмас эди. Фаргонадаги иқтисодий аҳвол ёмонлашганига қарамасдан, Фарғона
вилоятига Россиядан эвакуация тўхтатилгани йўқ. Бу вужудга келган очарчиликни янада чуқурлашувига олиб келди. Боз устига Фарғона вилоятидаги "босмачилик" амалда қишлоқ хўжалигига, чорвачиликка катта зиён етказган эди. Марказдагилар учун Фарғонадаги аҳвол Волгабўйи,

---

1 - ЎзР ПДА. 60-фонд. 1-рўйхат. 1436-иш. 61- варак ва оркаси: Жизнь национальностей. 14 декабря 1921 г.

Уралолдидагига нисбатан анчагина "яхшироқ" ҳолатда эди. Шунинг учун Волгабўйи, Уралолдида очарчиликка мубтало бўлганлардан маълум бир қисмини узоқдаги "ҳосилдор" Туркистон зиммасига юклаш мақсадга мувофиқ деб топилган. Шуни қайд этиш керакки, Волгабўйи очларига ёрдам бериш жараёни давом этаётган бир пайтда Фарғона вилоятининг ўзида ҳам очарчилик бошланиб кетган. Лекин Фарғонадаги очарчилик муаммосини Марказ томонидан амалда эшитилмасди.

2.3. Вилоят, уезд – шаҳарларда очларга ёрдам комиссияси фаолияти

Туркистон республикаси бўйича Туркистон МИҚ қошидаги ОЁ МК ўз амалий фаолиятида вилоят, уезд-шаҳар, қишлоқ ва ҳатто маҳаллаларда ҳам ташкил қилинган очларга ёрдам кўрсатиш комиссиялари фаолиятига таяниб иш кўрган. Жойларда ташкил топган очларга ёрдам комиссиялари 1921 йил август ойи бошлариданоқ аҳоли ўртасида Россиянинг очарчилик ҳудудларидаги очарчилик кулфати даражаси ва бунга маҳаллий аҳоли томонидан кўмак бериш зарурлиги оғзаки ҳамда ёзма чақириқлар орқали тушунтириб борилган. Шунингдек, жойлардаги ОЁ комиссиялари шароитдан келиб чиқиб, қабулхона, емакхона, ажратиш-дизенфекция пунктлари ташкил қилади. Айни пайтда, очлар ўртасида маданий-маърифий тарбия масалаларига ҳам эътибор қаратиш кўзда тутилган[1]. Очларга ёрдам комиссиялари мавжуд муаммолар ечимида «Қўшчи» иттифоқини ҳам ҳамкорликда фаолият кўрсатишга чақирган.

Жойларда ташкил топган очларга ёрдам комиссиялари зудлик билан ўз фаолиятларини бошлаб, келаётган очларни

[1] ЎзР МДА, Р-39 фонд, 2- рўйхат, 58-иш, 22-варак.

қабул қилиш, уларга бошпана, озиқ-овқат махсулотларини етказиб бериш ишларига киришдилар. Амалга оширилаётган очларга ёрдам чора-тадбирларида бошбошдоқлик кўзга ташланмаслиги, ташкилий ишлар маълум бир тартибда, уюшган бўлиши учун ва албатта, аҳоли ўртасида тарғибот-ташвиқот ишларини амалга ошириш бўйича тегишли режалар тузилган. Очларга ёрдам кўрсатиш режаси қуйи ташкилотлардан тортиб юқори ташкилотларга маълум бир тизим, шарт-шароит, аҳоли таркиби, жойлардаги ижтимоий-сиёсий, иктисодий, ҳарбий-сиёсий, ҳолатлардан келиб чиққан ҳолда тузилган. Масалан, 1921 йил 31 августида Самарқанд вилояти шаҳарларида ОЁ комиссияси раиси Хисметов томонидан имзоланган режада қуйидаги вазифаларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ эканлигини кўзда тутилган:

Ташкилий масалаларда тайёргарлик

1.Районлар ва маҳаллаларда ОЁ комиссияларини тузиш.

2.Жойларда, хайрия тариқасида, очлар учун йиғиладиган озиқ - овқат ва бошқа маҳсулотлар учун омборхоналар ташкил этиш керак.

3.Хайриялар йиғини ва уларни омборхоналарга келтириш учун етарли даражада транспортлар, хусусан от арава, эшак аравалар ҳамда идишлар тайёрлаб қўйиши зарур.

4.Жойларда ОЁ фаолят кўрсатиши учун тегишли йўриқномаларни юбориш керак.

Тарғибот ишлари бўйича тайёргарлик

1.Тарғибот-ташвиқот ишларини матбуот орқали турли мурожаатлар, чақириқлар ҳамда махсус газеталар чоп этиш орқали амалга ошириш зарур.

2.Жойларда ОЁ бўйича ўтказиладиган концертлар, спектакллар, кино-сеанслар, турли сайрлар олдидан митинглар уюштириб, унда Волгабўйидаги очарчилик азобини тортаётганларга ёрдам бўйича нотиқлар чиқишини, маърузасини уюштириш керак.

3.ОЁ тарғибот-ташвиқот ишлари жойларда тегишли тадбирлар ўтказилишидан, хусусан хайрия ёрдамларини йиғиштириш ишларидан камида 3-4 кун аввал бошланиши мақсадга мувофиқ.

4.Тарғибот-ташвиқот ишларига партия ва совет ташкилотларидаги энг кўзга кўринган ходимларни жалб қилиши зарур.

Амалий йиғим

1.Самарканд ва бошқа шаҳарларда хайрия йиғими 5 сентябрда ва кечи билан 10 сентябрда бошланиб, 10 кун давом этиши керак.

2.Хайрияни йиғиш учун партия мактаблари курсантлари, ёшлар коммунистик иттифоқи (КСМ) аъзоларини ҳамда келишган ҳолда харбийларни сафарбар қилиш лозим.

3.Маҳалла бўйича уй-ҳовлиларни хайрия йиғишга сафарбар қилинган "Учлик" орқали амалга оширилиши керак.

4.Бозорлардаги хайриялар учун махсус юк машинаси ажратиш керак. Олинган ҳар бир хайрия, буюм ёки пул бўлса ҳам махсус муҳр ва имзо билан маълумотнома берилиши лозим.

5.Хайрия тариқасида йиғилган буюмларнинг ҳаммаси тегишли омборхоналарда рўйхатга олиниб, тегишли ОЁ комиссиялари томонидан муҳрлаб қўйилади.

6.Хайрия тариқасида омборхонага олиб келинган буюмларнинг аниқ номи, сифати қайд этилади. Озиқ-овқатлар оғирлигига қараб ўлчанади. Тез бузиладиган озиқ-овқатлар қалбул қилинмайди. Хайрияга йиғилган ҳайвонларни, боқиш имкониятидан келиб чиқиб қабул қилинади.

Туркистоннинг бошқа вилоятларидаги ОЁ комиссияси фаолиятини кўз олдимизга келтириш учун Фаргона вилоят ОЁ комиссиясининг иш режасига эътибор каратиш лозим:

1.Узоқ ва узлуксиз ёрдам кўрсатиш зарурлигидан келиб чиқиб, ёрдам кўрсатиш форма ва услубларини ишлаб чиқиш зарур.

2. Аҳолининг ҳамма қатламига ёрдам зарурати етказилмаса,

хайриялар миқдори кўпаймайди. Бунинг учун шаҳар ва қишлоқларда оғзаки ва ёзма тарғибот ишларини олиб бориш зарур. Мусулмон аҳолисини оммавий равишда очларга ёрдам ишига жалб қилиш керак.

3. Қишлоқларда очларга ёрдам ишлари бўйича тарғибот ишларини юргизиш учун ҳамма масъул ходимларни, хусусан озиқ-овқат ишлари билан шуғулланувчиларни жалб этиш зарур. Жойлардаги халқ орасида тарғибот ишларини олиб бориш учун масъул ходимларни 2-3 кунга аҳоли гавжум ҳудудларга сафарбар қилинсин. Сафарбар қилинганларни қўриқлашга кичик-кичик отрядлар жалб қилинсин.

4. Уюшмаган ҳолда келганларни, яъни оч-қочоқларни жойлаштириш бўйича ҳамма чоралар кўрилсин. Уезд ОЁ комис-сиялари оч-қочоқларни 5-7 кун ичида озиқ-овқат билан таъминлаши ва шу муддат ичида уларни аҳоли хонадонларига жойлаштириш кўзда тутилсин.

5. Туркистон МИҚ қарорига мувофиқ, жойлардаги раҳбарият ОЁ комиссияси ходимларини эгаллаб турган лавозимларидан озод қилмаслиги тасдиқлансин. Вилоят ва уезд ОЁ комиссияси аъзолари тегишли тарзда 14 ва 7 кишидан иборат бўлсин[1].

Ўз навбатида Туркистон МИҚ қошидаги ОЁ МК жойларда вилоят, уезд-шаҳар, туман, волост миқёсида тегишли тарзда очларга ёрдам комиссияларини тузади. Туркистон ОЁ МК нинг нафақат вилоят, уезд-шаҳар, волостларда тегишли ОЁ комиссиялари, балки ҳарбий қисмларда, хусусан ҳарбий фронт

[1] ЎзР МДА, Р-17 фонд, 1- рўйхат, 927- иш, 19- варак.

қошида ҳам ОЁ комиссиялари фаолият юритган. Ҳарбий қўшинлар ҳузуридаги ОЁ комиссияси зиммасига яна Туркистон ОЁ МК топшириғи асосида ғаллаларни уезд-шаҳар, вилоятлардаги ОЁ комиссияси ихтиёрига юбориш ишларини амалга оширишни ҳам юклатилган. Масалан, Туркистон ОЁ МК топшириғига биноан 1921 йил 13 декабрида 7 вагон ғаллани Черняевга юбориш учун вагонга юклаш ҳарбий қўшинлар ОЁ комиссияси зиммасига юклатилган[1].

Туркистон МИҚ қошидаги ОЁ МК ва унинг жойлардаги маҳаллий комиссиялари аҳоли зич яшайдиган ҳудудларда, чойхона, гузар, бозорларда Волгабўйи, Уралолди ҳудудларидаги очарчилик натижасида болалар, аёллар, кексалар жуда қийин аҳволга тушиб қолгани, озиқ-овқат етишмаслиги туфайли одамлар илдизпоя, дарахт пўстлокларини, қипиқ, кунжара ейишга мажбур бўлаётгани тўғрисида гапириб, меҳр-шафқат туйғуларини уйғотишга, хайрия уюштириш ишларига бош-қош бўлди. Комиссия томонидан жойларда ана шундай тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бориш ҳамда озиқ-овқат, кийим-кечак хайрияларини йиғиш учун дастлабки кунларданоқ махсус 700 га яқин киши ажратилди. Улар тарғибот-ташвиқот ишларини аҳоли яшайдиган қишлоқ ва шаҳарлардан ташқари темир йўл станцияларида, алоҳида стол ташкил қилиш ва ҳаракатдаги тарғибот-ташвиқот пунктларини очиш билан ҳам амалга оширишди. Шунингдек, жойларда инсонийлик, хайрихоҳликка, меҳр-мурувватга бағишланган митинглар уюштириш, варақалар, чақириқлар, плакатлар, рўзномалар тарқатиш ишлари билан ҳам шуғулландилар[2].

Туркистон МИҚ қошидаги ОЁ МК ва унинг жойлардаги комиссиялари олиб борган тарғибот-ташвиқот ишлари

---

[1] ЎзР МДА, Р-22 фонд, 1- рўйхат, 8- ин, 28-28 варақ оркаси.

[2] ЎзР ПДА, 60- фонд, 1- рўйхат, 1646- ин, 2-варақ ва оркаси.

натижасини кутишга кўп вакт кетмади. Туркистон аҳолиси Волгабўйи, Уралолди ҳудудларидаги очарчиликка гирифтор бўлганларга мумкин кадар ёрдам беришга хайрихоҳ бўлдилар. ОЁ комиссияси 1921 йил 31 июлда Еттисув вилоятидан 24 вагондан иборат дастлабки маршрут поездини. 1 августда яна 25 вагонни жўнатди. Умуман олганда, 1921 йил август ойида Оренбург, Самара, Қозон, Уфа ва бошка очарчилик губерняларидаги очлик азобини тортаётган аҳолига ёрдам тариқасида 5 минг пуд галла юборилган[1]. 1921 йил 7 августдан 1 сентябргача фақатгина Полторацк (ҳозирги Ашхабод) шаҳридан 5400 пуд галла, 2010 қўй, 20 млн. рубль пулни очарчиликка мубтало бўлганларга ёрдам сифатида йиғишга эришдилар. Кушкада эса шу муносабат билан очлар учун 1 млн. 281064 рубль, 107 пуд галла, 24 бош қўй йигилган эди[2].

Туркистон МИҚ кошидаги ОЁ МК ўзига берилган катта ваколатдан келиб чиқиб, республикада ўтказилаётган ҳар бир йиғилиш, анжуман, қурултойлар ўзларининг кун тартибига Россия очларига ёрдам масаласини қўйишини ва очарчилик губерняларидаги аҳволни муҳокамасидан кейин тегишли қарорлар қабул қилиш зарурлигини талаб қиларди. Масалан, Самарқанд вилояти VI партия анжуманида Левитас очарчилик азобини тортаётганлар аҳволи ҳақида гапириб, Туркистон республикаси энг қийин дамларда[3] ҳозирги очарчилик азобини тортаётган Россиянинг марказий губерняларидан 100 вагон галла олганини писанда қилиб, "уларга ёрдам бериш бурчимиз" деб вилоят аҳолисини хайрихоҳликка чақирди. Самарқанд вилоят ОЁ комиссиясининг ташаббуси билан вилоятдаги ҳар бир раҳбар ходим ўз иш ҳақининг 5 фоизини Россияда

---

[1] Тарих шоҳидлиги ва сабоклари... Б- 253; ЎзР ПДА. 60- фонд. 1- рўйхат, 1646-иш. 1-варақ.

[2] ЎзР ПДА. 60- фонд. 1-рўйхат. 1452-иш. 19. 23- вараклар: ААП Рес.Туркм.: ф.4. оп.1, д. 166, л.л. 52-53.

[3] 1917-1919 йиллардаги очарчиликни назарда тутилган. – *муаллифлар.*

очарчилик бартараф бўлгунга қадар ўтказиб боришга қарор қилди[1]. Айни пайтда Туркистон республикаси тўқимачилари касаба уюшма аъзоларининг курултойи очлар ҳисобига 5 минг аршин[2] газлама ва ҳар бир касаба уюшма аъзосининг 5 кунлик иш ҳақини хайрия қилишга қарор қилди[3].

Туркистон МИҚ қошидаги ОЁ МК фаолияти таҳлили шуни кўрсатадики, ушбу комиссия фаолияти жойлардаги волост, уезд, шаҳар, вилоят миқёсидаги ОЁ комиссиялари билан узвий алоқада бўлган. Жойлардаги ОЁ комиссиялари ўз фаолиятлари давомида марказий комиссия кўрсатма топшириқларини бажариш билан бирга маҳаллий шарт-шароитдан келиб чиқиб ҳам Россия очларига ёрдам кўрсатиш бўйича чора-тадбирларни амалга оширишган. Чунки фақатгина Туркистон МИҚ қошидаги ОЁ МК фаолиятига таяниб иш кўриш ўз натижасига эга бўла олмасди. Бошқачароқ ифодалаганда, Туркистон МИҚ қошидаги ОЁ МК зиммасида турган вазифалар анча-мунча бўлиб, уларни бажариш учун вилоятлардаги ОЁ комиссиялари ҳам тинимсиз ишлашига тўғри келган. Шу ўринда Туркистон МИҚ қошидаги ОЁ МКнинг Фарғона вилоятидаги ОЁ комиссияси фаолияти эътиборга лойиқ. Вилоят ОЁ комиссияси ўз фаолиятини расман 1921 йил 26 июлида Криворучкин раҳбарлигида бошлаган эди. Ушбу комиссия ўзининг дастлабки фаолиятиданоқ Волгабўйи, Уралолди ҳудудлари очларига ёрдам уюштириш учун спектакллар қўйиш, маҳаллама-маҳалла, қишлоқма-қишлоқ айланиб юриб хайрия йиғиш, гуллар сотиш ва ундан тушган фойдага озиқ-овқат харид қилиш билан шуғулланган. Аммо бундай тадбирлар 1921 йил 10 августигача давом этган холос.

---

[1] Архив ЦПИ КП РТ. ф. 5337. оп. 1. д. 187. л. 19.

[2] Аршин - қадимги узунлик ўлчов бирлиги бўлиб, ўртача қиймати манбаларда 71,12 см. деб олинган. Туркистонда тахминан 1 метрга тенг хонаршин ҳам қўлланилган. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 1 жилд. - Т.: 2000. - Б. 440.

[3] Пролетарий (Самарканд). 24, 31 июля 1921 г.

Кейинчалик очларга ёрдам хайриясига озиқ-овқат маҳсулотларини йиғиш ҳам қўшилди. Фарғона вилоят ОЁ комиссияси аҳоли зич бўлиб яшайдиган жойларга ўз тарғиботчиларини йўллаб, Россиянинг марказий губерняларидаги очарчилик даҳшати тўғрисида тушунтириш ишларини олиб бордилар. Ҳайит муносабати билан 1921 йил 14 августидан масжидларда, маҳаллий аҳоли зич бўлиб яшайдиган жойларда, Татаристон, Бошқирдистон ва бошқа ҳудудларда очарчиликдан болалар, аёллар, кексалар оммавий тарзда касалликка чалинаётгани ва шу муносабат билан ўлим даражаси кўпайгани тўғрисида тушунтириш ишлари олиб борилди. Тарғиботчилар ўша очлик азобини тортаётганлар орасида татар ва бошқирд каби мусулмонлар ҳам кўплигини уқтириб, дини, тили бир бўлган халқларга ёрдам бериш ҳар бир мусулмоннинг бурчи эканлигини эслатиб ўтганлар. Шу уч кун давомида айрим тарғиботчилар автомобилларда, бошқалари эса «қизил аравалар»да ёрдамга чақирилган турли плакатларни осиб, маҳаллама-маҳалла, қишлоқма-қишлоқ юриб очларга хайрия йиққанлар. Аммо йиғилган хайрия миқдори вилоят ОЁ комиссияси кутганидан кўра камроқ чиққан. Туркистон МИҚ қошидаги ОЁ МК эса хайрия миқдорини янада кўпроқ бўлишини талаб қиларди. Шундан кейин вилоят ОЁ комиссияси яна бир кун, яъни 18 августда ҳам маҳаллий аҳолидан озиқ-овқат хайрияси йиғишга тушган. Ушбу тадбирлар поёнига етмай Фаргона (Скобелев)даги Александр боғида уч кунлик катта халқ сайили ўтказилган. Бу сайилда кўчма муваққат кинематография ўрнатилган ва шунингдек, ўша жойда мева бозори ҳам ташкил қилинган. Ушбу мева бозоридаги ҳар бир сотувчи учун ажратилган жой катта-кичиклигидан келиб чиқиб, 1000 рублдан 3000 рублгача сотилган. Шунингдек, сайилдаги чойхоначи, ошпаз, новвойлар тегишли тарзда битта тушлик учун 200 рубль, бир чойнак чой

учун 100 рубль, битта оби нон учун 100 рублни Волгабўйи очларига ёрдам солиги тарикасида тўлаганлар. Кинога кираётганларнинг ҳар бирини билетидан ҳам 100 рубллик очларга ёрдам солиғи олинган. Ушбу компания асли «икки ҳафталик ёрдам» деб эълон қилинган бўлса-да, амалда бу жараён бир ойдан ортиқ давом этган[1].

Фарғона вилояти ОЁ комиссияси ўз фаолияти қамровини доимо кенгайтириб борган. Жойларда уюштириладиган «ёрдам ҳафталик»лари, хайрия тадбирлари натижасида йиғилган маблағ, озиқ-овқат, кийим-кечак ва бошқа маҳсулотлар Волгабўйи, Уралолди очлари ихтиёрига топшириларди. Очларга ёрдам тадбирлари бир-бирига уланиб, ҳафталаб, ойлаб давом этар эди. Бунга сабаб қилиб бир неча омилларни келтириш мумкин. **Биринчидан**, ОЁ комиссиялари ўз фаолиятини мумкин қадар кенгроқ ҳудудларни қамраган ҳолда олиб боришни хоҳлаган. **Иккинчидан**, аҳоли ўртасида кўпроқ тарғибот ва ташвиқот ишларини олиб бориб, мумкин қадар кўпроқ маблағ ва озиқ-овқат маҳсулотларини йиғишга ҳаракат қилган. **Учинчидан**, маҳаллий аҳолининг ўзи ҳам эндигина очарчилик азобидан қутула бошлаган бўлиб, хайрия тадбирларига бор-будини беришга шошилмаган. **Тўртинчидан**, Туркистон МИҚ қошидаги ОЁ МК хайрия ёки «ёрдам ҳафталик»ларидан озиқ-овқат, маблағ миқдорини янада кўпайтиришни талаб қилгани ҳам эди. Масалан, Фарғона вилоят ОЁ комиссияси 1921 йил 26 августига қадар кечиккан хайрияларни қабул қилишни хоҳлагани ҳолда, Туркистон МИҚ ОЁ МК раҳбарияти хайрия тадбирини 10 сентябргача давом эттириш зарурлиги тўғрисида кўрсатма олади. Чунки Туркистон МИҚ ОЁ МК қисқа муддат давомида амалга оширилган хайрия тадбирлари натижасида маълум бир

[1] ЎзР МДА, Р-17 фонд, 1- рўйхат, 927- иш, 2- варак.

тажрибасизлик туфайли йиғилган маблағлар, озиқ-овқат маҳсулотларини етарли деб топилмаган дейиш билан Фарғона вилоят ОЁ комиссияси фаолияти давомида аҳоли «озиқ-овқат хайриясини қила олмаган, чунки уларнинг ўзи Волгабўйи [очлари] ҳолатида эдилар ва шунинг учун ҳам очларга ёрдам беришни бошқа йўлларини қўллаш мақсадга мувофиқ» деб таъкидлайди[1].

Туркистон МИҚ қошидаги ОЁ МК кўрсатмасидан кейин Фарғона вилоят ОЁ комиссияси ўз фаолияти турларини кўпайтирди. Хусусан, комиссия томонидан очларга ёрдам таргиботи ва хайрия йиғиш учун кино қўйиб бериш уюштирилди ва бундан ташқари «очарчилик азобини тортаётган фақир образини артист томонидан ижро эттирилиб, ҳар хил Америка аукционлари ҳам уюштирилди. Бундай тадбирлар илгарига нисбатан яхши натижа бериб, иккинчи марта кино ва театр билетларига солиқ қўйилди. Шу қисқа вақт ичида Фарғонада очларга ёрдам вилоят комиссияси аъзолари ва раиси ҳам алмашиб турган. Бу эса маълум бир тажрибасизликка, тадбирлар ўтказишдаги бошбошдоқлика олиб келган. Ҳатто йиғилган хайрия йиғимлари тўғрисидаги маълумотлар ҳам ўлда-жўлда, йўл-йўлакай тузилиб, бу охир-оқибатда тушум ва харажатни тўла назоратда бўлишига йўл қўймаган. Натижада вилоят ижроия қўмитаси томонидан очларга ёрдам бериш бўйича иккинчи бир комиссияни тузган. Энди иккинчи ОЁ комиссияси Волгабўйидан келаётганларни қабул қилиш ва уларга бошпана, озиқ-овқат етказиш ишлари билан шуғулланиши керак бўлган ҳолда, биринчи комиссия очлар учун хайрия йиғиш тадбирлари билан машғул бўлиши лозим эди. Аммо иккинчи ОЁ вилоят комиссияси амалда ўз фаолиятини тўлақонли олиб бора олмади. Натижада Волгабўйидан келтирилган ва айниқса оч-қочоқ тариқасида

[1] ЎзР МДА, Р-17 фонд, 1-рўйхат, 926- иш, 53-варак.

келиб қолганларнинг маълум бир қисми шаҳар бўйлаб дайдиб юрар, ўзи келган жойларни ўзларига «бошпана» қилиб олардилар. Фарғона вилоят ОЁ комиссиясига янги тайинланган Воронов 1921 йил 10 сентябрида Волгабўйи очларига ёрдам комиссиясини иккита бўлиши мақсадга мувофиқ эмас деб топиб, уларни бирлаштирди. Келаётган очлар оқими ва улар билан боғлиқ муаммолар охир-оқибатда Вороновни эгаллаб турган лавозимидан кетишига ва бу лавозимга Мухинни тайинланишига олиб келди[1]. Эътироф этиш жоизки, Мухин Волгабўйи очларига ёрдам кўрсатишда анча-мунча жонбозлик кўрсатган. Хусусан, келаётган очларни маълум бир рўйхатдан ўтказиш, уларни шаҳар ва қишлоқларда дайдиб юришларига, бошпанасиз, оч-яланғоч сангишларига йўл қўймаслик учун қуйидаги ишларни амалга оширган:

- вилоят ОЁ комиссияси ишчи-ходимлар аппаратини тузган;

- келаётган очларни темир йўл вокзалидаёқ рўйхатга олиш тартибини жорий қилган;

- темир йўл вокзалида келаётган очларни қабул қилиш, жўнатиш, ажратиш пунктларини тузган;

- темир йўл вокзалида алоҳида вагон ажратиб, унда келаётганлардан соғини, касалини, ишга яроқли-яроқли эмаслигини ажратиб, тегишли жойларга тақсимотини уюштирган;

- келаётган очлар учун бозорда хайрия йиғими уюштириб, 160 хил турли буюмлар йигишга, 200 минг рубл жамғаришга эришган;

- тарғиботчилар орқали касаба уюшмалари аъзоларидан маълум бир маблағни очларга хайрия қилишни жорий этган;

---

[1] 1922 йил 1 мартидан Фарғона вилоят ОЁ комиссияси раислигига А.Қодиров тайинланди. У айни пайтда Фарғона вилоят социал таъминот мудири лавозимида ҳам ишларди.

- касаба уюшма аъзолари «очарчиликка қарши кураш»га бағишланган йиғилишга сабабсиз қатнашмасалар, улардан жарима ундиришни йўлга қўйган;

- ўтган давр мобайнида очларга ёрдам учун икки марта шанбалик ўтказилиб, биринчи шанбаликда 300 киши, иккинчи шанбаликда 1307 киши қатнашган;

- маҳаллаларда ҳам очларга ёрдам комиссиялари тузилиб, улар ҳам хайрия йиғимларини олиб борган[1].

Ўтказилаётган тадбирларга қарамасдан, очларга ёрдам миқёси етарли даражада эмасди. Чунки очарчилик губерниялардан Туркистонга келаётганлар сони кундан-кунга ортиб борарди. Шу сабабдан Фарғона вилояти ОЁ комиссияси 1921 йил октябрь ойида Волгабўйи, Уралолди ҳудудларидан келаётган очларга ғамхўрлик тадбирларини амалга ошириш мақсадида махсус қурултой ўтказди. Қурултой қатнашчилари очларга ёрдам бериш тадбирларида бутун Фарғона вилояти аҳли фаол қатнашиши зарурлигини таъкидлади. Қабул қилинган мурожаатномада «...очарчилик туфайли оналар болаларини, фарзандлар ўз ота-оналарини ташлаб очлик азобидан қутулиш учун [турли жойларга] кетиб қоляптилар. Одамлар кирилиб кетяпти, бир бурда нон топиш учун ҳар хил жиноятлар кўпайиб, ўлдириш, ўғриликдан ҳам қайтмаяптилар. Бу фалокат миллионлаб ишчи-деҳқонларни қамраб олди... Ҳозирги оналар ва болалар кўз ёши Сизнинг юрагингизни зиркиратмайди... Фуқаролар, [Фарғона вилоят] очларга ёрдам комиссияси атрофига бирлашиб, хайрия йиғинглар»[2], дейилган эди.

Албатта, аҳоли ўртасида Волгабўйи, Уралолди очларига хайрия қилиш бўйича Фарғона вилоят ОЁ комиссияси томонидан олиб борилган тарғибот-ташвиқот ўз натижасини

---

[1] ЎзР МДА. Р-17 фонд, 1-рўйхат, 926-иш, 53-варақ.

[2] ЎзР МДА. Р-17 фонд, 1-рўйхат, 926-иш, 53-варақ.

берган. Фарғона вилоятида ОЁ комиссияси фаолиятига маҳаллий аҳоли хайрихоҳлик билан қараган. Бунга мисоллар келтириш мумкин. Масалан, 1922 йил 18 июлдаги далолатномага мувофиқ, Фарғона вилоят ОЁ комиссияси ўз ихтиёридаги, аҳоли томонидан хайрия қилинган, қуйидаги товарлар Волгабўйи, Уралолди очлари фойдасига озиқ-овқат харид қилиш учун сотувга қўйилган:

1. 9 та мис самовор.
2. 2 та мис бет-қўл ювгич.
3. 16 та мис қумғон.
4. 14 та мис патнис.
5. 7 та мис тоғора.
6. 3 та мис шамдон.
7. 1 та мис тарок ва бошқалар.

Ҳаммаси бўлиб мис буюмлар 0,7 пудни ташкил қилиб, хар фунти 70 минг рублдан бўлса, 19 млн. 600 минг рублни ташкил қилади.

8. Пахта 36 пуд 0,6 фунт – 200 минг рублдан бўлиб, 7 млн. 230 минг рублни ташкил қилади.
9. Шойи рўмол (янги) - 6 дона 300 минг рублдан бўлиб, 1 млн. 800 минг рублни ташкил қилади.
10. Шойи материаллар – 21 аршин 5 верст бўлиб, 3 млн. рублни ташкил қилади.
11. Шойи аёллар кўйлаги (янги) 2 та хар бири 2 млн. 500 минг рублдан бўлиб, 5 млн. рублни ташкил қилади.
12. Турли материаллардан бош рўмол 7 дона бўлиб, 300 минг рублни ташкил қилади.
13. Шойи иплар (қайта ишланмаган) – 8 ўрам, 01 фунт – 100 минг рублни ташкил қилади.
14. Сартлар кўйлаги (янги) – 6 дона хар бири 300 минг рублдан

бўлиб 1 млн. 800 минг рублни ташкил қилади.

15. 3 – навли папирос – 4841 дона бўлиб, 4 млн. 841 минг рублни ташкил қилади.
16. Ёғоч ручкали қилка – 35 дона, ҳар бири 5 минг рублдан бўлиб, 175 минг рублни ташкил қилади.
17. Темир қошиқлар - 44 дона 5 минг рублдан бўлиб, 220 минг рублни ташкил этади.
18. Маҳаллий ишлаб чиқаришга оид турли мануфактура 21 аршин бўлиб, 1 ва 1,5 аршиндан лахтак бўлиб, умумий миқдорда 500 минг рубликни ташкил этган[1].

Туркистон МИҚ қошидаги ОЁ МКнинг жойлардаги очларга ёрдам комиссиялари кундан-кунга ўз фаолиятларини жонлантириш, кўпроқ тадбирлар ўтказиш билан банд эди. Наманган уезд-шаҳар ОЁ комиссияси ҳам ўзининг фаолиятини 1921 йил август ойининг бошларида бошлаган. Комиссия аъзолари дастлабки пайтларда очларга ёрдам бериш учун Эски ва Янги шаҳарларда спектакллар, концертлар, сайиллар ҳамда маҳаллама-маҳалла юриб хайриялар уюштириш билан шуғулланишган. 1921 йил 18 октябргача ўтказилган «ҳафталик» тадбирлари натижасида Наманган шаҳридаги аҳолидан 10 млн. рубль, 140 пуд буғдой ва ун, 9 пуд асал, 19 пуд туз, 114 бўлак совун, 11 та чопон, чой ва бошқа нарсалар очларга ёрдам тариқасида йиғиб олинган. 1921 йил 18 октябридан кейинги «ёрдам ҳафталиги» натижасида 8 млн. рубль, 7 та тўшак, 11 та калиш, 2 жуфт болалар этиги, 20 пуд ғалла, 4 та олтин узук, 3 та кумуш узук, бир жуфт олтин балдоқ, 1 та кумуш туздон, 1 та папирос учун кумуш муштук хайрия тарзда йиғилган. Бундан ташқари очлар ҳисобига уюштирилган шанбалик натижасида 4 млн. 698 минг рубль йиғилган[2].

---

[1] ЎзР МДА. Р-17 фонд. 1-рўйхат. 747-иш. 1-варак.

[2] ЎзР МДА. Р-17 фонд. 1-рўйхат. 927-иш. 56-варак.

Очларга ёрдам кўрсатиш бўйича Андижон уезд-шаҳар комиссияси берган ҳисоботга кўра, 1921 йил 11 сентябрдан 31 октябргача комиссия аъзолари аҳоли яшаётган жойларни айланиб юриб, қуйидаги ишларни амалга оширган:

- Волгабўйидан келаётганларни қабул қилиш пункти жорий этилиб, оч болаларни жойлаштириш учун 150 ўринли интернат таъмирланган;

- Андижон шаҳридаги турли ташкилотлар, корхоналар, аҳолидан Волгабўйи очлари учун иш ҳақи ва хайриялар уюштирилган. Натижада 8 млн. 526 минг 233 рублни хайрия тариқасида йиғиштирилган бўлиб, ундан 1 млн. 148115 рублни Қўргонтепа ОЁ комиссияси томонидан берилган;

- 2 та эркаклар кўйлаги, 3 та эркаклар иштони, 2 та мусулмонлар чопони, 2 та дўппи, 3 та пиджак, 130 фунт сариқ совун, 1 та кумуш узук, 15 тийинлик кумуш тангалардан иборат 1 та браслет, 2 та нимча, 1 та аскарларнинг оқ кўйлаги, 3 та эркаклар бош кийими (фуражка), исми шарифининг бош ҳарфи, яъни Х.М. деб ёзилган 1 та аёллар олтин узуги вилоят ОЁ комиссияси йўриқчиси Воҳитовга топширилган;

- уезд-шаҳар ОЁ комиссияси омборхонасида қуйидагилар сақланган: 2 та лампа, 5 та кўй юнгини қиркадиган қайчи, 139 та мусулмонлар кўл ўроғи, 27 та мусулмон граммафон пластинкаси, 4 жуфт ёғочдан этик қолипи, 16 дюжинли эгар-жабдукни безайдиган тугмалар, 5 та тунука шишали чирок, 11 та саррож (эгар-жабдук устаси) бигизи, 5 каробка Олленолиум бўёғи, 20 жуфт илмокли ошик-мошик, 10 жуфт темир паншаха, битта арава учун занжирли ғалла янчгич, битта майда маржон, 6 та тўким тагига солинадиган намат, битта ойболта, 14 та сартлар гасмаси - қоринбоғи, 17 та темир печка учун сурма қопқоқ, 4 жуфт сартлар эгарига тўшаладиган таглик, битта ўрилган қамчи, битта сартлар тўрва – халтаси, 2 та арқонли нўхта, 19 та сартларнинг улайдигани;

- шаҳарнинг ерли аҳоли яшайдиган қисмидан 65 парча бўйра, 2 жуфт чойшаб, 7 та кичик хажмдаги тўн, 3 дона енги йўқ халат, 4 дона пахтали тўшак, 2 та эркаклар дўпписи, битта сочик, 10 та рўмол, битта дастрўмол, 2 та мусулмон белбоғи, 8 та турли хажмдаги шойи рўмоллар, 3,5 аршин шойи, 5 аршин шойили мато, 6 калава қайта ишланмаган ипак ип, 73 калава оддий ип, бир тўп газлама, битта ипак рўмол, битта оддий рўмол, 12 аршин газлама;

- шаҳарнинг русийзабонлар яшайдиган қисмидан битта пўлат сандик, 3 та кумуш чой қошиғи, 5 та ликёр (ўткир ширин спиртли ичимлик) ичиладиган рюмка, 5 та кумуш узук, битта Туркистон кўриниши акс эттирилган мойбўёк билан ишланган картина;

- фақатгина Бешбош заводи ишчи ходимларидангина 1 пуд галла келиб тушган[1].

Волгабўйи, Уралолди ҳудудларидаги очарчиликни бартам тартиришда Марғилон уезд ОЁ комиссиясининг ҳам ҳиссаси катта бўлган. Марғилон уезд ОЁ комиссияси 1921 йил 2 августида ташкил топган бўлиб, ушбу комиссияга Обиджонов, Корнев, Широковлар аъзо эди. Ушбу комиссия саъй-ҳаракати билан Волгабўйи, Уралолди халқларига «ёрдам икки ҳафталиги» уюштирилди. «Икки ҳафталик ёрдам» тадбири давомида ҳамма касаба уюшма ташкилотларида, деҳқонлар орасида тарғибот-ташвиқот ишлари амалга оширилди. Очлар фойдасига пул ҳақидан ўтказиш, спектакл ва концертлар уюштириш амалга оширилди. 1921 йил 9 августидан Марғилон уезд ОЁ комиссияси томонидан Волгабўйи, Уралолди очларига хайрия йиғиш ишларини жадаллаштириб юборди. Хусусан, ҳунармандлар, деҳқонлар, касаба уюшма аъзолари, тўқувчилар ўртасида Волгабўйи, Уралолди очларига ёрдам уюштириш билан боғлиқ тарғибот-ташвиқот ишлари олиб борилди, аммо

[1] ЎзР МДА, Р-17 фонд, 1-рўйхат, 926- иш, 55- варақ оркаси; 927- иш, 54- варақ.

таргибот-ташвиқот ишлари ҳунармандлар, айниқса тўқувчилар ўртасида маълум қийинчиликларга учради. Чунки, **биринчидан**, тўқувчиларнинг аниқ ҳисоб-китоби йўқ бўлса, **иккинчидан**, улар шаҳар чеккаларига тарқаб кетганлиги, **учинчидан**, ҳунармандларнинг бир қисмини дала ишларига кетиб қолганлиги эди[1].

Аммо шунга қарамасдан, 1921 йил августида Маргилонда ўтказилган «Икки ҳафталик ёрдам»да Волгабўйи, Уралолди очлари учун қуйидаги миқдорда ёрдам уюштирилди:

1. Тўқувчилар иттифоқининг умум мажлисидаги қарорига мувофиқ:

а) шойи атлас – 31 тўп

б) шойи материал – 28 тўп

в) ярим шойи материал -52 тўп

г) беқасам материал – 14 тўп

д) шойи рўмол - 51 тўп

е) шойи чошаб – 3 та

2. Пиллакашлик иттифоқи умум мажлиси қарорига кўра:

23 пуд шойи .

3. Терикашлар иттифоқи томонидан:

а) тикиш учун тери – 5 дона;

б) эчки териси – 5 дона;

в) қўй териси – 10 дона.

4. Этикдўзлар иттифоқи томонидан:

89 жуфт турли оёқ кийимлар.

5. Совун қайнатувчилар томонидан:

ўзлари ишлаб чиқарган совундан 1 пуд 28 фунт.

6. Деҳқонлар иттифоқи 5 пуд ғалла;

7. Қассоблар иттифоқи томонидан 1 та буқа, 1та қўй;

---

[1] ЎзР МДА, Р-17 фонд, 1- рўйхат, 927 - иш, 55 - варак.

8. Темирчилар, дурадгорлар, тош йўнувчилар, новвойлар, ошхона ходимларининг ҳафталик иш ҳақлардан – 58712 рубль;
9. Сиёсий бюро ходимларидан ўз қарорларига мувофиқ 6 пуд 30 фунт ун.
10. Уезд – шаҳар милицияси – 51780 рубль.

Марғилон уезд-шаҳар ОЁ комиссияси ташкил топганидан 1922 йил бошларига қадар юритган фаолияти давомида ҳунарманд, ишчи-ходимлардан 31 млн. 145678 рубль Волгабўйи очлари ҳисобига хайрия қилинган. Бундан ташқари «ёрдам ҳафталиги»да йиғилган буюмлар Фарғона вилоят ОЁ комиссияси ихтиёрига юборилган. Аммо йиғилган буюмларнинг маълум бир қисмини, ўз ҳажми ва ҳолатига кўра, юбориш имконияти йўқлиги сабабли, вилоят ОЁ комиссияси ижозати билан сотилган ва бу 1 млн. 780600 рублни ташкил қилган[1]. Хўжанд уезди ОЁ комиссияси раиси Зокиров Волгабўйи, Ураолди очлари учун уездда 20 млн. рубль ва 1200 пуд озиқ-овқат маҳсулотлари хайрия тариқасида йиғилгани тўғрисида ҳисобот берган[2].

Албатта, очларга деб хайрия қилинган товарлар ва пуллар тегишли ОЁ комиссиялари ихтиёрига топширилган. Ўз навбатида хайрия тариқасида йиғилган оёқ ва бош кийимлар, кўйлак ва чопонлар, қўйинчи очлар учун зарур бўлган барча нарсалар Волгабўйи, Уралолди ҳудудларидан келтирилганлар орасида тарқатилган бўлса, қолган буюмлар, яъни очларга зарур бўлмаганлари ОЁ комиссияси вакиллари орқали бозорларда қайтадан маҳаллий аҳолининг ўзига сотилган ёки озиқ-овқат маҳсулотларига алмаштирилган. Натижада сотувдан тушган ва хайрия тариқасида йиғилган пуллар жамланиб, бу пулларга Туркистон МИҚ қошидаги ОЁ МК рухсати билан очлар учун озиқ-овқат маҳсулотлари харид қилинган. Ўз

---

[1] ЎзР МДА. Р-17 фонд. 1- рўйхат. 927- иш. 55- варақ.
[2] ЎзР МДА. Р-17 фонд. 1- рўйхат. 927- иш. 61- варақ.

навбатида бу озиқ-овқатлардан Волгабўйи, Уралолди ҳудудларида очарчилик азобини тортаётганларга ҳам жўнатилган.

Туркман вилояти ОЁ комиссияси ҳам 1921 йил июл ойи охирларида ташкил топган эди. Аммо вилоят ОЁ комиссияси ўз фаолиятининг дастлабки пайтларида ташкилий жиҳатдан уюшмаган ҳолда иш бошлаган. Айниқса бу вилоят ОЁ комиссиясининг оч-қочоқларга эвакуация тариқасида келтирилаётганларни санитар ҳолати, келаётган очлардан касалларини алоҳида сақлаш масалаларида яққол кўзга ташланган. Келаётган очларни тақдир тақозосига ташлаб қўйиш мумкин эмас эди. Шунинг учун ҳам Туркистон МИҚ қошидаги ОЁ МКнинг Туркман вилояти ОЁ комиссиясига берган кўмаги натижасида очларга ёрдам қўлами 1921 йил август-сентябридан жонланиб кетди[1]. Берилган кўрсатма ва амалий ёрдам натижасида Туркман вилояти ОЁ комиссияси ҳам Волгабўйи, Уралолди ҳудудлари очларига ёрдам уюштириш тадбирларини 1921 йил августидан ҳаётга тадбиқ эта бошлаган. Масалан, ўтказиладиган «ёрдам ҳафталиклари»да вилоят ОЁ комиссияси зиммасига қуйидагилар юклатилган:

- вилоятда қўйилаётган ҳар бир концерт тушумидан очларга ёрдам учун ажратиш;

- чоршанба ва жума кунларидаги цирк томошасидан тушадиган маблағлар тўлалигича ОЁ комиссияси ихтиёрига топшириш;

- ҳафталик давомида икки марта очларга ёрдам хайрия шанбаликлари ўтказиш;

- ҳар бир спектакл, кино намойишидан аввал тарғиботчилар, цирк масхарабозлари очарчилик мавзусига тўхталсинлар;

---

[1] ААП Рес.Туркм., ф. Р- 94, оп. 1, д. 14, л.10.

- ҳафталикнинг бешинчи ва олтинчи кунлари уйма-уй юриб хайрия йиғилсин ва бу тадбирда ОЁ комиссиясидан ташқари аёллар бўлими, ёшлар иттифоқидан ҳам қатнашсинлар;

- ҳафталикнинг еттинчи куни бутун шаҳар бўйлаб хайрия йиғилсин:

- ҳафталикни ўтказишга Павлов, Ершов, Меликовлар масъул бўлсин[1].

Волгабўйи, Уралолди ҳудудларидаги очарчилик қамрови кенгайган сари ОЁ комиссияси фақатгина хайрия тадбирининг ўзи талаб даражасидаги ёрдам кўламини қоплай олмаслигига кўзи етиб, сўзда «ихтиёрий»-амалда мажбурий тарзда очлар ҳисобига ҳар қандай йўл билан маблағ, озиқ-овқат ундириш тадбирларини қўллай бошладилар. Масалан, Туркман вилоят ОЁ комиссияси томонидан Волгабўйи, Уралолди ҳудудлари очлари учун 1921 йил 7 октябридан жорий этилган «икки ҳафталик ёрдам» тадбирини келтиришимиз мумкин. Чунончи ушбу тадбирда қуйидагиларни амалга ошириш кўзда тутилган эди:

- икки ҳафталик ёрдам муносабати билан ҳар бир дўконча 45 минг рубль, артел эса 25 минг рубллик солиққа тортилади;

- ҳар бир хонадон эгаси 15 минг рубль, ижарага турганлар 7500 рубллик ёрдам пули тўлайди;

- яшаш жойи томонидан ҳар бир хона учун ордер берилганда 500 рубль очларга ёрдам тариқасида ушланади;

- ҳар бир енгил арава файтончиси (извошчи) 20 минг рубль, аравакаш эса 10 минг рубллик ёрдам пули тўлайди;

- аҳолидан қарамоғидаги ҳар бир мол учун 5000 рубль очларга ёрдам тариқасида ундирилади;

- хонадонидаги ҳар бир электр лампа учун 3000 рубль, сув-оқава учун эса 2000 рубль ёрдам пули тариқасида ундирилади;

---

[1] ААП Рес. Туркм. ф. Р- 94. оп. 1. д. 112. л. 8.

- йўлда юрганлиги учун ҳар бир кишидан 15 минг рубль очларга ёрдам тариқасида ундирилади[1].

Бу ҳам етмагандек, Туркман вилояти ОЁ комиссияси ва ижроия қўмитаси қарорига кўра, шаҳарда озиқ-овқат, савдо-сотиқ билан шуғулланаётган хусусий савдогарлардан ўз маҳсулотини тарозиларда сотгани учун ҳар бир пуд ғалла ва ун маҳсулотидан икки фунтдан, шунингдек, тегирмонларда янчилган ҳар пуд буғдойнинг 1 фунтини ҳам очларга ёрдам тариқасида ундирилган[2]. Туркман вилояти ОЁ комиссияси 1921 йил 14 сентябридаги мажлисида вилоят миқёсида Волгабўйи, Уралолди ҳудудлари очларига ёрдам кўрсатиш чора-тадбирларини кўриб чиқди. Чунончи, ушбу вазифадан келиб чиқиб, ҳар бирининг нархи 5000 рублдан 30 мингта лотерея тайёрлаш ва шундан 10 млн. рублни ютукка ажратиш зарурлиги таъкидланди. Қолган фойдадан очларга ёрдам тариқасида фойдаланиш кўзда тутилган[3]. Шунингдек, Волгабўйи очларига ёрдам бериш учун Туркман вилояти «Овчилар иттифоқи» овдан тушган ҳамма ўлжани хайрия учун махсус ов уюштиришга қарор қилган. Ўз навбатида овчилар ўз ўлжаларини вилоят ХТБга топшириб, эвазига вилоят озиқ-овқат қўмитасидан майда шохли ҳайвон гўштидан олишлари мумкин эди[4]. Умуман олганда, Волгабўйи, Уралолди очларига ўтказилаётган хайрия тадбирлари Хўжанд, Ўш, Жиззах, Самарқанд ва бошқа шаҳар ОЁ комиссиясилари томонидан ҳам мунтазам ўтказиб турилган[5].

Волгабўйи ва Уралолди ҳудудларидан келган очларга ёрдам уюштириш тадбирлари Туркистонда лотерея билетларини

---

[1] ААН Рес. Туркм., ф. 4, оп. 1, д. 344, л. 342 об.
[2] ААН Рес. Туркм., ф. Р- 94, оп. 1, д. 112, л. 28.
[3] ААН Рес. Туркм., ф. Р- 94, оп. 1, д. 112, л. 13.
[4] ААН Рес. Туркм. ф. Р- 94, оп. 1, д. 112, л. 13.
[5] Архив Аппарата Президента Республики Киргизии (ААН Рес.Кирг.), ф. 6, оп. 1, д.4, л. 104; Архив ЦПИ КП РТ, ф. 5337, оп. 1, д. 141, л. 34.

сотиш ва шунингдек, аэропланда учиш, автомобилларда, мотоцикллларда сайр қилдириш орқали ҳам хайрия фондига пул йиғиш ишлари амалга оширилади[1].

Очларга ёрдам тадбирлари орасида спорт мусобақалари ҳам алоҳида ўрин тутган. Фарғона вилоят ОЁ комиссияси 1921 йили сентябр ойидан Скобелевда «Шахмат турнири» ўтказиш ташаббуси билан чиққан. Ушбу турнирда қатнашиш ҳуқуқига эга бўлиш учун ҳар бир қатнашчи 5 минг рубл тўлаши керак эди. Агар қатнашчи турнирда ютқазса, 3 минг рубл ва мабодо у турнир тугагунга қадар ўйинни тарк этса, 20 минг рубл тўлаши керак эди. «Шахмат турнир»и дан тушган маблағ тўлалигича Россия очларига ёрдам тариқасида ҳадя қилинар ва бу пулга озиқ-овқат маҳсулотлари харид қилиб Волгабўйи, Уралолди ҳудудлари очларига жўнатиларди[2].

Туркистон МИҚ қошидаги ОЁ МК ва унинг жойлардаги ОЁ комиссиялари фаолияти дастлабки пайтларда маълум бир қийинчиликларга учраб турган. Хусусан, очларни қабул қилиш, уларни жойларга тарқатиш, келаётганларнинг аниқ ҳисобини олиш, уюшган ва оч-қочоқ ҳолда келаётганларни алоҳида ҳисобга олиш, жойлардаги ОЁ комиссиялари билан алоқаларни ўлда-жўлдалиги, партия ва совет органлари томонидан кенг ёрдам кўрсатилмаётганлиги, ОЁ комиссия аъзоларини тез-тез алмаштирилиши охир-оқибатда мутлақо қониқарсиз натижаларга сабаб бўлди. 1921 йил кузида уезд, вилоят ОЁ комиссиялари раисларининг Тошкентда бўлиб ўтган кенгашида қуйидаги тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ деб топилган:

- ТКП МК га мурожаат қилиб, жойлардаги комиссиялар таркибига масъул партия ходимларидан, асосан туб аҳоли вакилларидан киритиш керак;

---

[1] ЎзР МДА, Р-17 фонд, 1-рўйхат, 748- иш, 61- варак.

[2] Красная Фергана. // 19 ноября, 1921 г.

- комиссия таркибига киритилган ходимларни партия ташкилотлари ёки юкори ОЁ комиссияси органлари билан келишмасдан алмаштириш, чакириб олиш мумкин эмас;

- очлар хисобига килинаётган хайрия микдорини камайиб бораётганидан келиб чикиб, кишлок ва овуллардан мусулмонлар оркали ерли ахоли ўртасида ёрдам бериш бўйича тарғибот-ташвикот ишларини олиб бориш зарур;

- мусулмон тарғиботчиларни махаллий ахоли томонидан очларга ёрдам кўрсатиш бўйича хар кандай мажлис, анжуман ва курултойларда фойдаланиши лозим деб топилсин;

- айрим совет ташкилотлари томонидан ўз вазифаларини ОЁ комиссияси зиммасига юклаши Туркистон МИК кошидаги ОЁ МКга согликни саклаш ва халк таълими бўлимлари, озик-овкат кўмиталари хамда бошка манфаатдор органлар билан бахамжихат иш олиб бориши заруриятини келтириб чикаради;

- очларга ёрдам комиссиялари ўз фаолиятларини асосан, уездларда, хусусан махаллий ахоли ўртасида тарғибот-ташвикот ишларини олиб боришга, ёрдам бериш узлуксиз ва узок вакт давом этишига каратиши лозим;

- очларни жойлаштирилган худудлар билан доимий алока ўрнатиши, жойларда ўрнашган очлар ва уларни ерли ахоли билан муносабатларини ўрганиш хамда келтирилган очларга жамоа бўлиб ёрдам тартибини уюштириш керак;

- очлик азобини ўз юртларида тортаётган, Туркистонга келтирилмаган очларга хар ой маълум микдорда, хусусан «10 та тўк бир очни боқади» хисобидан келиб чикиб ёрдам уюштириш лозим. Бу борада ОЁ комиссиялари томонидан тарғибот-ташвикот олиб борилиши лозим;

- шахарларда очлардан ишлаб чикариш артелларига жалб килишни ташкил килиш, бу борада хўжалик ташкилотлари билан алокалар ўрнатиш хамда доимий тарзда, хар ой маълум микдорда, ўз иш хакларидан ажратишга эришиш;

- хоҳиший тарзда савдогарлар, ижарадорлардан, бозор, бозордаги тарозилар, ўтказиш жойлари ва бошқалардан очлар хисобига солиқ ундириш зарур;

- оч болаларни кўнлаб келтирилиши муносабати билан интернатлар учун мос биноларни ажратиш ва хатто бу борада совет ҳамда ҳарбий ташкилотларига тегишли биноларни камайтириш ҳисобига ҳам амалга ошириш лозим;

- мумкин қадар аҳолининг кенг қатламини, айниқса қишлоқ аҳолисини, болалар уйларини очишга ва уларни ўз хисобларидан сақлашга чақириш керак;

- зудлик билан узоқ овул ва қишлоқлардан йигилган озиқ-овқатларни Туркистон озиқ-овқат халқ комиссарларига топшириб, бу тўғрида тегишли маълумотнома олиб, мавжуд заҳирадаги озиқ-овқатларни ОЁ комиссиялари ихтиёрига топшириш зарур[1].

Мавжуд архив манбалари таҳлили, Туркистон МИҚ қошидаги ОЁ МК фаолиятини ўрганиш шундан далолат беради, ўлкада Волгабўйи, Уралолди очларига ёрдам кўрсатиш мураккаб ва баъзан зиддиятли тарзда амалга оширилган. Хусусан, Туркистон МИҚ қошидаги ОЁ МКнинг вилоят, уезд-шаҳарлардаги ОЁ комиссиялари Россия очларига ёрдам фаолияти дастлабки ойларда кутилган натижани бермаган. Бизнингча, бунга бир неча сабаблар бор эди. **Биринчидан**, дастлабки пайтларда ОЁ комиссияси аъзоларининг кўпи русийзабон кишилардан иборат эди. **Иккинчидан**, улар маҳаллий аҳоли тилини билмасликлари сабабли жойларда ёрдам уюштириш, ёрдам ҳафталикларини, хайрия тадбирларини ўтказиш, тарғибот-ташвиқот ишларини олиб боришда маълум қийинчиликларга учрашарди. **Учинчидан**, ОЁ комиссияси аъзолари тез-тез алмашиб турган. Бу эса ОЁ комиссия аъзоларида масъулиятсизликни

[1] ЎзР МДА, Р-17 фонд, 1-рўйхат, 927-иш, 138-варак.

кўпайишига олиб келган. Юқоридаги сабабларни ўрганиб чиққан вилоят, уезд ОЁ комиссияларининг кенгаши Туркистон МИҚ қошидаги ОЁ МК ҳайъатига «комиссияга жалб қилинганлар... юқори орган комиссия рухсатисиз чақириб олиниши ёки алмаштирилиши мумкин эмас» деб таклиф киритади. Шунингдек, комиссия ишида кўпроқ «мусулмонлардан фойдаланиш» мақсадга мувофиқ деб топилади[1]. Аммо Марказ вилоят ва уезд-шаҳар ОЁ комиссиялари аъзоларининг кўпи русийзабон кишилардан иборат бўлишидан манфаатдор эди. Чунки айнан ўша русийзабонлар Марказ манфаатларига кўпроқ ишлашлари мумкин эди...

Жойлардаги ОЁ комиссиялари Волгабўйи Уралолди ҳудудларида очарчиликдан азоб чекаётганлиги бўйича хайрия тадбирлари, «ёрдам ҳафталик»лари изсиз кетмаган. Туркистон халқи очлар фожеасини енгиллаштиришга хайриҳоҳлик билан қараган. Масалан, фақатгина 1921 йил 11-19 декабрь кунлари Туркистон МИҚ ОЁ МК ҳисобига вилоят, уезд-шаҳар ОЁ комиссияларидан тушган хайрия маблағ 64 млн. 953 минг 484 рублни ташкил қилган[2]. 1922 йил январь ойида Туркистон МИҚ қошидаги ОЁ МК ҳисобига 232 млн. 183 минг 419 рубл хайрия қилинган[3]. 1922 йил март-апрель ойларида Фарғона вилоятининг ҳамма уездларида Волгабўйи, Уралолди ҳудудлари очлари фойдасига сайил уюштирилиб, фақатгина Скобелев шаҳрининг ўзида ОЁ комиссияси ҳисобига 200 млн. рубл қўшилди[4].

Туркистон МИҚ қошидаги ОЁ МК топшириғига биноан 1922 йил 16-25 январь кунлари Туркистондаги ҳамма вилоят,

---

[1] ЎзР МДА, Р-17 фонд, 1-рўйхат, 927- иш, 138- варак.
[2] Известия (Турк ЦИК) 28 декабря 1921 года.
[3] Известия (Турк ЦИК) 8 февраля 1922 года.
[4] ЎзР МДА, Р-17 фонд, 1-рўйхат, 311- иш, 635- варак.

уезд-шаҳар ОЁ комиссиялари уюшган ҳолда "Ёрдам ҳафталиги" тадбирини ўтказган[1]. Албатта, хайрия қилинган пулларга Туркистон МИҚ қошидаги ОЁ МК томонидан очлар учун озиқ-овқат маҳсулотлари, кийим-кечак харид қилинган.

Волгабўйи, Уралолди ҳудудларидаги очарчилик ўз қамровини кенгайтирган сари аҳвол янада оғирлашиб борди. Очарчилик губерняларидаги совет ҳокимияти вакиллик органлари оч халқни боқиш саросимасига тушиб қолдилар. Туркистон, Украина ва чет эллардан берилаётган озиқ-овқат ёрдами ҳам етарли эмасди. Агар аҳвол шундай давом этаверса, оч халқни бошқариш мутлақо мумкин эмаслигини тушунган партия ва совет масъуллари ўзларининг кантон, шаҳар, губерния ва республикадаги масъул ходимларини Марказнинг рухсатисиз ҳам тегишли мандат билан Туркистон МИҚ, ХКК, ТКП ва ҳатто бевосита ўлкадаги вилоятлар ҳамда уезд-шаҳарлардаги ижроия қўмита, партия қўмитаси ҳамда тегишли тарзда ОЁ комиссиялари ихтиёрига махсус очларга ёрдам уюштириш топшириғи билан сафарбар қила бошладилар. Улар қўлларидаги "ваколат" билан тегишли ОЁ комиссиясидан рухсат сўраб ва кўпинча сўрамай ҳам жойларда очлар учун хайрия ва бошқа тадбирлар ўтказа бошладилар. Бу аҳвол айрим жойларда деярли узлуксиз тадбирлар ўтказилишига олиб келиб, маҳаллий аҳолидаги бор бўлган озиқ-овқат, кийим-кечагини нафақат Туркистон МИҚ қошидаги ОЁ МК ва унинг вакиллик органларига, балки Россиядан сафарбар қилинган махсус "ваколатли вакиллар"га ҳам беришига тўғри келди. Бундай ҳолат давом этаверса, шундоқ ҳам ночор кун кечираётган халқнинг иқтисодий аҳволига оғир таъсир қилмасдан қўймасди. Очларга ёрдам бериш бўйича ўзбошимчалик билан ўтказилаётган хайрия йиғиш, солиқ ундириш тадбирларига барҳам бериш учун Туркистон МИҚ қошидаги ОЁ МК 1922

[1] ЎзР МДА. Р-17 фонд, 1-рўйхат, 937- иш, 2- варақ.

йил январида ўлкадаги вилоятларда фаолият кўрсатаётган тегишли ОЁ комиссияларига кўрсатма юборади. Бу кўрсатмада ҳар қандай ўзбошимчалик билан хайрия ўтказишга, солиқлар ундиришга барҳам бериш зарурлиги, акс ҳолда бу ҳолат суистеъмол ва ўғирликка олиб келиши мумкинлиги таъкидланади[1].

Очарчилик ҳудудларидагилар учун қилинаётган хайриялар миқдори амалда Марказ назоратида турган. Аниқроғи, йиғилган хайриялардан Туркистон аҳолисига бериш, махсус рухсатсиз, мумкин бўлмаган. Ҳатто бунинг учун кўрсатмалар ишлаб чиқиб, тегишли ОЁ МКларига тарқатилган. 1922 йил 10 январида БМИҚ ОЁ МК раиси М.И.Калинин ва РСФСР озиқ-овқат халқ комиссари Н.П.Брюханов Фарғона вилояти ОЁ комиссияси ва озиқ-овқат қўмитасига телеграмма йўллаб, унда хайрия қилинган озиқ-овқат маҳсулотларини кечиктирмасдан, Россиядаги очарчилик ҳудудларига юбориш зарурлиги ҳамда ҳар кунлик хайрия миқдори ва вагонларда юборилаётган озиқ-овқат маҳсулотлари тўғрисида маълумотлар бериш зарурлиги талаб қилади[2].

Туркистондан Россиянинг марказий губерняларидаги очарчиликка дучор бўлганларга берилаётган ёрдам миқёси кўпайишига қарамасдан, иқтисодий аҳвол оғирлигича қоларди. Марказ эса ҳамон ёрдам миқёсини янада оширишни талаб қиларди. Бунинг устига Туркистонга келтирилаётган очлар оқимини боқиш ва кийинтириш ҳам ўлка зиммасида эди. Совуқ тушиши муносабати билан 1921 йил охири ва 1922 йил бошларидан аҳвол янада мушкуллаша бошлади. Россиядан Туркистонга кўчирилаётганлар оқими уюшган ва уюшмаган ҳолда келиши тўхтамасди. Келаётганларни озиқ-овқат билан таъминлаш керак эди. Бу масала ечимини ижобий ҳал қилиш

---

[1] ЎзР МДА. Р-17 фонд. 1- рўйхат. 749- иш. 138- варақ.

[2] ЎзР МДА. Р-17 фонд. 1- рўйхат. 749- иш. 18-18 [А]- варақ.

учун Туркистон МИҚ қошидаги ОЁ МК раиси М.Бретт 1922 йил баҳорида ҳамма вилоятлардаги ОЁ комиссиялари ва ижроия қўмиталарининг раҳбарларига махсус кўрсатма беради. Ушбу кўрсатмада М.Бретт очларга ёрдам жамғармасини янада кўпайтириш максадида деҳқонларга экиш учун махсус ер участкалари ажратиш зарурлигини ва у ердан олинган ҳосилни деҳқон тўлалигича очларга ёрдам комиссиялари ихтиёрига топширсагина, озиқ-овқат солигидан озод қилиниши мумкинлигини уктиради[1]. Натижада, кўрсатмадан келиб чиқиб, ҳамма вилоятларда очларга ёрдам жамғармаси учун махсус ер участкалари ажратилди. Масалан, Туркман вилояти ОЁ комиссияси ва ижроия қўмитаи юқорида қайд этилган топшириқни амалга ошириш учун фақатгина Полторацк уезди ОЁ комиссияси ҳисобига 1922 йил мартида 83 десятинага 415 пуд ғаллани экиш учун ажратган эди[2].

Бундай мўлжалдан ортиқча, очларга ёрдам учун махсус ер участкасига экиш ишлари нафақат Туркман вилояти, балки Фарғона, Самарқанд, Сирдарё, Еттисув вилоятларида ҳам амалга оширилган. Ҳатто бу масала юзасидан Туркистон МИҚ қошидаги ОЁ МК ташаббуси билан Туркистон ХКК нинг махсус фармойиши ҳам қабул қилиниб, вилоят ижроия қўмитаси ва ОЁ комиссиясиларига бажариш учун топширилган[3].

Туркистон МИҚ қошидаги ОЁ МК ҳузурида ОЁ татар-бошқирдлар секциясини тузилиши ҳам очарчилик йиллари муҳим аҳамиятга эга бўлди. Нега ОЁ татар-бошқирд секцияси ташкил этилган деган савол туғилиши табиий... Чунки Туркистонда татар-бошқирдлар сон жиҳатдан ва ўлкадаги партия, совет, матбуот, маданий-маърифий муаассасаларда

---

[1] ЎзР МДА. Р-17фонд. 1-рўйхат. 749- иш. 143 - варак.
[2] ААП Рес.Туркм .. ф. Р- 94, оп. 1. д. 11. л. 5 .
[3] Архив ЦПИ КП РТ. ф. 5337. оп. 1.. Д. 182. л. 76.

салмоқли ўринга эга эди. Боз устига Туркистон МИҚ талабига мувофиқ Волгабўйи, Уралолди ҳудудларидан ўлкага келтирилаётган очларнинг энг камида 50 фоизи ҳам татар, бошқирд ва бошқа туркийзабон миллатлардан иборат эди[1].

Туркистон МИҚ қошидаги ОЁ МК таркибида ОЁ татар-бошқирдлар секцияси 1921 йил октябрида Бекентаев раҳбарлигида ташкил топган. ОЁ татар-бошқирдлар секцияси ташкил топиши муносабати билан Туркистондаги вилоят ОЁ комиссияларига телеграмма юборилиб, Волгабўйи, Уралолди ҳудудлари очларига ёрдам уюштириш мақсадида вилоят миқёсида 5 кишилик, уезд-шаҳарларда эса 3 кишидан иборат тегишли татар-бошқирд ОЁ комиссиялари тузиш зарурлиги уқтирилган. Татар-бошқирд ОЁ комиссияси ўз олдига Туркистонда яшаётган, у ёки бу лавозимда ишлаётган ҳамма татар ва бошқирд миллатига мансуб кишиларни Волгабўйи, Уралолди ҳудудлари очларига ёрдам учун сафарбар қилишни мақсад қилиб қўйган эди. ОЁ татар-бошқирд секцияси маҳаллий аҳоли ўртасида спектакллар, концертлар, ёрдам ҳафталиклари, очларни қўллаб-қувватлаш митинглари, хайрия тадбирлари ўтказиш билан шуғулланган[2]. ОЁ татар-бошқирд секцияси аъзолари Волгабўйи, Уралолди ҳудудларидан эвакуация тариқасида келаётганларни жойлаштириш, уларни Туркистондаги ижтимоий-сиёсий, иқтисодий аҳвол билан таништириш, ёрдам тариқасида озиқ-овқат, кийим-кечак, дори-дармон топиш билан боғлиқ ташкилий ишларда жонбозлик билан фаолият кўрсатганлар. Бундан ташқари ушбу секция аъзолари Волгабўйи, Уралолди ҳудудларида очлик азобини тортаётган миллатдошларига ёрдам уюштиришда ҳамда шунинг учун жойларда тарғибот-ташвиқот ишларини олиб

---

[1] РГАСПИ, ф. 122, оп.1, д. 216, л. 83; Известия (ТуркЦИК), 12 августа 1921 г.

[2] ЎзР МДА, Р-17 фонд, 1-рўйхат, 749- иш, 156- варак.

боришда ҳам кенг қамровли фаолият олиб борганлар[1]. Секция аъзолари ўз фаолиятида асосан татар ва бошқирд миллатига мансуб кишилар фаолиятига суянганлар. Масалан, 1922 йил 26 июлида Самарқанд вилоят ОЁ комиссияси раиси Туркистон МИҚ қошидаги ОЁ МК ва унинг татар-бошкирд ОЁ секцияси раҳбарияти кўрсатмасидан келиб чиқиб, "Қурбон байрами муносабати билан пуллик кечалар, хайрия тадбирлари, масжидларда тарғибот-ташвиқот ишлари, маҳаллий газеталарда ҳам очлар аҳволини ёритадиган мақолалар билан қатнашиш" режасини тузиб, бу ишларни амалга ошириш учун тегишли кадрлар топиш ҳаракатидан бўлган. Бу тадбирлардан тушган маблағларни тўла-тўкис ОЁ татар-бошкирд секцияси ихтиёрига топшириш кўзда тутилган[2].

Архив манбалари шундан далолат берадики, очларга ёрдам бериш ишларига Туркистонда истиқомат қилаётган бошқа миллат вакиллари ҳам жалб қилинган. Масалан, 1922 йил 28 майда Қўқонда яшаётган яҳудийлар жамоаси кенгашининг мажлиси ўтказилиб, унда Фарғона вилояти аҳолиси ўртасида бошланган очарчиликка қарши курашда ёрдам кўрсатиш масаласи кўриб чиқилган. Яҳудийлар жамоаси кенгаши 285 кишидан иборат бўлиб, улар Фарғона вилояти ОЁ комиссияси таркибида «маҳаллий яҳудийларнинг очларга ёрдам комиссияси»сини ташкил қилиш мақсадга мувофиқ деб топдилар. Яҳудийлар ОЁ комиссияси ўз олдига тегишли тарзда маълум бир маблағларини Фаргона вилоят ОЁ комиссияси ҳисобига ўтказиб туришни бурчлари деб қайд этиш билан бирга «Туркистонда яшовчилар доимо ўзаро алоқада ва бир-бирларига кўмак беришлари керак»лигини уқтирдилар[3].

---

[1] ЎзР ПДА, 60- фонд, 1- рўйхат, 2367- иш, 56- варак.
[2] ЎзР ПДА қошидаги СВА, 31 -фонд, 1[А]- рўйхат, 510- иш,80 –варак.
[3] ЎзР МДА, Р-17 фонд, 1- рўйхат, 733- иш, 165- варак.

Туркистондан ОЁ кўрсатиш турли формаларда олиб борилган. Масалан, 1922 йил 4 мартида Фарғона шаҳар инқилоб қўмитаси ўз мажлисида Волгабўйи, Уралолдидан келтирилган очларга ёрдм масаласида шаҳарда "Сайил" ўтказиш мақсадга мувофиқлигини асослаб, шаҳардаги ОЁ комиссияси ва халқ таълими бўлимида мутлақо ёрдам учун маблаг қолмаганлигидан "...интернат болаларини, очларни таъминлаш" имконияти йўқолганлигини билдиради. Шу сабабдан вилоят инқилоб қўмитаси ва вилоят ОЁ комиссиясидан 7 кунлик мусулмонлар "Сайил" байрами ўтказишга ва бу байрамдан камида 1 млрд 500 минг сўм келишига умид билдирдилар. Шунингдек, ушбу "Сайил"ни ўтказиш масаласида шаҳар инқилоб қўмитаси ва Туркистон ХКК раиси Қ. Отабоев ўз розиликларини билдирганини қайд этиб, мазкур "Сайил" байрамида уруғликларни экиш, "босмачиликка" қарши кураш бўйича тарғибот ишларини олиб бориш мумкинлиги қайд этилган[1].

Очларга ёрдам тадбирлари ўтказиш нафақат совет органлари, балки партия органлари томонидан ҳам алоҳида тиқиштириларди. Ва ҳатто партия органлари ўтказадиган ҳафталик тадбирларига алоҳида эътибор қаратиш зарурлиги уктирилиб, очларга ёрдам тадбирини ўтказишда ҳар бар партия аъзосидан фаолликни талаб қилинган. Масалан, 1922 йил 15 майдан 1 июнга қадар Туркистон КП МҚ "Икки ҳафталик" ОЁ тадбири ўтказиш тўғрисида берган кўрсатмасида уктирилишича, ёрдам ҳафталиги тадбирида спектакллар, митинглар, концертлар, халқ ўйинларидан ҳамда одамлар гавжум бўлиб яшайдиган жойлар ва тўпланадиган бозорлардан, Рамазон муносабати билан очларга хайрия қилишга тарғибот сифатида фойдаланиш зарурлиги қайд этилади. Шунингдек,

[1] Ўз Р МДА. Р-17 фонд. 1- рўйхат. 733- иш. 81- варак.

очларга ёрдам учун Туркистондаги хамма партия аъзолари ўз иш хақларининг бир қисмини "Икки хафталик" хайрия тадбири хисобига ўтказиш масаласини хам қўйилади. Бозорда савдосотиқ ишлари билан шуғулланувчилардан ва умуман шаҳар ва уездларда истикомат килувчи хамма фуқоролардан хайрия йиғиш кераклиги уқтирилган[1].

Туркистон МИҚ қошидаги ОЁ МК томонидан вилоят ва уезд-шаҳарларда олиб борилган саъй-ҳаракатлар натижаси ўлароқ, жойлардан Волгабўйи, Уралолди ҳудудларидаги очларга кўрсатилган ёрдамлар қамрови кундан-кунга, ойдан-ойга кўпайиб борди. Аммо амалда Туркистон халқининг ўзи оч ҳолда очларга ёрдам кўрсатганлар. Бу жараён борган сари кучайиб борган. Масалан, 1921 йилнинг сентябрида, яъни Волгабўйида Туркистонга очлар келтирила бошлангандаёқ ўлканинг «айрим волостларида ерли аҳолининг ўзи очарчиликка гирифтор» эди[2].

Туркистондаги очарчилик қамрови ва оқибатларига эътибор Марказнинг ўзида етарли бўлмаганидек, жойларда ҳам суст эди. Бунга бир қанча сабаб бўлиб, биринчидан, Туркистон республикаси ва вилоятлардаги ОЁ комиссиясининг аксарият мутасаддилари русийзабонлардан эди. Масалан, Фаргона вилоят ОЁ комиссияси ўзининг "муҳим вазифалар"и қаторига "агар Фарғона вилоятида очлар бўлса, яъни мутлақо очлар ва уларни қутқариш учун давлат томонидан аралашиш зарурияти туғилсагина, унда йиғилган хайриянинг маълум қисминигина ажратиш мумкин", деб билади[3]. Буидан ташқари ушбу кўрсатмада аввал Фарғона вилоятидаги маҳаллий очларга хайрия йиғимининг 50 фоизини ажратишни таклиф қилиниятти, аслида "бу кўплик килади... Фаргонадаги

---

[1] ЎзР ПДА. 60- фонд. 1- рўйхат, 2297-иш. 11-варак; 2148- иш. 2- варак.
[2] ЎзР МДА. Р-17 фонд. 1- рўйхат. 725- иш. 16- варак.
[3] ЎзР МДА. Р-17 фонд. 1-рўйхат. 927-иш. 36- варак.

очарчилик бор бўлса ҳам Волгабўйидагидек даҳшатли даражада эмас... шунинг учун ҳам йиғилган хайрияни тенг ўртага бўлиш мумкин эмас. Фарғона вилояти очларига ёрдамни социал таъминот орқали амалга оширса ҳам бўлаверади", дейилади[1]. Аммо ўз пайтида, яъни 1922 йил 11 апрелида Фарғона ОЁ комиссияси раиси А. Қодиров Туркистон МИҚ қошидаги ОЁ МК га ёзган маърузасида "Фарғона вилояти аҳолиси деярли оч ҳолатда" дейилади ва шундан келиб чиқиб қуйидаги вазифаларни амалга оширишни сўрайди:

- вилоят ОЁ комиссияси ихтиёрига ҳамма солик йиғимларини бериш керак;

- вилоят озиқ-овқат қўмитаси ўз зиммасидаги 6573 пуд ғалла қарзини тўлай олмагани сабабли, Туркистон озиқ-овқат халқ комиссарлигидан икки ой муддат ичида қайд этилган миқдордаги ғаллани Фарғона вилоят ОЁ коммисяси ихтиёрига топшириш зарур;

- Туркистон МИҚдан "Очлик солиги" (1922 йил 9 январдаги)ни Фарғона вилояти учун бекор қилиш керак;

- ўлка эвакуация бюросидан зудлик билан Волгабўйи, Уралолди ҳудудлари очларини ўз юртларига қайтариш-реэвакуация қилишни сўраш керак[2].

Туркистон МИҚ қошидаги ОЁ МКга қўйилган талаблар қаторида 1922 йил 21 сентябрида Фаргона вилоят ОЁ комиссияси вплоятнинг оч аҳолисини озиқ-овқат билан таъминлашда жуда катта қийинчиликлар бўлаётганини билдириб, бошқа илож қолмаганидан жойларда маҳаллий аҳолини қўшимча солиққа тортишга мажбур бўлинаётгани хусусида фикр юритиб, "маълумки ночорлар очларга кўп ёрдам бера олмайди, берган тақдирда ҳам кўп ўтмай унинг ўзи

---

[1] ЎзР МДА. Р-17 фонд. 1-рўйхат. 927-иш. 36- варак.

[2] ЎзР МДА. Р-17 фонд. 1- рўйхат. 311- иш. 635- варак ва оркаси , 336- варак.

уларнинг қаторидан ўрин олади..."-дейилади[1]. Бундай ҳолат натижасида аҳвол янада ёмонлашиб боришидан хавфсираб "очларни боқиш учун 20 млн. рубль" ажратиш зарурлиги уқтирилади[2]. Шундай қилиб, Фарғонадан Туркистон МИҚ, ХКК раҳбариятига, БМИҚ раҳбариятига қилинган бир неча мурожаатлар натижаси ўлароқ, 1922 йил 26 октябрида БМИҚ ҳузуридаги ОЁ МК Фарғона вилоятини озиқ-овқатга муҳтож деб топди[3].

Умуман олганда, Туркистон МИҚ қошидаги ОЁ МК аъзолари Россия очларига ёрдам кўрсатишда 18-20 соатлаб ишлашига, минглаб оч-ялонғочлар тақдирига бефарқ бўлмасликка ҳаракат қилганлар. Айнан ўша ОЁ комиссияларининг тиним билмай олиб борган фаолиятлари туфайли Россиянинг минглаб очлари Туркистонда паноҳ топишга, озиқ-овқат, кийим-кечак билан таъминланишга муваффақ бўлганлар. Шуни эътироф этиш лозимки, Туркистон МИҚ қошидаги ОЁ МК ўзининг олиб борган фаолияти давомида зиммасига юклатилган вазифани шараф билан бажарган. Ўз навбатида вилоят, уезд-шаҳар, волостларда фаолият юритган ОЁ комиссиялари бевосита очлар емиши, бошпанаси, кийим-боши билан шуғулланиб, очларнинг мушкулини енгиллаштириш ишларига ҳисса қўшганлар. Лекин таъкидлаш жоизки, жойлардаги ОЁ комиссиялари, марказдаги ОЁ комиссияси ўз фаолиятида аҳоли манфаатлари, хусусан унинг озиқ-овқат таъминоти йўлида аввал ҳоҳиший ва кейинроқ ҳоҳиший-мажбурий "услуб"ларни қўллашга мажбур бўлганлар. Буни очликка қарши курашдаги ноиложлик ҳатти-ҳаракатлари деса ҳам бўлади.

---

[1] ЎзР МДА. Р-17 фонд. 1- рўйхат. 935- иш. 10- варак.
[2] ЎзР МДА. Р-17 фонд. 1- рўйхат. 935- иш. 10- варак оркаси.
[3] ЎзР МДА. Р-17 фонд. 1- рўйхат. 921- иш. 6- варак.

Хулоса

Инсоният пайдо бўлибдики, унинг саъйи-ҳаракатлари замирида ўзини, бола-чақасини, яқинларини таъминоти, айниқса озиқ-овқат таъминоти муҳим аҳамият касб этиб келган. Зеро ҳар бир инсоннинг юриш-туриши, фикрлаши, ижодкорлиги, салоҳияти- ҳамма-ҳаммаси охир-оқибатда емишга, озиқ-овқат истеъмолига бориб тақалади. Одатда "Ейиш учун яшамай, яшаш учун ейиш керак"-дейилади... Тўғридир... аммо ўша "Яшаш учун ейиш" деган фикр таг-замирида яна озиқ-овқат истеъмол қилсагина яшаш давом этиши, шундагина инсон фикрлашдан, турли ихтироларни қилишдан, ўз салоҳиятини чархлашдан, бунёдкорлик ишларидан толиқмаслик ётади. Агар инсон озиқ-овқат таъминотидан маҳрум бўлса... унда эшитиш, мушоҳада қилиш, буйруқ бериш-ижро этиш ва қўйингки, ҳамма-ҳаммасидан маҳрум бўлиши мумкин. Ўта тўқлик қанчалик зарар бўлса, ўта очлик ҳам фойда эмас... Озиқ-овқат таъминоти қайси даврда бўлишидан қатъий назар ўз долзарблигини йўқотмаган. Маълумки тарихда "Ҳамма йўл Римга олиб боради" деган фикрга "Ҳамма саъйи-ҳаракатлар заминида емиш ётади " ни ҳам қўшиш мумкин... Ҳар қандай орзу-ҳаваслар, ўйин-кулгу, кийим-кечак ва бошқалар... озиқ-овқат истеъмолидан олдинга ўта олмайди.

XX аср бошларида ўзи аграр бўлган Россия ва унинг чекка ўлкаларидаги, хусусан Туркистондаги иқтисодий, ижтимоий-сиёсий аҳвол оғир эди. Туркистондаги анъанавий экин экишга Россия тажовузи орқали ўзгаришлар киритилиб, ўлкада метрополия манфаатлари йўлида ғаллага нисбатан пахта экишни кўпайтирилиши, охир-оқибатда, ўлка аҳолисини очарчиликка гирифтор бўлиши сабабларидан бири бўлди. Боз устига Биринчи жаҳон уруши туфайли фронтда от ва чорва

гўштига талаб кучайган ҳамда минглаб пуд гўшт ва яна от. туялар олиб кетилган.1916 йили Николай II фармони асосида 19 ёшдан 43 ёшгача бўлган, айнан ўлка ишлаб чиқариши.кишлоқ хўжалигида меҳнат қилаётганлардан 250 мингтасини фронт орқасида ишлаш-мардикорликка жалб қилиниши ҳам Туркистонда халқ хўжалигини издан чиқишига олиб келган. 1917 йил февралидаги инқилоб демократик эркинликлар берган бўлса-да, ўлка озиқ-овқати, саноати таъминотига ҳеч қандай наф келтирмади. Билъакс, демократик жараёнлар, ҳокимият бошқарувида бошбошдоқликни юзага келтирди. 1917 йил октябрида ҳокимиятни қўлга киритган большевиклар ўз олдиларига қўйган "социалистик" гояларни ҳаётга татбиқ этишда тажрибасиз эканликларини намойиш этдилар. Большевиклар ўз ҳокимиятларини сақлаб қолиш, уни мустаҳкамлаш йўлида чекка ўлкаларга нисбатан Марказ мафаатларини юқори қўйди. Хусусан, Туркистоннинг ўзида озиқ-овқат муаммоси ўз ечимини топмаган ҳолда, ўлкадан озиқ-овқат маҳсулотларини Россия марказий губерняларига ташиб кетиш. Марказни озиқ-овқат билан таъминлаш борасида ўлка раҳбарияти зиммасига мажбурият юклаш жорий этилди. Амалда Туркистон оч ҳолда Россия очларини боқишга жалб қилинди.

1917-1919 йиллари Туркистондаги очарчилик туфайли Россия ва Шимолий Кавказдан галла таъминоти ўлкада узуқ-юлуқ бўлса-да ("Оренбург тиқини" сабабли - *муаллифлар*) амалга оширилди. Аммо мазкур таъминотлар заминида ўлка аҳолисини мукаррар очарчилик ўлимидан қутқаришга нисбатан Туркистондан пахта таъминоти узилмаслиги, тўқимачилик саноатини қутқариш, армияни таъминоти муҳим аҳамият касб этган. Туркистондаги очарчиликка ёрдам бериш Марказдаги раҳбариятнинг энг муҳим вазифаларидан бири ҳисобланмаган... Марказ бу борада ҳамма имкониятларни ишга солиб, ўлка

аҳолиси очликдан ўлиб кетаётганлиги бўйича турли солиқ ва мажбуриятларни губерния ва минтақалар зиммасига юкламаган. Бошқачароқ айтганда, Туркистон аҳолисига ёрдам ва унинг кўлами марказлашган ҳолда уюштирилмаган эди. Айтиш мумкинки, ёрдамни инкор этмаган ҳолда... берилган ёрдамлар ўлка аҳолиси фалокати олдида жуда оз ва уюшган ҳолда эмас эди. Аммо 1921-1923 йиллари Волгабўйи, Уралолди ҳудудларидаги очарчиликни бартараф этишда Марказ раҳбарияти ташкилотчилик, уюштириш, эвакуация, сафарбарлик бўйича бор имкониятини, иктидорини ишга солишга ҳаракат қилган. Россия марказий губерняларидаги очарчиликни бартараф этишда Туркистон аҳолиси бепарво бўлиб турмай, ўзларида бор ва деярли йўқ имкониятларини ишга солиб, дастлаб ҳоҳиший ва кейинроқ, ўзлари яна очарчиликка мубтало бўлганда, ҳоҳиший-мажбурий тарзда риску рўзларини Волгабўйи, Уралолди очлари билан баҳам кўрганлар. Бу борада Туркистон МИҚ ҳузуридаги ОЁ МК ва унинг вилоят, уезд-шаҳар, волост-овуллардаги ОЁ комиссияларининг кенг қамровли фаолияти муҳим аҳамиятга эга.

Туркистон МИҚ ҳузуридаги ОЁ МК ва унинг жойлардаги ОЁ комиссиялари фаолияти таҳлили шуни кўрсатадики, мазкур комиссия тунни-кунга улаб Волгабўйи, Уралолди ҳудудларидан эвакуация тариқасида келтирилган, оч-қочоқ келганларни озиқ-овқат, бошпана, кийим-кечак билан таъминлашда катта ташкилотчилик вазифаларини бажарганлар. Комиссия саъйи-ҳаракати билан яна ўлкадан Волгабўйи, Уралолди ҳудудларига озиқ-овқат маҳсулотларини юбориш ҳам амалга оширилган. Бу ташкилотчиликнинг таг-замирида Туркистон халқининг инсонпарварлиги, багрикенглиги, бир бурда нонини бошқа миллат вакиллари билан баҳам кўргани ётади. Зеро Россия халкларига озиқ-овқат ёрдами

кўрсатилаётган пайтда Туркистон халқининг ўзи тўйиб овқат емаётган, хокимият учун кураш авж олиб, бошқарувда бошбошдоқлик ҳамда большевиклар зуғуми кучаяётганини ҳисобга олинса, ўзбек халқининг нақадар сабр-тоқат, кучли ирода ва инсонийлик хислатларини намоён қилганини, қийинчиликларга матонат билан чидаганини кўриш мумкин. Халқимизга хос бундай хусусият асрлар давомида шаклланиб, доимо ўз сайқалини топиб келаётганини инкор этиб бўлмайди.

Фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати

I. Архив ҳужжатлари

I Ўзбекистон Республикаси Президенти девони архиви
(ЎзР ПДА).
.1 60-фонд (Туркистон коммунистик партияси марказий қўмитаси
.2 Ўзбекистон Республикаси ПДА қошидаги Самарқанд вилоят бўлими 31-фонд (ТКП Самарқанд вилоят қўмитаси).
I. Ўзбекистон Республикаси Марказий Давлат архиви (ЎзР МДА).
2.1 Р-17 фонд (Туркистон АССР Марказий ижроия қўмитаси).
2.2 Р-22 фонд (Очларга Ёрдам Марказий Комиссияси).
2.3 Р-25 фонд (Туркистон АССР Халқ Комиссарлар Кенгаши).
2.4 Р-29 фонд (Туркистон АССР ер ишлари халқ комиссар лиги).
2.5 Р-31 фонд (Туркистон АССР ер ишлари озиқ-овқат халқ комиссарлиги).
2.6 Р-39 фонд (Туркистон АССР ички ишлар халқ комиссарлиги)
III. Наманган вилоят давлат архиви (НВДА).
3.1 243-фонд (Наманган уезд ижроия қўмитаси ишчи ва қизилармиячилар депутатлари кенгаши).
IV. Қирғизистон Республикаси Президенти Девони архиви. (ААП Рес. Кирг.).
V. Тожикистон Республикаси Президенти Девони архиви (ААП Рес.Тадж.).
VI. Туркманистон Республикаси Президенти Девони архиви (ААП Рес. Туркм.).
VII. Россия Федерацияси давлат архиви (ГАРФ).

VIII. Россия ижтимоий-сиёсий тарихи давлат архиви (РГАСПИ).

IX. Бошқирдистон жамоат бирлашмалари марказий давлат архиви (ЦГАОО РБ):

X. Бошқирдистон республикаси марказий давлат тарих архиви (ЦГИА РБ):

XI.Татаристон республикаси миллий архиви (НА РТ)

II. Даврий матбуот:

а) газеталар

1. Жизнь национальностей. Орган Народного комиссариата по делам национальностей. -1918-1922.
2. Известия (Ташкент). Орган Ташкентского уездно-городского Совета рабочих, крестьянских и солдатских депутатов. -1919.
3. Известия (ТатЦИК). Орган ЦИК Советов Татарской АССР и Татарского обкома РКП (б). -1921-1922 .
4. Известия (ТуркЦИК). Орган ЦИК Советов Туркестанской республики. -1919-1922 .
5. Коммуна. Орган Самарского губкома РКП (б) и губисполкома.-1919-1924.
6. Красная Фергана. Орган обкома КПТ и облисполкома Ферганской области. -1921.
7. Набат революции. Орган Закаспийского обкома партии и Политического отдела 1-армии. -1919-1921.
8. Наша газета (Ташкент).15 июня 1918 г.
9. Пролетарий. Орган Самаркандского обкома и облисполкома. -1919-1922.
10. Советская Татария (Казань). 4.11 января 1992
11. Туркестанская кооперация, № 1 (6), 1 апреля 1922 г.

б) журнал

12.Спутник агитатора (Татарстан), -1920-1924.

III. Адабиётлар:

1. Аъзамхўжаев С. Туркистон Мухторияти. Т.: Маънавият. 2000.
2. Зарипова Р.К. Политическая обстановка в деревне Башкирии перед НЭПом. -С.56-61 /Актуальные вопросы отечественной и всеобшей истории. -Казань: КГУ, 1991.
3. Идиятуллин Д. Мама не пускала на улицу-боялась, что съедят // Гасырлар авазы Эхо веков, май 1995.-С. 228-229
4. Касимов С.Ф. Автономия Башкортостана: становление национальной государственности башкирского народа (1917- 1925 гг.). -Уфа: Китап, 1997 .
5. Кожевникова Н. Люди ели людей //Под знаменем Ленина (Оренбург), 20 сентября 1991 г.
6. Ленин В.И. Ўрта Осиё ва Қозоғистон тўғрисида. -Т.: Ўзбекистон, 1984.
7. Мирсаид Султан-Галиев. Татарская автономная республика /Статьи, Выступления. Документы. -Казань: Таткнигоиздат,1992.
8. Мирсаид Султан-Галиев. Избранные труды. (татар ва рус тилларида). -Казань: Гасыр. 1998.
9. Мирсаид Султан-Галиев. Статьи. Выступления. Документы. -Казань: Таткнигоиздат, 1992.
10. Оронюк Б., Темирходжаев П. Центр-Туркестану (1917-1924), -Т.: Узбекистан, 1989.
11. Рахимов С. «Голод особенно свирепствовал в деревнях...» // Гасырлар авазы- Эхо веков. (татар ва рус тилларида). -Казань, 1997. № 3/4.
12. Тагиров И. Почему большевики не удержали государственную власть //Советская Татария. 19, 27 июн 1992 г.
13. Фёдорова Г. «Всё на борьбу с голодом!» //Южный Урал (Оренбург), 16 июня 1989.

14.Хаит И.Г. Национальная политика в послеоктябрьский период //Система ценностей Российской национальной политики. -Казань, 1998.
15.Хайрутдинов Р.Г. На путях к советской автономии. – Казань:КГУ, 1972.
16.Хайрутдинов Р.Г. Осуществление коммунистической партией ленинской программы по национальному вопросу в 1917-1920 гг. -Казань: КГУ, 1976.
17. Хайрутдинов Р.Г. Трудное возрождение (февраль1917-1920г.) - Казань: Таткнигоиздат, 1992.
18. Чориев З. Туркистон мардикорлари:сафарбарлик ва унинг оқибатлари (1916-1917 йй.) Т.: Шарқ, 1999.
19. Янгузин Р. Хозяйство и социальная структура башкирского народа в XVIII-XIX вв. –Уфа: Китап, 1998.
20. Ражабов Қ., Ҳайдаров М. Туркистон тарихи (1917-1924 йиллар).Т.: Университет, 2002.

а) бошқирд ва татар тилларида

21. Бэйш Экрем. Башкорт халқыны тарихы һэм азатлык корэше. (бошқирд тилида). -Офо: Китап, 1993.
22. Гарифуллин Д. Мэхмут Бодэйли (татар тилида) // Гасырлар авазы- Эхо веков. 2003. -№1\2, -С.147-149.

б) хорижий адабиёт

23. Leggett G. The CHEKA: Lenin's political police. -M.: Clarendon press-Oxford, 1986. -P. 514.

IV. Диссертация

1.Белокопытов В.И. Борьба с голодом и его последствиями в Татарии (1921-1923 гг.): Диссертация на соискание учёной степени кандидата исторических наук. -Казань, 1978.

V. Коллектив муаллифларининг асарлари, тўпламлари

1. «Военный коммунизм» как это было. -М.: Знание, №6, 1991.

2.История Татарской АССР (с древнейших времен до наших дней). -Казань, 1968.
3.История Татарской АССР. Том 2. –Казань: Татарское книжное изд-во, 1960.
4.История Татарской АССР. –Казань: Татарское книжное изд-во,1980.
5.Любовь и Восток. -М.: Московский писатель, 1994.
6.Мустабид тузумнинг Ўзбекистон миллий бойликларини Талаш сиёсати:тарих шоҳидлиги ва сабоқлари. Тошкент,"Шарқ"нашриёт-матбаа концерни бош таҳририяти, 2000
7.Очерки истории Куйбышевской организации КПСС. -Куйбышев: Книгоизд-во, 1983.
8.Очерки истории Ульяновской организации КПСС. – Саратов: Приволжское изд-во Ульяновское отделние, 1977.
9.Тайны национальной политики ЦК РКП стенографической отчёт секретного IV совещания ЦК РКП, 1923 г. -М.: Инсан, 1992.
10. Хрестоматия по истории Башкортостана 1917 2000. Часть II, -Уфа: Китап, 2001.
11.Туркестан в начале XX века: к истории истоков национальной независимости.Т.: Шарк, 2000.
12. Шарафиддинов А., Алимова Н. Фаргона водийси чор Россияси мустамлакачилиги даврида. Фарғона, 2011.
13.Ўзбекистон Миллий энциклопедияси.-Т.:"Ўзбекистон Миллий энциклопедияси" Давлат илмий нашриёти. I жилд, 2000.
14.Ўзбекистоннинг янги тарихи.Туркистон чор Россияси мустамлакачилиги даврида.Биринчи китоб. -Т.: Шарк, 2000
15. Ўзбекистоннинг янги тарихи. Иккинчи китоб. Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида. -Т.: Шарк, 2000.-6[illegible]7 бет.

Шартли қисқартмалар изоҳи

ААП Рес.Кирг. – Архив Аппарата Президента Республики Киргизистана.

ААП Рес.Тадж.- Архив Аппарата Президента Республики Таджикистана.

ААП Рес.Туркм.- Архив Аппарата Президента Республики Туркменистана.

БМИҚ – Бутунроссия марказий ижроия қўмитаси.

БМИҚ қошидаги ОЁ МК – Бутунроссия марказий ижроия қўмитаси қошидаги очларга ёрдам марказий комиссияси.

ГАОО - Государственный архив Оренбургской области.

ГАРФ - Россия Федерацияси давлат архиви .

НА РТ- Национальный архив Республики Татаристан.

НВДА – Наманган вилоят давлвт архиви.

ОЁ - очларга ёрдам.

ОЁ МК- Очларга ёрдам марказий комиссияси.

РГАСПИ - Российский государственный архив социально-политической истории.

Татаристон МИҚ – Татаристон марказий ижроия қўмитаси.

ТКП – Туркистон коммунистик партияси.

Туркистон МИҚ – Туркистон марказий ижроия қўмитаси.

Туркистон ХКК – Туркистон халқ комиссарлар кенгаши.

Туркистон МИҚ қошидаги ОЁ МК - Туркистон марказий ижроия қўмитаси қошидаги очларга ёрдам марказий комиссияси.

ЦГА ИПДРТ- Центральный государственный архив историко-политической документации Республики Татаристана.

ЦГАОО РБ - Центральный государственный архив общественных объединений Республики Бошкортостана.

ЦГИА РБ - Центральный государственный исторический архив Республики Бошкортостана.

ЦДНИ ОО – Центр документации новейшей истории Оренбурский области.

ЦХИДНИТ – Центр хранение и изучения документов новейшей истории Татаристана.

ЦДНИ УО -Центр документации новейшей истории Ульяновской области

ЦПИ КП РТ- Центр политических исследаваний коммунистичесаой партии Республики Туркменистана.

ЎзР ПДА -Ўзбекистон Республикаси Президенти Девони Архиви.

ЎзР ПДА қошидаги СВБ -Ўзбекистон Республикаси Президенти

Девони архиви қошидаги Самарқанд вилоят архиви.

ЎзР МДА -Ўзбекистон Республикаси Марказий Давлвт Архиви.

ЎОЁ МК- Ўлка очларга ёрдам марказий комиссияси.

Мундарижа

Кириш..... 3

I БОБ. Туркистон ва Россиядаги ижтимоий-сиёсий, иқтисодий вазият

1.1. Туркистондаги ижтимоий-сиёсий, иқтисодий аҳвол.....7
1.2. Россиянинг марказий губерняларидаги ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ҳолат.....35

II БОБ. Россия очларига ёрдам кўрсатиш: муаммо ваechимлар

2.1. Очларга ёрдам кўрсатиш комиссиясини ташкил этилиши ва фаолияти..... 56
2.2. Очларга ёрдам масаласида Марказ ва Туркистон муносабатлари.....64
2.3. Вилоят, уезд - шаҳарларда очларга ёрдам кўрсатиш комиссияси фаолияти.....77

Хулоса.....111
Фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати.....115
Шартли қисқартмалар изоҳи.....120

Белгилар учун

Мазкур китоб Наманган Давлат университети қошидаги 1-Академик лицей илмий – педагогик кенгашининг 2012 йил 30 октябр 3-сонли қарорига асосан нашрга тавсия этилган.

ТУРКИСТОНДА ОЧЛАРГА ЁРДАМ КЎРСАТИШ КОМИССИЯСИ ФАОЛИЯТИ

Абдулла РАСУЛОВ
Нурилло РЕЖАББОЕВ.

Муҳаррир: А.Исоқбоев
Тех. Муҳаррир: Р.Ахмедов
Дизайнер: Х.Сариков
Мусаҳҳиҳ: Н.Расулова

Босишга руҳсат этилди: 13.12.2012 й. Бичими 84x108 1/32
Нашриёт босма табоғи: 10,7. Шартли босма табоғи: 16.
Адади: 100 нусха. Буюртма №159, Баҳоси келишилган нархда.

"Ёркин" хусусий ишлаб чиқариш босмахонасида офсет усулида чоп этилди.
Босмахона манзили: Фарғона шаҳри, С.Темур 28.
Лицензия – 22- 0444



ФАРҒОНА – 2012